


**Ю. Дмитриев**



**Табиат  
мўъжизалари**

Тошкент  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти  
1988

Русчадан Тўлқин Қозоқбоев таржимаси

Дмитриев Ю. Д.  
Д 59 Табиат мўъжизалари: [Кичик мактаб ёшидаги болалар учун] / [Русчадан Т. Қозоқбоев тарж.].— Т.: Ёш гвардия, 1988. — 112 б.

Ёзувчи бу китобида ҳайвонот дунёси, ҳашаротлар ва табиатда рўй берадиган мўъжизалар ҳақида ҳикоя қилади.

Дмитриев Ю. Д. Рассказы о животных: Для детей младшего школьного возраста.

ББК 28.6

Д  $\frac{4803010102 \quad 34}{356 (04) 87}$  144—87

ISBN 5—633—00144—3

© Издательство «Педагогика», Москва, 1982

© Издательство «Ёш гвардия», 1988 (перевод, оформление).

## БУ КИТОБ ҚАНДАЙ УҚИЛИШИ КЕРАК

### Ота-оналар учун эслатма

Бу китобнинг икки ўқувчиси бор: болалар ва катталар. Бир қанча материал болалар учун ўқишга, бир қанчаси эса катталар учун мўлжалланган. Катта ёшдагиларга мўлжалланган материаллар аллақачон уларга унут бўлган нарсаларни эсларига солади; болаларнинг эса диққат-эътиборини уларнинг ёши ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, табиатдаги маълум нарсаларга қаратишга, бизга таниш бўлган нарсаларнинг нотаниш томонларини кўришга ёрдам беради, қаерда, қачон ва қандай кузатиш кераклигини ўргатади.

Китобни шошилмай ўқиган маъқул. Болаларга мўлжалланган бирорта савол ҳам, топшириқ ҳам қолиб кетмасин. Чунки улар болаларнинг диққат-эътиборини оширишга, китобни чуқурроқ ўқиб-ўрганишларига катта ёрдам беради.

Болаларни таққослашга, таҳлил қилишга, кузатишга ўргатиш жуда муҳим. Китобдаги саволлар худди ана шу хислатларни тарбиялашга қаратилган. Бундан ташқари, болалар топшириқларни бажариш жараёнида берилган материалларни яна бир бор такрорлайдилар, яъни олган билимларини мустаҳкамлайдилар. Баъзи топшириқларни бажаришда сиз — ота-оналарнинг иштирокингиз, албатта зарур. Акс ҳолда топшириқ бажарилмай қолиши мумкин. Ўқиб чиққан китобларингиздан олган таассуротларингизни ўғлингиз, қизингиз билан ўртоқлашишни унутманг.

Болаларни ҳайвонлар, ўсимликларни бир-биридан фарқлашга, ўхшаш жойларини кўрсата билишга, уларни таққослашга ўргатинг. Китобни ўқиётганда, болалар эътиборини расмларга қаратинг.

Болаларни шошмасдан ҳикоя қилишга ўргатинг, керакли сўзлар ва ибораларни топишларига ёрдам беринг, хато ва камчиликларни хушмуомалалик билан тузатинг.

Болалар диққатини яна ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёсининг гўзаллигига, ўрмоннинг ранг-баранглигига қаратинг.

## СҮЗ БОШИ

Бу воқеага анча йиллар бўлди. Ушанда мен олти-етти ёшдаги бола эдим. «Қани, кийин, ўрмонга борамиз!» — деди отам бир куни. Борсам боравераман-да! Ушанда қаерга бориш менга бари бир эди — фақат дадам билан бирга бўлсам бас!

Кўп замонлар ўтди, шод-хуррамликни ҳам, ғам-ташвишларни ҳам кўрдим. Аммо ўша кунни ҳеч қачон унутмайман. Отам доим банд бўлар, ўйга толиб юрарди, шу сабабли бизни кўп эркалатмасди. Уша сафар эса бутун кунбўйи дадам билан бирга бўлдим!

Энг катта мўъжиза ўрмонда содир бўлди. Отам бутунлай ўзгариб кетди. Аввал бундай эмасдилар, ҳеч қачон уларни бугунгидек кўрмаган эдим. Биз ўрмонда узоқ юрдик, дунёдаги ҳамма нарса қақида гаплашдик, чарчадик. Кейин отам майса устида узала тушиб узоқ вақт осмонга қараб ўтди. Уша пайтда, кўзлари меҳрга тўла эди.

Ўрмон-чи! Биз болалар билан «қароқчилар» ўйини ўйнаган ва у ҳақда ҳеч нарса билмаган ўрмон бирдан жонланиб кетди. Менда минглаб савол туғилди, отам эса ўша заҳотиёқ уларга жавоб берарди. Отам ҳамма нарсани билар экан. Қайси қуш сайраяпти ва нимага сайраяпти, чумолилар қаёққа шошяпти... Ҳикояларини тинглаганингизда эди!..

Энди, ҳар сафар орқасига халта осган ота-болалар қўл ушлашиб бораётганини кўрганимда, қалбим қувончга тўлиб кетади. «Қандай бахтли бола,— деб ўйлайман ўзимча.— Улар учун ҳамма нарса олдинда! Ҳамма қувончу кашфиётлар олдинда. Энг катта қувонч — биргаликда эслаш қувончи ҳам олдинда. Сеҳрли, «эсингдами?» сўзи айтилганда қачонлардир бирга ўтказган бахтли дақиқалар ёдга тушади».

Отам билан ўрмонга бир марта боролдик, холос. Аммо ўша кунни худди кечагидек эслайман, табиатга шу даража қизиқишим, унинг сирларини билишга иштиёқим, умуман жонли табиатга муҳаббатим, яхшилик қилиш ва бу эзгуликни ҳимоя этишим ўша кундан бошланганига аминман. Ўйлайманки, ҳар бир одам ўрмонда, далада, дарё ёқасида ўтказган кунларини сира унутмайди. Болаликда табиат билан мулоқот туфайли пайдо бўлган ана шу таассуротлар шундай кучли бўладикки, улар бир умрга ёдда қолади. Шу туфайли инсонда ер юзида яшаётганлар билан, она еримиз билан алоқадорлик туйғуси, буюк муҳаббат ҳисси пайдо бўлади.

«Боланинг атрофидаги дунё — бу табиат дунёси, ҳисобсиз ҳодисаларга бой, битмас-туганмас гўзаллик дунёсидир»,— деган эди В. И. Сухомлинский. Бола шу дунёга қадам қўяр экан, унинг

овозини, ҳиди, рангини сезади, унинг уйғунлигидан роҳатланади ва шахс сифатида шаклланади. Унда инсонга хос бўлган бебаҳо ҳислат — кузатувчанлик ривожланади. Қизиқувчанлик ва янгиликларга ташна бола мияси ҳар бир нарсанинг моҳиятини чуқур билишга, унинг қонуниятини, мақбуллиги ва ўзаро боғлиқлигини ўрганишга ҳаракат қилади. Ҳамма кўрганлари уни лоқайд қолдирмайди, унда кўплаб «нима?», «қандай?», «нега?» каби саволларни пайдо қиладики, булар бола тафаккури ривожда янги босқич бошланганини билдиради. Шунинг учун боланинг билишга бўлган эҳтиёжини ўз вақтида қондириш, унинг кейинги саволлар томон бошлаш, унга ҳар бир ҳодисанинг моҳиятини — кўп қиррали ва мураккаблигини кўрсатиб бериш муҳим.

Кўпинча ота-оналар у ёки бу масалада етарли маълумотга эга бўлмаганлари туфайли болаларнинг «безор қиладиган» саволларидан ғашлари келади, қўл силтайдилар. Бундай муносабат оқибатида болада табиатга қизиқиш ортиш ўрнига сўниб қолади.

Табиат билан мулоқотда бўлмаган, ўзи учун ҳар кунни бир янгилик очмаган, табиат қонунларини ўрганмаган, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг турли-туманлиги ва мукамаллигидан ҳайратда қолмаган одамни табиатни севишга ўргатиб бўлмайди, табиатни билмай ва уни севмай туриб эса, унинг ҳимоячиси бўлиш мумкин эмас!

Шуни айтиш керакки, ўз ҳаётини табиатни ўрганишга бағишлаган одамлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Аммо табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш муаммосини ҳар биримиз табиатни асрашга бел боғлаган тақдиримиздагина ҳал эта оламиз. Бу борада оила катта роль ўйнайди. Айнан оила болани табиатни севишга ўргатиши, одамнинг атрофимиздаги ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига муносабатини ўзгартириши, онгини қайта қуриши мумкин, чунки табиатдан хоҳлаганча оладиган ва шу билан жазосиз қоладиган даврлар аллақачон ўтиб кетди.

«Табиат мўъжизалари» китоби шу қутлуғ ишда ота-оналарга ёрдамчи бўлишини жуда истаймиз.

Шундай қилиб, сизни қизиқарли учрашувлар кутади, оқ йўл сизга!

# КАШФИЕТ ҚУВОНЧИ

## Катталар учун

Ҳар бир йил ўзининг бир маромдаги ҳаракати билан Замин шимолий ярим шарини Қуёшга қаратганида бу ерда дарёлар музи қарсиллаб сина бошлайди ва баҳор бошланади. Қутилмаганда ўрмонлар қорни кемирувчи туманга чулғанади, нималардир шитирлайди, томчилайди, жилдирайди. Шамол гуриб, туманни тарқатиб юборганда, қордан халос бўлган тупроқ гўё нафас олаётгандай илиқ бўлиб қолади ва шунда кимдир чириган ҳазонлар орасидан илк чечакни тантанавор узиб олади...

Шимол ҳавосига ўрганган кўнгил декабрь шомида баҳор ташрифининг муқаррарлигига ишонади. Баҳор фаслида кўнгилнинг туб-тубида нимадир уйғонади, энг муҳими — олис кечинмаларнинг қувонч бахш этгучи хотироти дилни орзиқтиради. Шундай пайтда кишининг изқувар ёки қуш тутувчи бўлгиси, кўмкўк майсазорларда кезгиси, бутазорлардан, ботқоқлардан, юмшоқ, майин ўтлар оралаб юргиси келади...

А. С. СЕРЕБРОВСКИЙ.

Кўклам нафасини февраль ойининг охирларидаёқ сеза бошлаймиз: кун узайиб, қуёш иссиқроқ ва ёруғроқ нур соча бошлайди.

Табиатшунослар баҳор фаслини уч даврга бўлишади; биринчи давр — илк кўклам бўлиб, у қор эриши билан бошланади. Иккинчи давр — кўкламнинг яшил тусга кирган, қорлар эриб бўлган, эрталабки аёз кунлари тугаб, шумурт, ундан сўнг эса сирень дарахтлари гуллаган палласи. Ва ниҳоят учинчи давр — олма гули тўкилаётган, яъни кўкламнинг ёз олди кунгаридир.

Баҳор кирганини ҳаммадан олдин қушлар ва ...болалар сезишади. Қушлар қаттиқроқ сайрайди, болаларни эса уйда ушлаб ўтириш мушкул бўлади. Улар биринчи бўлиб қишлоқ кийимларини ечиб ташлашади ва кўпроқ вақтларини кўчада, сувга кемачалар оқизиб, бўғотларда осилиб турган сумалакларни уриб тушириб ўтказишади.

Биз, катталар ҳам баҳор нафасини сеза бошлаймиз. Шу боис, тўпланишиб, биргаликда сайри боққа чиқиб, кўкламни қаршилашимиз керак. Ахир музнинг кўчишини, зогча ва чуғурчуқларнинг учиб келишини кузатмай бўладими? Аргувон ва қайин дарахтларининг шох-шаббалари қизариб, қайрағочнинг шохлари сарғайиб баҳорни кутиб олаётганини кузатмаслик мумкинми, ахир. Баҳорнинг ҳар бир куни бирор бир янгилик олиб келади. Қурт-қумурсқаларнинг пайдо бўлиши, қушларнинг учиб келиши,



тухум қўйиб бола очиши, дарахтларнинг барг чиқариши биз учун ўз вақтида содир бўладиган ва йилнинг муайян бир даври билан боғлиқ бўлган ҳодисалардек оддий туюлади.

Табиатни мавсумий ҳодисаларини кузатиш болаларда атрофимиздаги табиатни ўрганишга, кузатилаётган объектни ҳар томонлама ва чуқурроқ билишга бўлган иштиёқларини оширади. Шаҳар ташқариси ҳам, ўрмон ҳам, шаҳарнинг ўзи ҳам сиз ва бола учун яхшигина кузатиш, ўрганиш манбаи бўла олади. Муҳими, кузатувлар изчил ва тартибли бўлсин. Ҳар гал кузатувни охирига етказиш муҳим. Масалан, сиз, деразангиз яқинига ин қўйган чуғурчуқларни кузатмоқчисиз. Болага нимага эътибор беришни айтинг, чуғурчуқларнинг кўриниши қанақа, ўзларини қандай тутишади, инларига ярим соат ичида неча марта учиб келиб, учиб кетишади ва ҳоказо...

Қушлар ҳаракати ҳақида бирор бир хулоса айтиш учун доимий кузатиш жойини белгилаш ва ўша ерда йилнинг барча фаслларида ҳам кузатув олиб бориш лозим. Ўрмонда сизнинг ўз чумоли «уянгиз» бўлсин. Кўклам бошланишида у ерда ҳаётдан асар ҳам кўрмайсиз, лекин икки ҳафтала ўтказиб келсангиз, биринчи разведкачи — чумолиларни кўрасиз. Кузатинг, улар нима қилишини, ўзларини қандай тутишини кузатинг. Ёзнинг ўрталарида, кузда чумоли инини яна келиб кўришни унутманг. Чумолиларнинг ҳаракат йўлини, нималар ташишини кузатинг.

Кузатувларингизни ва шу аснода пайдо бўлган саволларингизни дафтарга ёзиб қўйинг. Бу масалалар бўйича қўшимча адабиётлардан ҳам фойдаланинг.

Болалар билан суҳбатни ҳашаротлар ҳақида ҳикоя қилишдан бошлаймиз. Бу бежиз эмас. Чунки улар ҳамма ерда бор. Уларни кўриш учун узоққа бориш, катта бўлмаса ҳам лекин кашфиёт учун узоқ сафарга саёҳатга чиқиш шарт эмас. Ҳашаротлар — энг кўпсонли ҳайвонлар туркумига киради. Уларнинг бир миллиондан ортиқ турлари бор, барча ҳайвонларнинг турларини қўшиб ҳисоблагандан ҳам кўпроқ. Улар ўзига хос турли шаклга ҳамда кўпсонли мураккаб мосламаларга эга бўлишади. Кўпгина гулли ўсимликлар ҳашаротлар билан чангланса, кўплаб балиқлар, қушлар ва ҳайвонлар ҳашаротлар билан овқатланади. Кўпинча уларга эътибор қилмаймиз, хонқизи нима учун қизиллиги ва бу «таниш бегона»ни кафтимизда бир оз олиб турсак нега қандайдир суюқлик чиқариши сабабини билмаймиз. Бу ҳақда ҳатто ўйлаб кўрмаймиз. Кўпинча болаларнинг қўли уни тутиб олиш учун узатилади, оёқлари эса ачинмай, «кўрқинчли қўнғизни» босиб ўлдиришга шайланади. Бунга йўл қўйманг. Барча жонли нарсалар — ҳашаротми ёки кўклам гулими, бари бир — болалар учун улар даҳлсиз бўлмоғи лозим!

## ТАНИШУВ

Ўтган йили баҳордан то кеч кузгача қишлоқда яшашимга тўғри келди. Жиддий илмий китоб ёзмоқчи эдим. Ишлаш учун ҳеч ким чалғитмаслиги, халақит бермаслиги, хуллас, тўла осойишталик зарур.

Қишлоқда якка ўзим эмасдим, вафодор ва чинакам дўстим Боцман ёнимда эди. У бурни қора, кўкраги оқ, кичик қулоқлари доим динг турадиган бароқ ит. Баъзан унинг жаҳли чиқади, бурнини жийириб, тишларини кўрсатиб ириллайди, бошқа пайтда қувноқ юради. Қувноқлиги жавдираган кўзларидан, думининг ликиллашидан шундоққина сезилиб туради.

Ростини айтганда, Боцман ҳамма итлар сингари ғаройиб. У сўзлашишни ҳам билади. Лекин одамларга ўхшаб эмас албатта, ўзича, яъни ўз тилида гапиради: қаттиқ хуради ёки секин акиллайди, баъзида ириллайди. Тўғриси кучугим ҳар қанақасига гаплашаверади. Бу унинг нима демоқчи эканига боғлиқ.

Боцман билан кунимиз эрталабки сайрдан бошланарди. Сўнг нонушта қилардик. Кейин ҳар иккимиз ўз ишимиз билан банд бўлардик. Мен ёзув столимга ўтирардим. Боцман бошини олдинги оёқларига қўйиб, мени кўриқлаш ва бир йўла мудраб олиш учун ёнимга ўрнашарди.

Кунларнинг бирида... кучугим вовиллаб, ўрнидан туриб кетди. Эшикни очдим у лол қолдим. Эшик олдида бўйлари ҳам, кўк кўзлари пучуқ бурунлари ҳам ва ҳат-



то сепкилларигача бир хил иккита болакай турарди. Фақат бирининг икки ўрам сочи диккайиб турарди.

— Кимсизлар?— сўрадим мен.

— Биз — Ромашкалармиз,— жавоб қилди сочи диккайиб тургани.

— Ромашка деганингиз нимаси? Гулми?

— Йўқ...— иккаласи ҳам кулиб юборишди ва бир-бирларига қарашди.— Бизни шундай деб чақиривади.

— Чунки биз — Рома ва Машамиз,— деди кокили йўқ бола.— Бу опам Маша бўлади, мен эса укасиман. Исмиим Рома...

Шундай қилиб, биз танишдик. Рома билан Маша қишлоққа бувисиникига меҳмон бўлиб келишганини, ёз тугагач уйларига қайтиб кетишларини, кузда биринчи синфга боришларини билиб олдим. Яна бувилари Рома билан Машага менга халақит бермасликларини тайинлабди, аммо Ромашкалар мени бир мартагина безовта қилса бўлаверади, деб ўйлашибди. Халақит бериш учун эмас, танишиш учун келишибди. Чунки улар ёнгинамдаги уйда яшашаркан. Қўшнилари эса, Рома билан Машанинг фикрича, бир-бирлари билан таниш бўлишлари керак.

Кейин улар Боцманни силасак майлими, деб сўрашди. Мендан кўра уларни кўпроқ Боцман қизиқтиришини тушундим. Хайрлашаётганда Ромашкалар менга халақит бермасликка ваъда қилишди. Ростдан ҳам улар ваъдаларининг устидан чиқишди. Лекин, бари бир, мен катталарга мўлжалланган китобни ёзолмадим. Унинг ўрнига бошқа китоб ёздим. Мана ўша китоб. У болаларга бағишланган.

## **ҲАММАСИ НИМАДАН БОШЛАНДИ**

Ромашкалар билан баҳорда танишган эдим. Қуёш қиздирар, лекин майса ҳали сабза урмаган, дарахтларнинг нозик япроқлари кичкина ва рангпар туятовоннинг сариқ гулини кўриб қувонасан. Жондорлар орасида эса энг кўп учрайдиган ҳашаротлар. Ёзда ҳашаротлар кўп бўлади. Ҳар бир дарахтда, ҳар бир шохда, истаган бутазор ёки майсазорда капалакми, ёки асаларими, чигиртками, қўнғиз ёки тукли ариларними кўриш мумкин. Қўкламда эса — бошқа гап. Ҳашаротлар ҳали кам, ҳатто пашшалар — ёзда жонга тегадиган ўша хира пашшалар ҳам одамга қувонч бағишлайди.

Бир куни уйдан чиқиб, қуёш қиздирган деворни кузата бошладим. Бирор қизиқарли нарсани албатта кўришимни сезиб турардим.

Шу пайт деворга енгилгина соя тушди ва капалак келиб қўнди.

У қанотларини ёзган эди, менга тўртта кўз қараб тургандек бўлди. Капалак қанотларини бир йиғиб, бир ёзди, қанотларини йиққанда деярли илғаб бўлмасди, ёзганда эса чиройли тусга кирардики, ундан кўзни узиб бўлмасди. Лекин кунбўйи капалакни кузатиб туролмайман-ку! Ишлашим керак.

Аммо ишлай олмадим. Энди уйга кирувдим ҳамки оёқ товуши, кейин шовқин эшитилди — дераза ёнидан Рома матрап кўтариб чопиб ўтиб кетди. Унинг кетидан— Маша. Улар ниманидир тутишарди. Капалак бўлса керак. Эҳтимол уйимизнинг деворига қўнган капалакни ҳам тутиб олиш учун югуришаётгандир...

Мен шошиб ташқарига чиқдим. Аммо кеч эди. Ромка матрапни ерга босиб чўкка тушиб ўтирарди. Маша эса матрап ичида ўзини уёқдан-буёққа ураётган асира капалакни ушлашга уринарди. Мен уларнинг ёнига келдим, Маша муштини ёзди, кафтида қандайдир бир кўримсиз жонзотнинг типирчилаётганини кўрдим.

— Нима қиялпсизлар? — жаҳл билан сўрадим.

— Капалак тутяпмиз,— жавоб қилди Маша.

— Раҳмларинг келмайдими?

— Келади, — бараварига жавоб беришда Ромашкалар ва менга шундай маъносиз тикилишдики, уларнинг гуноҳини шу заҳотиёқ кечирдим.

— Биз фақат кўрмоқчи эдик,— жавоб қилди Маша,— мана нима бўлди...— у ифлос бўлган кафтини кўрсатди. Мен Боцманга, Боцман эса менга қаради. Эҳтимол Боцман Ромашкаларни уришиш керак деб ўйлаётгандир, аммо мен ундай қилмадим. Ахир улар капалакни ўлдириб қўйганларини, энди у ҳеч қачон учмаслигини, ўзининг гўзаллиги билан бизларни мафтун қилмаслигини ҳали билишмас эди-да.

Шунда мен Ромашкаларга, бирга ўрмонга бориб, турли хил жонзотлар ҳақида сўзлаб беришга, табиатнинг сирларини ўқиб олишни уларга ўргатишга ваъда бердим. Бу билан улар ақлли, қизиқувчан инсон бўлиб ўсишларини, бунинг учун ўрмон «аҳоли»сини билиб

олишлари ва севиб қолишларига, уларнинг чинакам дўстлари ва қўриқчиларига айланишларига ёрдам қилишни кўзда тутгандим.

## АЖОЙИБ ЖОНЗОТ

Эрталаб Боцман билан сайрга чиқдик, қарасак, Ромашкалар эшик олдида бизни кутиб ўтиришган экан.

— Сиз билан борсак майлими?— умид билан сўрашди улар.

— Нима дейсан, Боцман, уларни бирга олиб кетамизми?— Боцман менга қараб думини ликиллатди.— Хўп, демак, оламиз...

Биз қишлоқдан ташқарига чиқдик. Боцман — олдинга кетиб қолади. Кутиб туради ва яна олдинга югуради — бирга югуришимизни истади. Аммо мен югуришни хоҳламайман — атроф шу қадар ажойибки! Янги чиққан ям-яшил, бўлиқ барглар қуёш нурида ялтираб турарди. Ҳаммаёқни гулларнинг майни ҳиди тўтиб кетган. Қушларнинг сайраши кишига ҳузур бағишлайди.

Рома билан Маша югуришар, кулишар, гўзал баҳор тонгидан қувонишарди.

— Ромашкалар!— дедим уларни олдимга чақириб.— Энди шўхликни бас қилинглар, бунақада ҳамма жонзотни қўрқитиб юборасизлар.

— Қанақа жонзот?!— Тушунмаётгани кўзларидан кўриниб турарди.

— Эй, сенларни қара-ю! Урмонга нима учун келганимизни ҳам унутиб қўйдингизми?

Болалар жим бўлиб қолишди.

«Урмонда ўзини тутиш осон эмас. Ҳечқиси йўқ, ўрганиб олишади»,— ўйладим ўзимча.

— Майли, хафа бўлманглар. Ҳаммаси олдинда. Ҳов анави тўнкани кўряпсизми? Ушанинг олдида югуринг.

Рома тўнканинг олдида биринчи бўлиб югуриб борди ва унинг устига чиқиб олиб бақирди:

— Мен биринчи, ҳаммаси меники.

Маша энди хафа бўлмоқчи эди, тўсатдан бир оёқда сакраб, ҳатто хурсандлигидан кулиб юборди:

— Мен ҳам биринчи! Тезроқ қаранглар, бўлмаса

қочиб кетади! Шошилишини қаранг. Бирам чиройлики! Орқаси ям-яшил...

— Оддий қўнғиз-да, нима бўпти...— Аммо Рома гап-пани тугатмасдан қўнғиз учиб кетди ва бамисоли эритилган металл парчасидек ялтиради.

— Вой, бу нима?— кутилмаган бу ҳолатдан ўзига келиб, ажабланиб сўради Маша.

— Бу тиллақўнғиз. Шунақа ҳашарот. У бутунлай оддий эмас. У ерга қўнганда орқаси металл қуйилмасига ўхшаган кўм-кўк, қорин томонидан эса у қизил мис рангида товланади. Шунинг учун ҳам уни тиллақўнғиз деб аташган. Оддий қўнғиз эмас — тилла қўнғиз, чунки у учаётган пайтда қуёш нурида ялтирайди.

— Қаранг-а, қандай чаққон! Бир зумдаёқ ғойиб бўлди!

— Унда шунақа хусусият бор. Бўшқа қўнғизларга ўхшаб қаттиқ қанотини кўтариши шарт эмас.

— Қаттиқ қанот?

— Кўпгина қўнғизларда икки жуфт қанот бор. Пастки — нозиги, юқоридагиси — қаттиғи. Шунинг учун уни қаттиқ қанот дейилади. Қўнғизнинг қаттиқ қанотлари ёнида махсус чуқурчалар бўлиб, қанотларини ўша ерга жойлайди.

— Эссиз, кўришга улгурмадик,— дейишди Ромашкалар.

— Кўриш деярли мумкин эмас. Бу бизнинг ҳашаротлар билан дастлабки танишувимиз. Ҳашаротларни кўп учратсак ҳам, улар ҳақида жуда кам биламиз. Ахир улар жуда қизиқарли, ажойиб жонзотлар.

— Ҳашаротлар нима? Уларнинг ҳашаротми ёки йўқлигини қандай билса бўлади?— сўради Рома.

— Ҳашаротлар — бу олтита оёғи борлар. Барча ҳашаротларнинг оёғи фақат олтита! Уларни баъзида олтиоёқлилар деб бежиз айтишмайди-да.

— Агар саккизта оёғи бўлса-чи?

— Агар саккизта оёғи бўлса — демак у ўргимчак.

— Нега уларни ҳашарот дейилади?— деб сўради Маша.

— Энг кўп бўлгани учун. Агар диққат билан қарасак, масалан, капалакнинг қорни майда-майда туклар билан қопланган, унда кўндаланг чизиқлар бўлиб, қорни нима биландир кертилганини кўрамиз. Яна шуни эсда сақланг: капалакда ҳам, қўнғизда ҳам, чигиртка-

да ҳам ва бошқа ҳамма ҳашаротларда ҳам қорин, кўкрак, бош бор.

— Демак, олтита оёғи, қорнида кертик бўлса ва қорни, кўкраги, боши бўлса, у доим ҳашарот бўлади?— аниқлади Рома.

— Доим. Агар мана шу уч белгини билсангиз, олдингизда нима турганини аниқлашда ҳеч қачон хато қилмайсиз.

— Қаерда яшашади ҳашаротлар?

— Ҳамма ерда яшашади: сувда ва сув остида, ерда ва ер остида, майсада ва ёғочда. Баъзи ҳашаротлар уча олади, бошқалари судралади, учинчилари сакрайди.

— Ундай бўлса, ҳозир улар қаерда?— ҳайрон бўлди Маша.

— Ҳамма ерда. Аммо уларни кўриш осон эмас. Ҳашаротлар беркинишга уста. Мана шу қайин дарахти баргларида, пўстлоғида, пўстлоғи остида, илдизида кўплаб турли хил ҳашаротлар яшайди.

— Ҳозир мен уларни топаман,— Рома дарахт олдига югурмоқчи бўлди.

— Бугунга етади, Ромашкалар. Уйга қайтиш вақти ҳам бўлди. Боцман, олға!

Биз уйга қараб йўл олдик. Йўлда Рома шамол қулатган кичик тоғтеракни кўриб қолди ва уни четроққа суриб қўймоқчи бўлди. Дарахт ётган жойда биз унча катта бўлмаган қизил, сариқ-кўк қўнғизларни кўриб қолдик.

— Қандай чиройли!— хурсанд бўлди Маша.— Келинг, томоша қиламиз!

Аммо қўнғизлар буни хоҳлашмади шекилли, тумтарақай бўлиб қочиб кетишди. Баъзилари дарров яшириниб олишди, иккитаси эса сўқмоқ йўлга чиқиб, ўрмалаб кетишди. Маша қочиб кетаётган қўнғиз томон қадам қўйиб, унинг устига энгашди ва тўсатдан қўрқиб бақириб юборди.

— Вой, бу нима қилипти ўзи?

— Мана, қаранглар!— Мен сўқмоқдан қочиб кетаётган бошқа қўнғизга қараб юрдим ва чўкка тушиб кўлимни унга узатдим. Қўнғиз шу заҳотиёқ тўхтади, қорнини кўтариб, бошини қуйи туширди. Худди у бошида тик турмоқчига ўхшарди. Тўсатдан энгил тарс-турс овоз чиқди, қорнининг уч томонидан нимадир отилиб чиқди ва кўз илғар-илғамас тутун пайдо бўлди.

- Отыпти!— ҳайрон бўлди Маша.  
— Отыпти,— тасдиқлади Рома.  
— Бу бомбардир — қўнғиз. Душманини қўрқитиб,  
ўзини ҳимоя қилади. Бошқалари ҳам шундай ҳимоя  
қилишади.

\* \* \*

Тиллақўнғизни кўрганмисиз? Йўқми?  
Шунинг учунки, сиз ҳали ҳашаротларни  
қандай кузатиш кераклигини билмайсиз.  
Мен ўргатаман:

1. Ҳашаротларга шундай яқинлашиш  
керакки, унга соянгиз тушмасин.

2. Қўпол ҳаракат қилмаслик керак.  
Ҳашаротни чўчишиб қўйиш мумкин.

3. Ҳашаротларга қўл тегизиш бўлмай-  
ди. Эслаб кўринг, Маша қўли билан уш-  
лаган капалак нима бўлди?

Энди катталар ёрдамисиз ўзингиз ҳа-  
шаротларнинг уч асосий белгисини ай-  
тишга уриниб кўринг.

## СУВ ҚЎНҒИЗИ НЕГА ЧЎҚДИ

Бир куни зинада оёқ товуши эшитилди. Эшик та-  
қиллади. Боцман думини ликиллашиб, менга қаради.  
Аҳа, демак, Ромашкалар келишди.

— Сув қўнғизини тутиб олдик!— деди бақириб ос-  
тонадан Рома саломлашмасдан.

Ромашкаларнинг бугун кўлга боришгани маълум  
бўлди. Болалар у ерда балиқ овлашган. Бир болада  
матрап бўлган. У матрапни сувга солган. Кўтарса —  
унга каттакон қўнғиз тушибди. Бола уни олиб, сув  
қўнғизи экан, деган ва Ромашкаларга берган.

— Биз қўнғизни сувли банкага солиб қўйдик,—  
деди Роман.

— Қочиб кетмасин, деб устини қопқоқ билан ёпиб  
ҳам қўйдик,— қўшимча қилди Маша.

— Қўнғиз бемалол сузиб юрсин деб банкани сувга  
ҳам тўлдирдик, у бўлса негадир сузмаяпти...

— Қани, бир кўрайлик-чи,— дедим.

Қора қўнғиз идишнинг остида ётарди. Бу ростакам  
сув қўнғизи эди. Аммо у қимир этмасди, демак қўнғиз  
ўлган.

— Чўкиб кетибди қўнғизларинг.

— Чўкиб кетибди?— қайтариб сўради Маша овози  
титраб.



— Чўкиб ўлиши мумкин эмас,— деди Рома бир банкадаги қўнғизга, бир менга ҳайрон бўлиб қараркан.— Ахир у сув қўнғизи-ку...

— Нима бўпти, у сувда яшаса ҳам — ҳаводан нафас олади,— деб жавоб қилдим.

— Сув қўнғизи ҳаводан нафас оладими?

— Ҳа, ҳаводан. Сиз бўлсангиз банка тўлгунча сув қуйиб, қопқоқ билан бекитиб ҳам қўйибсиз. Натижада у ҳаво етмай бўғилиб ўлган.

Ромашкалар ҳайрон бўлиб, жим туришарди.

— Майли, юринглар, кўлга борамиз,— дедим.— Уша ерда ҳаммасини билиб оламиз.

Қирғоқдан саёзроқ жой топдик. Қуёш сувни тубигача ёритиб турар, сув тубида нима бўлаётганини бемалол кўриш мумкин эди. У ерда ҳаёт қайнарди. Аммо Ромашкаларга сув қўнғизигина керак эди. Улар сувга тикилиб қараб туришарди.

— Йўғ-у,— жимликни бузди Маша,— сув қўнғизи бошқа бўлмаса-чи.

— Бўлади, албатта, бўлади.

Биз яна жимиб қолдик.

— Мана у! Қаранг!

Ромка кўрсатган томонга тикилиб, сувдан чиқиб турган ўт поясидан аста кўтарилаётган қўнғизни кўрдик.

— Қойил! Бизнинг қўнғиздан ҳам катта экан,— шивирлади Маша, — келинлар, ушлаймиз...

— Бу сув қўнғизи эмас, Маша, — дедим, — уни ушламаймиз. Яхшиси, уни кузатамиз...

Биз аста унга яқинлашдик. Унгача қўнғиз сувнинг юзига чиқди. Тўхтади ва мўйловини сувдан чиқарди. Мўйлови сув устида бир оз тургач, биттасини қайирди. Кейин кўкрагига босди ва яна сувдан чиқарди. Қўнғизнинг кўкрагида ушоқдек кумушранг томчи қолди. Кейин қўнғиз иккинчи мўйлови билан худди шу ҳаракатни қайтарди. Навбати билан у ёки бу мўйловини кўкрагига босарди. Ҳар сафар кўкрагида ушоқдек кумушранг томчи қоларди. Бир оздан сўнг қўнғизнинг кўкраги кумушранг пуфакчалар билан қопланди. Ва у аста орқага тисарилиб ўт поясидан пастга туша бошлади.

— Бу нима?— сўради Ромка.

— Бу бизда яшайдиган энг катта қўнғизлардан бири — сувсевар.

— У нима қилди?

Мен болаларга сувсевар қўнғизнинг ҳавони қандай ғамлашини сўзлаб бердим.

— Сувсевар сувда яшаса ҳам, ёмон сузади. Тепага сузиб чиқиши жуда мушкул. Шунинг учун у бир ўтни топиб, ундан тепага чиқишга кўникиб қолган. Буни мана ҳозир кўрдик. Мўйловини бошқа қўнғизларга ўхшаб ҳаракат қилдиришини ҳам кўрдик. Кўкрагида йиғилган кумушранг томчи — бу кичик ҳаво пуфакчаларидир. Аввалига ҳаво мўйловига, кейин кўкрагига ёпишади. Тўғрироғи, кўкрагига эмас, балки кўпсонли тукчаларга ёпишиб қолади. Қўнғиз мўйловини кўп марта талаб сувдан ташқарига чиқаради ва кўкрагига шунча кўп ҳавони ёпиштириб олади. Ушандан кейин ҳаво унга анча вақтга етади. Керакли ҳавони ғамлаб бўлган қўнғиз яна ўт поясидан пастга тушиб кетади.

— Сув қўнғизи ҳам худди шундай қиладими?— сўради Ромка.

— Йўқ, сув қўнғизи ҳавони бошқача ғамлайди.

— Унинг қандай ғамлашини кўрамизми?

— Омадимиз келса кўрамиз.

Ҳозирча Ромашкаларга сув қўнғизиди ҳам кўпгина бошқа қўнғизларга ўхшаб тепасида икки жуфт қалин қанот — уни қанот қалқон ҳам дейишади — ва пастда эса юпқа қанот бўлишини тушунтириб бердим. Сув қўнғизининг қанот-қалқони юпқа қанотни ҳимоя қилибгина қолмай, балки ҳаво сақлагич ролини ҳам бажаради.

Сув қўнғизини кўрамиз деб кўп кутдик. Энди кетмоқчи бўлиб турувдик, шу пайт қирғоқ ёнгинасида ниманингдир сояси милт этиб кўринди. Уша! Сув қўнғизи секин сузиб келарди, тўғрироғи, сузиб эмас, чиқиб келарди. Сув сатҳига чиққач, енгил ағдарилиб, қорнининг бир бўлагини сувдан ташқари кўтарди. Бошини пастга осилтирганча у узоқ турди ва қанот-қалқони остига ҳаво йиғди. Ва бирдан яшин тезлигида ўзини сув тубига урди.

— Тамом,— дедим мен,— энди у узоқ вақт сув остидан кўтарилмайди, йиғган ҳавоси анча муддатга етади. Кетдик, қуёш ҳам ботяпти...

— Қўнғизлар ҳақида яна бирор нима сўзлаб беринг, — илтимос қилишди кета туриб Ромашкалар.

— Қизиқсаларинг, марҳамат, эшитинглар... Сув қўнғизлари жуда очкўз йиртқич. Улар сувда яшайдиган

ҳашаротларгагина эмас, итбалиқларга ва ҳатто кичик балиқларга ҳам ҳужум қилишади. Сувсевар қўнғиз эса — ювош қўнғиз, у сувда ўсадиган ўсимликлар билан озиқланади, ҳеч кимга ҳеч қандай зиён етказмайди... Ана, уйга ҳам етиб келдик. Хайр, Ромашкалар! Тунингиз хайрли бўлсин!

## САЙЁРАНИНГ ЭНГ БАДНАФС ЙИРТҚИЧИ

...Бир кун ўтди. Ромашкалар келишмади.


— Начора, Боцман, ўрмонга ўзимиз борамиз...— Боцман эса аллақачон эшик олдига чиқиб, интизорлик билан уларни кутарди.

— Биз олдингизга кирмоқчи эдик, мумкинми?— деган таниш овоз эшитилди ва эшик олдида сапсариқ сочли иккита калла кўринди.

— Албатта, албатта, қани, киринглар. — Ромашкалар негадир анча маъюслигини сездим.

— Бир нима бўлдими? Қани, гапиринглар-чи...

— Мишқа Кришкин мушукчаларни қийнаяпти,— деди Маша.



— Қуш уяларини ҳам бузяпти,— қўшимча қилди Рома.

— Энди ниначиларни тутяпти...

Мишка катта матрап ясаб, ниначиларни тутаётгани маълум бўлди. Тўғри, ҳали у битта ҳам ниначини ушламабди, чунки яйлов устида учадиган ниначилар чаққон ва тезкор бўлиб, тутқич бермайди.

— Юринг тезроқ,— бақирди Рома,— уни топайлик...

— У аллақачон қочиб кетган,— деб тахмин қилдим,— энди уни қаердан ҳам топа олардик!..

— Албатта, топамиз,— қўшимча қилди Маша қатъият билан. Бу сафар Мишка Кришкин таъзирини ейшини тушундим.

Агар Мишкани ҳозир кўрсам унга:

— Тўхта, Мишка, атрофга диққат билан қулоқ сол!— деган бўлардим.

Негадир, йиртқичлар ҳақида гап борса, албатта кўпчилик йўлбарс ёки арслонни, ҳеч бўлмаганда бўрини, бургут ёки қирғийни тасаввур қилишга ўрганиб қолган. Агар ҳашаротлар ҳақида шундай дейилса борми, бунга ҳеч ким ишонмайди. Афсуски, бу тушунча нотўғри, чунки энг очкўз йиртқичлар — ҳашаротлардир. Йиртқич ҳашаротлар ичида энг баднафси — ниначи.

Бунга ишониш қийин албатта. Аммо ҳақиқатан шундай. Арслон бир кунда бир неча килограмм гўшт ейди. Ўзи эса истеъмол қиладиган гўшtidан кўп марта оғир. Йўлбарс ҳам, бўри ҳам, бургут ҳам — худди шундай. Ниначи эса бир кунда шунча кўп овқат ейдики, агар тарозининг бир палласига ниначини, бошқа палласига у бир кунда истеъмол қиладиган овқатни қўйилса, овқат қўйилган томон босиб кетади. Демак, ниначи бир кунда ўз оғирлигидан кўп овқат истеъмол қиларкан! Бир сафар олимлар шундай тажриба ўтказишибди — тутиб олинган ниначига тўйғунича пашша беришибди. Ишонасизми, у қирқта пашша ебди! Агар мисол учун одамда шунақа иштаҳа бўлса борми, бир ўтиришда 60-80 буханка нон еган бўларди.

Ниначилар — йиртқич, бунинг устига ёвуз ва қонхўр бўлса, демак, уларни йўқ қилиш керак экан-да?

Йўқ, ниначиларни ўлдириш, душманларимизга ёрдам қилиш демакдир. Кўпгина ҳашаротлар ўсимликлар билан овқатланади. Бундай ҳашаротлар минглаб

тонна бугдой, олма, нок ва лавлагини нобуд қилади. Улар кийим ва мебелни ишдан чиқаради. Ҳатто уй ва кўприкларни вайрон қилади. Улар даҳшатли ва хавфли касалликларни тарқатади. Битта ҳашарот катта зиён етказа олмайди албатта. Аммо уларнинг сони юз миллиард бўлса-чи!

Ҳар бир ҳашарот бир ўзи бўлганда жуда кам озуқа истеъмол қилади, аммо барчаси биргалашиб шунча кўп овқат ейиши мумкинки, бу маҳсулот билан миллионлаб кишиларни тўйғазса бўлади.

Ҳашаротларни ҳайвонлар, қушлар, одамлар йўқ қилиб туришади, бўлмаса бир ёз фаслининг ўзида улар шунчалик кўпаярдикки, натижада бутун ер юзини босиб кетарди. Бундай бўлмаслигига яна бир сабаб, улар ўзларини-ўзлари қиришади, йўқ қилишади. Шулларнинг орасида биринчи ўринда йиртқич ҳашарот — ниначи туради.

## НИНАЧИНИНГ НЕЧТА КЎЗИ БОР

Ўша кунидек ўрмонга боришга ва ниначиларни кузатишга аҳд қилдик. Ўрмонда ялангликка чиққунча анча юрдик. Роса чарчадик ва дам олиш учун тўхтадик. Майса устига узала тушиб ётиб тубсиз, кўм-кўк осмондаги оқ, момиқ булутларни кузатиш бирам ажойибки!

— Ана, фил сузиб келяпти! Йўқ, у туя,— деб хаёл қилишарди Ромашкалар.

Мен чарчаганимдан гапиргим ҳам йўқ эди. Шу пайт яланглик устида ниначи пайдо бўлди.

— Қаранг, қаранг! Ниначи. Тезроқ ўша томонга чопдик!

— Шошилманг. У узоққа учиб кетмайди. Бу — соқчи ниначи.

Соқчи-ниначилар кўпинча маълум бир жойгача учишади, уни муҳофаза қилишади ва қўриқлашади.

— Каттакон, кучлилигини қаранг,— деди Рома.— Митти самолётчанинг ўзи-я.

— Ниначи парвоз пайтида ҳашаротларни тутиб олиш учун тепага тик учиш, шўнғиш, учиб кетаётганда тўхташ ва ови ортидан қувишга мослашган. Қўзлари-чи? Ниначининг қўзлари ниҳоятда ғалати!

— Нега ғалати?— баравар сўрашди Ромашкалар.

— Мана эшитинг: биринчи қарашда ниначининг

кўзлари каттадек. Ҳақиқатда эса жуда кичик ва улар иккита ҳам эмас, тўртта ҳам эмас, ўнта, ҳатто юзта ҳам эмас, йигирма мингга яқин. Бу кичик кўзлар (бир қанча содда кўзлар йиғиндисидан иборат бўлган фасет кўзлар деб ҳам айтишади) бир-бирларига шу даража яқин жойлашганки, ҳақиқатда битта катта кўздек туюлади. Кичик кўзча кам кўради. Аммо барча кўзчалар биргаликда ҳамма нарсани — олдинда нима бўлаётганини ҳам, ён тарафда нима юз бераётганини ҳам, ҳатто орқасида нима бўлаётганини ҳам кўра олади. Шунинг учун ҳам орқасида турган ўлжасига ҳатто қайрилиб қарамасдан уни кўраверади. Лекин, у бир ярим-икки метрдан нарини кўролмайди. Ахир унга кўз узоқдаги нарсаларни томоша қилиш учун эмас, балки ов қилиш учун, ҳашаротларни учиб кетаётганида тутиб олиш учун зарур.

Ниначининг катта кўзларини ташкил этувчи фасеткалар, яъни кичик кўзчалар ҳар хил бўлади: баъзилари каттароқ, бошқалари кичикроқ. Каттароқлари тепароқда жойлашган бўлиб, улар рангни деярли фарқламайдилар: кичикроқлари эса пастда жойлашган бўлиб, рангни жуда яхши ажратишади.

Ромашкалар билан биз ниначига шундай мураккаб кўзлар нима учун кераклигини у қандай ов қилганини кўргач, тушундик.

Ниначи пистирмада ўтирмайди, ўлжасини кутмайди — у доим учиб юради. Капалакни ёки пашшани кўриб қолса, шу заҳотиёқ уни қува бошлайди. Ниначидан қочиб қутулиш мумкин эмас — чунки у тез учар ҳашаротдир! Қувиш пайтида ниначи ўлжасини кўздан йўқотмаса бас. Бунинг учун рангни фарқлаш шарт эмас — муҳими, ҳавода қора доғни кўриб турса бўлгани.

Мана ниначи пашша ёки капалакни кўриб қолди. Қувиб етиб олгач, унинг тепасида бир оз ўша тезликда баравар учиб боради, шу вақтда у ўлжани осонроқ қўлга тушуриш учун мослашади. Айни пайтда ўлжани аниқ кўриш керак — чунки у яшириниб олиши, ер бағирлаб йўқолиб қолиши ҳам мумкин. Ана шунда ранг катта роль ўйнайди. Бу пайтда рангни аниқлайдиган фасет кўзчалар «иш» бошлайди.

Рома билан Маша бунинг билиб олишгач, ниначининг кўзи чиндан ҳам ажойиб, ҳайратомуз экан, деган фикрга келишди.

— Кўлда ҳам ниначилар бор,— деди бирдан эсига тушиб Маша.

— Гапириб бер-чи, улар қанақа?— Унинг кузатувчанлигини синаб кўрмоқчи бўлдим.

— Улар кичкина, енгил,— деб гап бошлади Маша.

— Уларнинг яшил, ҳаворанг, нозик қанотлари бор,— қўшимча қилди Рома.

— Демак, сиз кўлда ўқчини кўргансиз. Уни жуда аниқ қилиб тасвирлаб бердинглар. Бу ниначилар фақат сув ҳавзалари атрофида яшашади. Улар жуда ёмон учишади, тўғрироғи, учишмайди, балки майсадан-майсага ўтишади. Биз сизлар билан ўрмонда, далада кўрган ниначилар — кучли, чаққон, чидамли...

— Кейин чиройли ҳам,— қўшимча қилди Маша.

— Ундай бўлса яшайверишсин, учиб юраверишсин!— дейишди Ромашкалар.

\* \* \*

Сиз табиатда ниначини кўрганмисиз?  
Қаерда кўргансиз? Урмон, дарё ёки  
кўлдами? Қачон? Улар китобда тасвир-  
ланган ниначиларга ўхшайдими?

Уларнинг учишини кузатаётганингизда  
нимани ўйладингиз?

Ниначиларнинг учишини кузатиб кў-  
ринг.

Улар қандай учишини гапириб беринг.

## ТАНГАҚАНОТЛИЛАР

Ромашкалар билан бирор нарсани ҳам кўздан қочирмаслик учун сўқмоқ йўлдан шошилмай борардик. Қизиқарли нарсанинг ўзи бизга дуч келиб қолди!

— Капалак! Лимон рангли!— қувонч билан чувиллашди Ромашкалар.

Капалак гулдан-гулга учиб кўнарди. Унинг очиқ сарғиш қаноти гоҳ уерда, гоҳ буерда кўзга ташланиб қоларди.

— У бизниям чақиряпти.

Биз иккиланиб ўтирмай, капалак ортидан кетавердик. Қим билади дейсиз, эҳтимол бизни қандайдир фаройиб бир нарса кутаётгандир?

Урмон борган сари сийраклашиб, ялангликка чиқиб қолдик ва ҳайратланиб тўхтадик. Ялангликнинг

ўртасида ғалати бир бута бор экан: ёз энди бошланаётганига қарамай, у худди куздагидек сап-сарик эди. Яқинроқ бордик. «Барглар» тўзғиб, ҳавога сарик булутдек кўтарилишди ва чарх урғиб уча бошлади.

Капалаклар!

— Анави кундагига ўхшаркан...— эслади Маша кафтига қараркан...

Демак, Ромашкалар бўлган воқеани унутишмабди... Шундан кейин уларга бир воқеани айтиб бердим. Мен бу воқеани эслашни ёқтираман...

...Бир кун Миша Кришкин капалак тутмоқчи бўлибди. Қараса, ажабтовур гўзал махаон капалаги учиб кетяпти. Миша матрапни бир силкитган экан, капалак докага урилибди... Ушанда турли хил капалаклардан бир талайини тутиб, уларни консерва банкасига жойлабди. Бир маҳал банкани очиб қараса, капалакларнинг қанотлари силлиқ бўлиб қолибди.

— Гуллари қаерга йўқолибди?— ўйлаб қолди Маша.

— Ҳозир сўзлаб бераман. Капалаклар — бу, тангақанотлилар...

— Тангақанотлилар?— гапимни бўлди Ромка.— Ахир тангалар фақат балиқларда бўлади-ку.

— Демак, фақат балиқлардагина эмас экан. Агар капалакларнинг қанотларига диққат билан қаралса, унда ҳеч қанақа танга кўрмайсиз. Аммо уларда танга бор. Фақат жуда кичик. Бу тангачалар худди қопчаларга ўхшайди. Қопчаларда рангли заррачалар бор. Капалак қанотларининг ранги, шакли ана шу заррачаларга, тангаларнинг қандай жойлашганига боғлиқ бўлади. Аммо тангачалар фақат безак эмас. Уларсиз капалаклар уча олишмайди.

Буларни Миша Кришкин билмас эди. Тангачалар капалак қанотларига мустаҳкам бириктирилмаганини ҳам у билмасди. Қанотларидан ушладингизми, бас, тангачалар қолмайди, капалак ҳалок бўлиши мумкин.

— Улса ўлар!— деди Ромка тўсатдан.— Болалар менга улар зарарли, уларни ўлдириш керак, дейишганди.

— Нима ҳам дердим, «юз марта эшитгандан, бир марта кўрган маъқул» деб тўғри айтилган. Яхшиси, ҳозир капалакларнинг қанақалигини ва нима қилиш-шаётганини кўзатишлар.



Ромашкалар оёқ учида бута олдига боришди. Боцман ҳам улар ортидан югурмоқчи бўлди.

— Уларга халақит берма, Боцман,— дедим.— Ромашкалар ҳозир муҳим иш билан банд — улар ҳамма нарсани ўз кўзлари билан кўриб, ўрганишяпти.

— Қани, гапиринглар. Фақат навбати ва тартиби билан,— дедим мен болалар қайтгач.— Маша, сен гапира қол!

— Бу ҳашарот экан. Унинг олтига оёқчаси, тўртта қанотчаси бор.

— Яна иккита катта-катта кўзлари, мўйлови...

— Тағин тумшукчаси...

— Негадир мўйловчалари титрайди...

Ромашкалар жим қолишди.

— Қани, айтинглар-чи, яна нимани сездинглар!

— Бошқа ҳеч нима сезмадик,— дейишди бараварига Рома билан Маша.

— Капалаклар бутада нима қилаётган эди? Балки барғни кемираётгандир, Рома?

— У офтобда исинаётган эди,— деди Маша.

— Билмайсизларми? Унда эшитинглар!

— Капалаклар ҳеч нимани кемиришмайди. Улар нектар — гул ширасини сўришади. Кўпгина гулларда шира чуқур гулкосада жойлашган бўлади. Капалакнинг оғзи узун найча — спирал шаклида ўралган бўлмаса капалак учолмасди.

— Улар қандай зиён етказади?

— Капалакларнинг ўзи эмас, балки уларнинг қурти зиён етказади, улар турли ўсимликларнинг баргларини, гулларини, меваларини кемириб ташлайди...

— Қурт — бу капалакнинг боласими?— сўради Маша.

— Жуда қийин савол бердинг, Маша. Бунга даров жавоб бериш қийин. Кейинги сафар мен сизларга капалак, капалак қурти, ғумбак ва капалак қўядиган тухум ҳақида ҳам сўзлаб бераман.

\* \* \*

Нима учун капалаклар тангақанотлилар деб аталади?

Капалакнинг учишини кузатинг, қандай учишини ҳикоя қилиб беринг.

Гулга қўниб турган капалакни кузатинг, балки у гул ширасини қандай ичаётганини кўришга муваффақ бўларсиз.

## СИРЛИ ЎЗГАРИШЛАР

Қишлоқдаги ҳар куним эрта тонгдан бошланарди. Қушлар овози саҳардаёқ мени уйғотиб юборарди. Майсалардан ҳали шудринг кўтарилмаган, салқин ва нам бўларди. Чўпон сигирларни ҳайдайди, улар ғамгин ва чўзиб маърашарди. Хўроз яна бутун қишлоқни бошига кўтариб қичқирди. Пақирларнинг тарақ-туруқи, одамларнинг овозлари эшитилди. Кун бошланди.

— Бу кун менга нима олиб келаркин? — деб ўйладим ўша ажойиб ёз тонгида.

— Миёв,— деган товуш келди эшик ортидан. Эшикни очдим. Остонада кулранг, мовий кўзли тентак мушукча ўтирарди.

— Жуда соз,— деб ўйладим мен.— Ромашкалар хурсанд бўлади!

Улар эса шу ерда ҳозир у нозир эдилар.

— Уни ўзимиз билан бирга олиб кетсак майлими?

— Ҳа, майли, олиб кетинг.

— Мен,— деди Маша,— унга қандай ном беришни ҳам ўйлаб қўйдим. Мушка! Яхшими?

— Жуда соз, Мушка бўлса, Мушка-да!

Демак ҳашаротлар сони яна биттага кўпайди.

Шу пайт Ромашкалар ҳашаротлар ҳақида гапириб бермоқчи бўлганимни эслашди. Аввал менинг саволимга жавоб беришларини илтимос қилдим: уларнинг қайси бири қўнғиз ёки капалакнинг, айтайлик, ҳозирги мушукчамиздек ёки кучукчадек, ёки қуш бола-сидек бўлган ёш пайтини кўрган?

Ромашкалар бир-бирларига қарашди, ўйланиб қолишди, кейин яна бир-бирларига қарашди ва иккиллари бирданига бошларини чайқашди, йўқ, кўришмаган.

— Нега энди?

Бунини ҳали Ромашкалар билишмасди.

— Ундай бўлса эшитинг. Ниначи ва капалаклар, пашша ва қўнғизларда ҳеч қачон гўдаклик даври бўл-

майди. Улар бирдан катта бўлиб, яъни улгайиб туғилишади. Ҳашаротлар тухум қўяди...

— Қушлар ҳам тухум қўйишади.

— Тўғри. Фақат қушларнинг тухумлари катта бўлади, эмбрион тухумнинг ичида бемалол ривожланиши мумкин, чунки овқат бўладиган моддалар етарли бўлади. Кўпгина қушларнинг энди очилган жўжаси жуда ҳолсиз ва ожиз бўлади, лекин бари бир улар қушга ўхшашади.

Ҳашаротларда бундай бўлмайди. Ҳашаротларнинг тухуми жуда кўп бўлиб, улар кичкина ва озуқа моддалари кам бўлади. Тухум ичида эмбрион тўла ривожланолмайди, шунинг учун у тухумдан чиққач ривожланади. У қўнғизларда, пашшаларда, ниначиларда личинкалар, капалакларда эса капалак қурти дейилади. Қушлар бир нечта, капалаклар эса жуда кўп тухум қўяди. Тухумларнинг талай қисмини қушлар еб қўйишади, бир қисмини чумолилар, қўнғизлар пашшалар ташиб кетади. Озгина қисмигина омон қолади. Худди ана шулардан капалак қурти чиқади... Бир оз вақт ўтади ва қурт кўринишдан қимирламайдиган ғумбакка айланади. Ана шу ғумбакдан капалак пайдо бўлади.

— Демак бундай...— Рома бармоқларини эга бошлади.— Тухум — бир, личинка ёки капалак қурти — икки, ғумбак — уч, катта ҳашаротлар — тўрт.

— Хўп, кейин-чи?— ўйланиб қолди Маша.

— Кейин катта ҳашаротлар тухум қўяди ва ҳаммаси бошдан қайтарилади. Агар омадимиз кулиб боқса, унда ҳақиқий мўъжизани — капалакнинг «туғулишини» кўрамыз. Бирдан жимгина ётган ғумбак ғимирлаб қолади, унинг пўстлоғи ёрилиб, аввалига қанотлар, кейин капалакнинг ўзи пайдо бўлади. Шу дақиқаларда у капалакка унча ўхшамайди — қанотлари ҳўл латтани эслатади, ўзи ҳам шалпайган бўлади. Бир-икки соат ўтгач капалак қанотлари қуриydi. Капалак қанотини қимирлата бошлайди ва бирдан... учиб кетади. Қуёш нурида сеҳрли ранг ярқираб товлана бошлайди! У яқиндагина қуруқ пўстлоқ ичида ётганига, бу пўстлоқ энди ерда кераксиз бўлиб ётганига ёки шохда осиглиқ турганига ақл бовар қилмайди...

— Қурбақа Малика ҳақидаги эртакнинг ўзгинаси. Қурбақа ўз пўстини ташлайди ва гўзал Маликага айланиб қолади.

Капалак қуртини кўрганмисиз? Унинг кўриниши қандай эди?

Дарров пайқаганмидингиз? Агар дарров пайқамаган бўлсангиз, нега шундай бўлди?

Ҳашарот билан қушнинг тухумини таққослаб кўринг. Ниначининг личинкасини топишга ҳаракат қилинг. Ниначилар одатда ўз тухумларини сувга ёки сув ўсимликларининг поясига қўядилар. Кузатинг, балки ниначининг туғилишини кўриш бахтига муяссар бўларсизлар. Ниначининг учиши капалакнинг парвозидан нима билан фарқ қилади? Қанотларининг шакли бир хилми? Ниначи билан капалакнинг расмини чизинг.

## КАТТАЛАР ВА КИЧИКЛАР

Бир куни кичик дўстларимнинг нима ҳақдадир гапиришаётганларини эшитиб қолдим.

— Бу қанақаси?— ҳайрон бўлиб сўради Маша.— Ҳеч нарса емаяпти-ку?!

— Ким ҳеч нарса емайди? Қани, ростини айтинглари-чи! — дедим.

— Гумбак ҳеч нима емаяпти! Капалак нектар сўради. Гумбак-чи?

— Гумбак қуртлиги пайтида йнғиб олган озиқлар, оқсил моддалар ҳисобига яшайди. Капалак қурти жуда тез ривожланади, шунинг учун унга кўп овқат керак. Капалак қурти нима ейишини биласизми?

— Баргларни.

— Тўғри.

— Балки Миша Кришкин, ҳар қалай фойдали иш қилаётгандир?— сўради Рома.— Зарарли ҳашаротларни йўқ қилаяпти.

— Шунинг унутманг, Ромашкалар, фойдали ва фойдасиз ҳашаротлар йўқ. Фақат баъзи ҳашаротлар жуда кўпайиб кетган тақдирда қишлоқ хўжалик ўсимликлари ҳосилига зарар келтиради, ўшандагина уларга қарши курашиш керак.

Капалак қурти ёввойи ўтлар орасида яшаганда одамларга катта ёрдам ҳам беради. Чунки у бегона ўтларни йўқ қилади. Масалан, саёҳатчи қариқиз капалаги. Бу капалак қурти қариқиз деган ўт билан

озикланади. Қариқиз эса бегона ўт. Хўш, Ромашкалар, тушунарлими?

— Тушунарли!

— Ҳашаротлар ҳақида яна гапириб беринг,— илтимос қилишди Ромашкалар.

— Бажонидил. Ҳашаротлар ер юзидаги энг қизиқарли, энг сирли, энг кўп тарқалган жонзотдир. Масалан, фақат капалакларнинг тури ҳозир бир юз қирқ мингга етган.

— Қойил-эй!— хитоб қилди Рома.

— Уларнинг ҳаммаси қаерда яшайди?

— Урмонда, далада, боғда, полизда ва ҳатто ўз уйимизда. Ахир куя ҳам капалак ҳисобланади.

— Урмонда биз фақат адмирал, лимон тусли капалак, махаонни кўрдик, — ҳисоблай бошлади Маша. — Қариқиз, қичитқи ўт капалаги...

— Ола капалак, ҳаворанг қанот, товус кўз,— ёрдам берди Рома.— Ҳаммасини эсда сақлаб бўлмайди...

— Албатта. Ахир кундузги ва тунги капалаклар ҳам бор. Яна жанубда йил бўйи иссиқ бўладиган ва хушбўй гуллар ўсадиган тропик ўрмонларда яшовчи капалаклар ҳам бор. У ерда улкан капалаклар яшайди. Масалан, жаннат капалаги — орниотёрлар Австралия ва Янги Гвинеяда кўп тарқалган. Уллиснинг елкансимон капалаги — дунёда энг чиройли саналади.

— Бир кўрсак эди!

— Бажонидил кўрсатаман, вақтларинг бўлганда уйимга киришлар...

— Ростданми?! Елкансимон капалак уйингизда борми?

— Йўқ, Ромка, ҳафсалангни пир қиламан. Бу капалак менда йўқ. Лекин ҳашаротларни ўрганадиган — энтомологларга ва табиатни севувчи, уни яхшироқ билишни истовчиларга мўлжалланган китобларим бор. Бу китобларда ҳамма капалакларни кўришларинг мумкин.

— Ҳозир кўрсак-чи?!

— Бўлади, марҳамат, юринглар...

Ромашкалар уйга киришгач, бирдан жиддий ва сипо бўлиб қолишди — ҳар қалай энди улар меҳмон-да! Оёқларини артиб ичкарига киришди ва тўхтаб қолишди.

— Вуй, китобларнинг кўплигини!— деб юборди Маша.

— Бу китоблар менинг дўстларим, ҳақиқий, чин дўстларим. Сизлар ҳам улар билан тил топишгач, севиб қоласиз, ажралмайсиз. Ҳозир эса мана бу ерга ўтириб, китобни очинглар.

Ромашкалар китобни эҳтиёт билан очишди ва ва-рақлай бошлашди. Капалаклар сон-саноксиз эди...

\* \* \*

Капалакларни диққат билан кўздан кечиринг. Қанотларининг шаклига, ундаги нақшларга, рангига эътибор беринг. Номларини ёдингизда сақлаб қолинг.

Капалакларнинг қайси бири сизга кўпроқ ёқади? Унинг расмини чизинг.

Қайси капалакларни табиатда кўп учратгансиз?

Гулга қўниб турган капалакларни кузатинг. Эҳтимол, улар гул ширасини қандай сўриб олаётганини кўришга муяссар бўларсиз.

## ЭНГ СЕЗГИР БУРУН КИМНИКИ

— Энг сезгир бурун кимники?— деб сўрадим бир кун Ромашкалардан.

— Албатта, Боцманникида.

— Мен ҳам шундай дейсизлар, деб ўйловдим. Тўғри, итлар кўп ҳидни фарқига борадилар, аммо энг сезгир бурун капалакларники.

— Сиз буни қаердан биласиз?— деб суриштиришди Ромашкалар.

— Тўғри, бунга ишониш қийин. Буни исботлаш керак. Ҳақиқий олимлар, тадқиқотчилар қуруқ сўзга ишонишмайди. Улар табиатнинг ўзидан исбот ахтаришади. Француз энтомолог-олими Жан-Анри Фабр ана шундай олимлардан бўлган. Сиз, мана, энтомологлар нима билан шуғулланишларини билиб олдингиз!

— Улар ҳашаротларни ўрганишади.

— Жуда тўғри, Маша. Фабр учун ҳашаротларни кузатиш ва уларни ўрганишдан катта бахт бўлмаган.

Фабр уйда — иш столи устида ҳам, ташқарида — бурган ўсадиган ташландиқ ерда ҳам ишларди. У яна болаларни табиатни тушунишга ўргатар эди. Болалар ҳам доим олимнинг ҳақиқий ёрдамчилари эдилар.

Жан-Анри Фабр ўз севган иши ҳақида шундай деган эди,

«...Ҳашаротлар — ҳамма жойда бор. Ҳашаротлар — катта эмас, ари ёки асаларини кузатиш учун умуман жуда узоқ мамлакатга бориш, карвон тузиш, тропик ўрмоннинг инсон қадами етмаган чангалзорларига йўл олиш шарт эмас. Қушқўнимас ва маймунжонлар ўсадиган чангалзор, қуёш қиздирган тепалик, ташландиқ йўл ёнидаги қияликларда ҳаммавақт кузатувчига иш топилади ва бу ишни ниҳоясига етказиш учун бир йил ҳам камлик қилади».

Ҳашаротлар олимга кўп табиат сирларини очиб беришди. Чунки олим саботли, бардошли ва диққат-эътиборли эди. Ҳашаротлар бир-бирларини узоқ масофадан қандай қилиб танишини ўрганиш учун олим уч йил вақтини сарфлади!

— Улар қандай қилиб билишаркан?

— Ҳидидан. Олимларнинг тасдиқлашича, капалаклар бир-бирларини бир неча километр масофадан ҳам мўйловлари орқали сезишар экан. Агар мўйловларини олиб ташланса, унда улар узоқдаги капалакни сезмас экан. Аммо ҳамма иш бу мўйловларнинг ўзида эмас, балки жуда майда тук-ўсимталарнинг кўплигидадир. Худди шулар капалакларни ҳидга сезгир қилади.

\* \* \*

Сизнингча саёҳат нимадан бошланади? Биринчи қадамдан. Бирор кашфиёт этиш учун нима қилиш зарур? Савол бериш. Саволни қаердан топиш мумкин? Ҳамма жойдан. Фақат атрофга диққат билан назар солиш лозим. Ўрмонда, далада, сувда, сув остида — ҳамма жойда қизиқарли олти оёқли жонзотлар бор. Уларни кузатиш. Натижада сизда минглаб савол туғилади. Барча саволларга албатта жавоб топиш зарур...

Эслаб, кейин жавоб беринг-чи, жониворлар орасида энг сезгир, ҳид билиш қобилияти энг зўр, кўзи ўткири қайси бири?

## АГАРДА

Менинг кичик ўқувчиларим, эҳтимол сиз ҳам бир неча бор катталарга шу саволни берган бўлсангиз керак.

Мана Ромашкалар ҳам менга мана шу саволларни бергани келишибди.

— Агарда мен бўлмаганимда нима бўларди?— биринчи бўлиб сўради Маша.

— Ромашкалар бўлмаган бўларди.

— Агарда Боцман бўлмаганда-чи?— яна савол берди Маша.

— Мен жуда зерикиб қолардим.

— Агар ҳамма ҳашаротлар қириб ташланса-чи?

— Унда ҳаммага жуда ёмон бўлади. Чунки ҳашаротлар ўсимликлар учун жуда зарур, улар бир гулнинг чангини иккинчи гулга олиб ўтади. Агар ҳашаротлар бундай қилмаса, унда уруғ олинмайди, демак ўсимлик бўлмайди. Ҳали бу ҳам ҳаммаси эмас. Ҳашаротлар аввало ўрмон санитарлари.

— Ўрмонга санитарларнинг нима кераги бор?

— Ўрмонда жуда кўп қушлар, сичқонлар, кўрсичқонлар, олмахонлар, калтакесаклар, қурбақалар яшайди. Уларнинг кўпи йиртқичлар чангалида ҳалок бўлади, аммо баъзилари ўз ажали билан, баъзилари эса бирон касаллик туфайли нобуд бўлади. Эсланг-чи, ўрмонда бирон бир ўлик қуш ёки ҳайвонни кўрдингизми?

— Йўқ,— дейишди Ромашкалар.

— Кўрмагансиз, чунки «санитарлар» астойдил ишлашади. Ўрмоннинг энг муҳим «санитарлари» — гўрков-қўнғизлардир. Улар ўз личинкаларини ўлган ҳайвонга қўйиб, уни кўмиб қўйишади. Энди личинкалар ҳам овқатга эга, ҳам душмандан муҳофаза этилган. Ўрмон эса ифлосланишдан халос бўлди.





— Агар ҳамма чивинларни йўқ қилса нима бўлади? Улар бирам ёмон чақадики...

— Қани, бир аниқлайлик-чи. Чивинларнинг личинкалари сувда яшайди. Балиқлар личинкалар билан овқатланади. Личинкалар эса сувда яшайдиган жуда майда тирик мавжудотлар билан овқатланади. Демак, чивинларнинг личинкалари балиқлар учун овқат! Агар биз уларни йўқ қилсак, унда ҳамма балиқларни ўлдирамиз, чивинлар билан овқатланадиган қушларни нобуд қиламиз.

Мана энди ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳамма чивинларни йўқ қилса бўлар эканми?

— Йўқ, мумкин эмас, асло мумкин эмас!

Мана «Агарда!..» деган унча жиддий бўлмаган савол Ромашка билан бизни қандай муҳим хулосаларга олиб келди.

## РОМАШКАЛАР УРМОННИНГ РАСМИНИ ҚАНДАЙ ЧИЗИШДИ

Езда илиқ ёмғир ёғиши ва момақалдироқ бўлиши мумкин, камалак пайдо бўлади, атроф гулга тўла. Хуллас тонг отишидан кун ботишигача кўп ҳодисалар содир бўлади. Хоҳласанг — ўрмонга, далага, дарё бўйига бор. Истасанг, майсаларга чўзилиб, гулларни томоша қил. Атроф жимжит, фақат ўрмон шовуллайди, ҳашаротлар гувиллайди, қушлар сайрайди...

— Боцман! Бо-о-цман! — жарангдор овоз эшитилди.

— Ромашкалар! — қувониб кетдим. — Рома! Йўқ... Маша, йўқ, Ромага ўхшайди. Қайси бирилигини топиш ҳам қийин! — Боцман бўлса улар қаршисига югураркан Романими, Машаними — билмадим — бурнини ялаш учун сакради.

— Мен Боцманнинг расмини чиздим, — нафасини ростламаёқ бидирлади Маша, — мана!

— Боцман — бу сенмисан! Еқяптими? — итга тегажоқлик қиларди Рома.

— Думини ликиллатяпти-ку, демак, ёқяпти. Менинг расмим йўқми? — қизиқиб сўрадим.

— Йў-ўқ. Сизники йўқ. Ўрмоннинг расмини чиздим, — деди Рома ва менга бир варақ қоғозни узатди.



— Ҳозир кўрамыз... Бу қанақасига ўрмон бўлсин? — дедим хафа бўлиб. — Бу ҳечам ўрмон эмас.

— Йўқ, ўрмон! Кўряпсизми, дарахтлар бор. Демак ўрмон.

— Буталар, майсалар, қўзиқоринлар, гуллар бўлмаган ўрмонни қаерда кўргансан?

Ромка ўйланиб қолди ва тан олди.

— Уйга борай, майсани ҳам, қўзиқоринни ҳам, гулларнинг ҳам расмини чизаман...

— Бу бошқа гап! Қанақа ўрмоннинг расмини чизгансан?

— Қанақа деганингиз нимаси? Оддий ўрмон? — Ромка чизган расмини кўрсатганидан афсусланаётганди.

— Шунча яшаб, бу дунёда бундай нарсани эшитмагандим. Нинабаргли дарахтлар ўсган ўрмонни биламан, япроқли, аралаш ўрмон ҳам бўлади. Аммо оддийсини кўрмаганман!

— Аралашада қанақа дарахтлар ўсади? — деб сўради Рома.

— Нинабарглиси ҳам, япроқлиси ҳам. Бизнинг ўрмон аралаш, бунда оқ қайин ҳам, армуғон ҳам, арча ҳам бор. Анави, дарё ортидагиси эса нинабаргли ўрмон. Унда фақат арчалару қарағайлар...

— Мен ўзимизникини чизаман.

— Ўзимизники бўлса, ўзимизники-да. Фақат тўғри бўлса бўлгани.

— Тўғри бўлса деганингиз қанақаси?— тушунмади Маша.

— Тўғри бўлса деганим — бу ҳақиқий ўрмонни чизиш, унда дарахтлар ҳам, майсалар ҳам, қўзиқоринлар ҳам, гуллар ҳам, ҳайвонлар ҳам бўлсин, деганим. Худди шундайини ўрмон дейилади. Биласизми, дўстларим! Келишиб олайлик! Фақат ўрмонни ўз кўзингиз билан кўргач, кейин расмини чизасиз. Бўптими?

— Келишдик. Сен, Рома, дарахтларни ва майсаларни чизасан, мен эса ҳашаротлар билан гулларни чизаман,— таклиф қилди Маша.

— Қайси гуллар энг аввало пайдо бўлади, биласанми? Қўрганмисан уларни?

— Қандайдир сариқроқ... Бу гуллаганига анча бўлди. Ҳозир улар йўқ.

— Албатта. Ахир улар қор эриши биланоқ пайдо бўлишади, май ойининг охирлари, июнь ойининг бошларида очилади. Бу оқ қалдирмоқ, наврўзгул, ғозпанжа. Айтгандек, уларни расмдан ҳам яхшилаб билиб олиш мумкин. Муҳими, келаси йил ўрмонда учратганда эски дўстдек қувониб қаршилаш керак.

\* \* \*

Сиз ҳам катта бир варақ қоғоз олиб, ўрмоннинг расмини чизинг. Ҳаммаси сиғиши учун яхшиси, ватман қоғозини иккига ёки тўртга бўлиб, ишга киришинг.

\* \* \*

Қорлар эриб, қуёш қиздириши билан, қуруқ тоғларда сариқ гуллар бирин-кетин пайдо бўла бошлайди. Барглари кўринишдан оддийдек, қўл билан ушлаб кўрсангиз бундай эмаслигини тушунасиз — баргларнинг бир томони илиқ, чунки унинг момиқ туки бор, иккинчи томони совуқ, чунки у силлиқ. Илиқ томони она, совуқ томони — ўгай она.

Тоғ қудуси нам ўтлоқда, салқин ўрмонда ўсади. Апрель ойининг охирларида ва май ойининг бошларида ялтироқ оч сариқ гул чиқаради. Барглари юмалоқроқ, юрак шаклида бўлади.

Марваридгул — май гули. Дарахтлар соясида қалин барглар орасида иккита кенг барг муҳофазасида,

ингичка бандда думалоқ оқ, чинни қўнғироқчалар яшириниб туради. Ёнгинасида ҳам шундай, сал нарироқда ҳам...

Марваридгул узоқ очилиб турмайди. Бу оқ қўнғироқчалар ўрнида, пояда дарров мева пайдо бўлади. Аввалига у кўм-кўк бўлади, кейин тўқсариқ — қизил рангга киради.

Айиқтовоннинг бир поясида гули кўп ва улар ҳар хил рангда бўлади: қизил, кўк, бинафшаранг ва оқ, худди кичик гулдаста дейсиз.

Баҳорги ўрмон ёруғ, бир оз кўкимтир тутунга ўралгандек туюлади. Ер ҳам сийрак майса билан қопланган. Ялангликда жимжимадор гуллар мавжланиб турибди. Бу ўсимликка — наврўзгул деб тўғри ном беришган.

Очиқ ялангликда қайчибарг ва оқ гулли анемон — ёввойи ўт гилам бўлиб ўсади.

## КАШФИЁТ ҚУВОНЧИ

(Катталар учун)

Ўтлоқлар гувиллайди, жаранглайди... Узоқ кутилган, олислардан секин-аста йўлга тушган кунлар қуёшли қанотларини силкитиб, ниҳоят етиб келишди. Гоҳида челақлаб ёмғир қуйганидан бу кунлар омонатдай, гўё бутун ёз бўйи омад юришмайдигандай бўлиб туюлади. Бироқ тонглардан бирида қушлар қувноқ наво бошлаб юборишди, ўтлоқлардан гул ҳиди анқиган ҳаво димоққа урилдию бирданига ёз бошланиб кетди. Тўғонда куч тўплаб бехосдан ҳайқириб оққан тошқиндай серқувонч ҳаёт, ўт-ғиёҳлар нурафшон манзилларни олис-олисларгача тўлдириб борар эди.

А. С. СЕРЕБРОВСКИЙ

Баҳор тугади. Ёз келди. Ҳозир айни қирчиллама ёз пайти. Болаларнинг ўтган ҳар бир кунни воқеалар ва таассуротларга тўла!.. Жала ёғди, чақмоқ чақиб, момақалдироқ гулдиради! Кеча эса илиқ ёмғир ёғиб ўтди. Кейин бутун осмонни тўлдириб камалак порлади. Яна дарёга югуриш — шалоп этиб сувга шўнғиш ва қуёшда қорайиш, қумда қаср қуриш ва қачонлардир шиллиққуртларнинг «уйи» бўлган бўш «чиғаноқлар»ни, тошчаларни йиғиш мумкин. Агар бу шиллиққуртларни сувда кўриб қолсангиз, уларнинг ҳаракатини кузатинг. Аввало чиғаноқнинг табақаси очилади, шиллиққурт ун-

дан оёқларини чиқариб, қумга яхши ўрнашгач, танасини ҳаракатга келтиради.

Ўрмон-чи?! У ҳозир ёз бошларидагига ҳеч ўхшамайди. Ҳавоси ҳам, шовқини ҳам, ранглари ҳам — тамоман ўзгача. Ҳаммаёқда гул! Кўплигини қаранг! Боладан сўранг-чи, қайси гулни биларкин? Номини айтсин, унинг илдизи, пояси, барглари, гултожисини аниқ кўрсатиб берсин. Усимликнинг биридан иккинчисини фарқлай олсин. Боланинг янгиликни билишга қизиқишини қўллаб-қувватланг.

Яқиндагина очилиб турган қоқи ўтдан тилларанг тус олган сайхонлик энди оппоқ эди. Шунини бола сезди-ми?

Боланинг эътиборини пинабаргли ва япроқли ўрмонларда ўт қоплами қандай бўлишига қаратинг. Болалар одатда пинабаргли ўрмонга нисбатан япроқли ўрмонда ўт-майсаларнинг кўплигини кўришади. Биринчидан, унга қуёш яхши нур сочади. Иккинчидан, япроқли ўрмонда ҳар куз барглари гилам бўлиб ерга тўшалади. Улар қор остида қолиб, баҳоргача чириydi, натижада ер унумдор бўлади. Ҳатто ёз пайтида ердан аввалги йилдан қолган барглари ҳам топиш мумкин. Аммо фақат баргнинг томирларигина қолган бўлади. Пинабаргли ўрмонда эса баргларнинг тўкилиши секин содир бўлади. Дағал ва тиканакли бу барглари ерда йиллаб ётса ҳам чиримайди. Бунинг устига арчазор доим қоронғи ва ҳатто энг иссиқ кунда ҳам доим салқин бўлади.

Болаларга дарахтларнинг ёшини аниқлашни ўргатинг. Ёгингарчиликдан ҳали қорайиб улгурмаган тўнкани кузатинг. Ёшни аниқлайдиган айлана марказдан тарқалади. Дарахт неча йил яшаганини билиб олиш учун уларни сананг.

Қани айтинг-чи, ўсаётган дарахтнинг ёшини қандай қилиб аниқласа бўлади. Ёш қарағайнинг неча йил яшаганини билиб олиш жуда осон. Ҳар кўклам у бўй чўзади, ўша чўзилган тана атрофида янги навдалар ўсиб чиқади. Учига яқинлашган сари навдалар калта ўсади. Агар қарағайнинг шохлаган жойи тўртта бўлса, демак дарахтнинг ёши олтида, агар бешта бўлса — унда етти ёшда бўлади. Бунинг сабаби шундаки, қарағай дарров шох чиқармайди, фақат иккинчи, учинчи йилдан бошлаб шохлайди. Дарахтлар жуда секин ўсади. Улар уруғдан чиқиб ўрмон бўлгунча 70—80 йил вақт керак бўлади.

Ўрмон бир неча қаватдан иборат бўлишини болалар-

га сўзлаб беринг. Энг баланд бўлиб ўсадиган дарахт қарағайлардир. Ундан пастроқ бўлиб — тоғтерак, шумурт дарахтлари, яна пастроқ бўлиб — буталар, кейин эса — ўт-майсалар ўсади. Бу ўрмон қаватларини яруслар деб аташади. Ҳар бир дарахтнинг шохлари ҳар хил ўсишига болалар эътиборини қаратинг: қаердадир қалин ва узунроқ, қаердадир — сийрак ва калта ўсади. Бунинг сабаби шундаки, новда қуёшга талпинади, уни эса бошқа новдалар тўсиб қўяди. Фарзандингиз билан бирга ҳеч нарса халақит бермайдиган дарахтни топишга ҳаракат қилинг. Очиқ жойда ўсган дарахтнинг қуёш нури яхшироқ тушган томондаги новдалари қалин бўлади. Йўсин эса сояни, салқин ва намни севади, шунинг учун уни шохнинг қуёшга тескари томонидан излаш керак.

Аста-секин ўрмон ҳаёти сизнинг кўмагингизда болага яқин ва тушунарли бўла боради. Ўрмонда унинг «орзу қилган» кўзиқоринли ва мевали жойлари пайдо бўлади, у читтак, қизилтўш, қизилиштон каби қушларни таниб қолади... Табиатда қушларнинг кўринишига, сайрашига, қилиқларига қараб билиб олиш қийин, албатта. Айниқса, болага. Шунинг учун аввалига китобдан қушнинг тасвирини топинг (рангли бўлса, яна яхши), бола билан бирга уни яхшилаб ўрганинг, қушнинг овозини пластинкага ёзиб олиб, эшитинг, шундан кейингина шу қушни излаб топиш учун ўрмонга йўл олинг.

Болалар табиатда бақалар, қурбақалар, тритонлар (калтакесакка ўхшаган ҳам ерда, ҳам сувда яшайдиган жонивор) сув илонларини кўп учратишади ва уларни дарров таниб олишади. Аммо уларга жирканиб ва нафратланиб қарашади. Бундай муносабат, табиийки, болаларга катталардан ўтган. «Хунук, жирканч»,— дейди болалар ва бу жониворларнинг жазосини беришга ўзини ҳақли деб ҳисоблайди. Баъзи нарсаларнинг бизга ёқмаслигига сабаб шу эмасми? «Менга ёқмайди,— демак, бу ёмон, бу хунук», деган нуқтаи назар шундан келиб чиқмаганми? Бу масала устида ота-оналар ўйлаб кўришлари ва тўғри хулосага келишлари лозим.

Бақалар — кузатиш учун жуда ажойиб объект. Бунинг устига уларни кузатиш, айниқса, баҳорда қулай. Баҳорда ҳаво совуқроқ бўлади, шу туфайли улар кам ҳаракат ва кўполроқ бўлишади.

Бола бақанинг қайси рангдалигини билиб олсин, уни қаерда ва йилнинг қайси фаслида кўрганини эслаб қол-

син. Баҳорда бақалар тухум қўйишади. Қўлмак жойларда улар жуда кўп. Энди тухумдан чиққан бақанинг ривожланишини бола билан бирга кузатинг. Бу жуда ажойиб машғулот!

Болалар ўзлари ўрганган, кўрган, ўзларини ҳайратга солган нарсаларнинг ҳамма-ҳаммасини табиатни сайр қилиб бўлгач расм чизиб, ҳатто суратга олиб ифодалашлари ёки ҳикоя қилиб ёзишлари мумкин. «Тўхтатилган бир лаҳза» хотирангизда сақланибгина қолмай, балки болага фотоаппаратни ишлатаётганда оҳиста объект ёнига бориш, уни суратга туширишда, ўрмонда кўрган ва эшитганларини изчил ва мантиқли сўзлаб беришга ўргатади, муайян билим ва малака ҳосил қилади.

Болалар инидан тушиб кетган қушчани, типратиконнинг боласини уйга олиб келишга ишқибоз бўлишади. Ҳатто нияти яхши бўлса ҳам болаларни бу ишдан қайтаринг. Жониворлар ўз уйида — табиат қўйнида яшаши керак. Яхшиси, уларга ўрмондан шохчаларни, ҳар хил дарахтларнинг тўкилган баргларини уйга олиб келиб, яхшилаб сақлашни маслаҳат беринг. Кейин бу нарсалар болаларга мактабга борганида жуда қўл келади.

## САКРАБ-САКРАБ

Бугун Ромашкалар билан бирга ўрмонга бормоқчи бўлдик. Аксига олиб эрталабдан ёмғир ёға бошлади. У кунбўйи тинмади. Мен ёмғирни ёқтираман, ёмғир ёғаётганда фикрлар ўз-ўзидан қуйилиб келаверади, енгил нафас оламан. Аммо шуниси борки, ёмғир ёққанда Ромашкаларга сайр қилишга рухсат беришмайди. Ёмғир, ниҳоят, кечга яқин тинди. Яна кун исиб, атроф яшнаб кетди.

— Қани, Боцман, юр, бир сайр қилиб келайлик! Ромашкаларни ҳам бирга олиб кетамиз.

— Рома, Маша, қани, биз билан юринглар!

— Этикларингни кийиб олинглар,— деган овоз эшитилди. Бу бувиларининг овози эди.

Ромашкалар аллақачон тайёр бўлишиб, қўлмак кечисар, ҳаммаёққа сув сачратишганларидан хурсанд эдилар.

Бирдан қий-чув бўлиб кетди...

— Нима гап? Нима бўлди?

— Анави ерда, бақалар... роса кўп...

— Вой-бўй, қўрқитиб юбординг-ку! Бунинг нимаси ваҳимали экан?

— У менга қараб сакради, шундай қўрқиб кетдим-ки,— ўзини оқлади Маша.

— Нима, ҳеч қачон бақани кўрмаганмисан?

— Кўрганман. Бу ерда кўп экан-да!

— Бақалар сувсиз узоқ яшай олмайди, ўлиб қолади. Сакрашини қара, уни тутиб олиш ҳам қийин! — Шундай деб, чаққонлик қилиб биттасини тутиб олдим.

— Қаранглар, Ромашкалар, қандай чиройли! Ушлаб кўрасизларми? — деб сўрадим.

— Йўқ, хоҳламайман! У жирканч — совуқ ва нам.— Маша ҳатто орқасига тисарилди, Ромка бўлса бақага бармоғини тегизди.

— Бу ўт бақаси. Унинг териси доим совуқ ва нам бўлади. Ахир у ўпкаси билангина нафас олмай, балки териси билан ҳам нафас олади-да. Энди унга қаранг, тўши қандай чиройли, нуқрадек оппоқ холлари ҳам бор. Орқаси эса кулранг-қўнғир. Шу ранг туфайли ўт ичида сезилмайди.

Кафтимни очувдим, бақа шу ондаёқ сакради ва халқопга шалоп этиб тушди-ю, зум ўтмай ғойиб бўлди.

— Қойил! Сакрашни бопларкан.— Ҳайрон қолди Рома!

— Орқа оёқларининг узун ва бақувватлиги бежиз эмас-да. Бақалар ҳашарот ейди. У ҳашаротларни тили билан тутади. Бу яшин тезлигида содир бўлади. Ҳашарот бақанинг ёпишқоқ тилига илиниб қолади. Уни бақа оғзига солиши қолади, холос. Ҳозиргина учиб кетаётган нашша шу заҳотиёқ ғойиб бўлади. Бақа эса навбатдагисини кутади.

Сўхбатлашиб олға қараб кетавердик. Ердан буғ кўтариларди. Дарахтларнинг шоҳлари ёмғирдан сўнг қорайган, барглари эса оч яшил эди. Бирортамиз бехосдан шохга тегиб кетсак борми, шу заҳотиёқ устимизга томчилар шовуллаб қуйиларди. Оёқларимиз ости пилчилларди. Биз унча катта бўлмаган ботқоқликка яқинлашдик.

— Қаранг! Бақалар! Ўт бақалари! — бақириб юборди Маша.

— Шошилманглар. Ҳозир кўрамиз. Бу бошқача бақа. Ўт бақасидан фарқи шуки, унинг тўши оппоқ ёки сарғиш ва тумшуги эса узунроқ бўлади. Яна ҳовуз ва кўл бақалари ҳам бўлади. Улар ўт бақаси ва узун тумшуқ ба-



қалардан фарқ қилишади. Сиз тезда уларни бир-биридан ажратишни ўрганиб оласиз. Энг муҳими, ҳеч ким бақаларга озор етказмасин.

## БАҚАЛАР КОНЦЕРТИ

— Дадам билан баҳорда концерт эшитгандик,— деди бир куни Ромка.

— Қалай, ёққанмиди?

— Ҳа-ҳа-ҳа! Вақ-вақ-вақ! — деб бақалардек сакраб иргишлай бошлашди Ромашкалар.

— Э-ҳа, гап буёқда денглар! Қандай концерт кўрганларингни энди билдим! Боплабсизлар, балли! Фақат сизларнинг вақ-вақ деб сайраганларинг бақаларнинг баҳор пайтидаги овозига ҳеч ўхшамайди. Ўт бақалар қий-чув қилишади, гўнғиллашади, гулдирашади, тумшуғи узун бақалар эса — бўғиқ овозда қуруллашади... Бошқа — ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчилар эса...

— Ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчилар? — қайтариб сўради Ромка. (Ромашкалар билан тушинмаган нарсаларни шу заҳотиёқ сўраб олишга келишганмиз.)

— Ҳа, ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчилар — буларга қурбақалар ҳам, бақалар ҳам, тритонлар ҳам киради — ҳаётларининг бир қисмини сувда, бир қисмини қуруқликда ўтказишади. Шу сабабдан олимлар уларни ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчилар деб аташган. Қиш пайтларида бақалар ҳовузларда, кўлларда балчиққа кўмилиб ухлашади. Музлар эриб, қуёш қиздира бошлади дегунча ўт бақалар ҳам, тумшуғи узун бақалар ҳам сувдан чиқиб, уруғ қўйиш учун сув ҳавзаларини излаб кетишади. Худди мана шунда уларнинг концерти бошланади. Баҳор келди! Иссиқ, яхши! Насл қолдирса ҳам бўлади! Кўлмак ва ҳавзаларда бақалар уруғ ташлайди. Уни бемалол кўрса бўлади — минглаб думалоқ тиниқ уруғлар бир-бирига ёнишиб сув устида сузиб юради.

— Дадамиз кўрсатган эдилар. Биз уни кўрганмиз... Ҳар бир уруғнинг ичида қора нуқтача бор эди.

— Жуда тўғри айтдинг. Қора нуқта — бу бўлажақ қурбақача. Қуёш қанча қаттиқ қиздириб, кўлмакчадаги сув қанча илиса, у шунча тез ривожланади. Икки ҳафталар ўтгач ҳалқа шаклида ўралган балиқчага ўхшаган увоққина тирик жон пайдо бўлади. Вақт ўтиши билан у узун думли ва кичик бошли итбалиққа айланади. Кейин катталашаверади ва борган сари балиқча ўхша-

май қолади. У ҳаводан нафас олиш учун тез-тез сувнинг юзасига чиқади. Бир оз вақт ўтиши билан думининг ўнг ва чап томонида бўртмачалар пайдо бўлади. Улар кейинчалик узун орқа оёққа айланади. Думи қисқаради, олдинги оёқлари ўсиб чиқади. Фақат шундан кейингина у ҳақиқий кичик бақага ўхшайди. У ўрмонда яшайди. Катта бўлгач, уруғ қўйиш учун ўзига кўлмак излаб топади...

\* \*

Бақаларнинг ашуласини эшитганмисиз? Эшитмаган бўлсангиз албатта эшитинг. Ҳам ерда, ҳам сувда яшовчиларнинг овози пластинкаларга ёзиб олинган. Бу бақаларни табиатда овозига қараб ажратишга ўргатади. Бақа уруғини кўрганмисиз? Йилнинг қайси вақтида? Итбалиқларни-чи? Уларнинг бақалардан фарқи нимада?

Бақаларнинг ўсишини кузатинг. Бунинг учун бақа уруғидан банкага солиб, уни дераза тоқчасига қўйинг. Сабр қилинг. Аста-секин уруғда ўзгариш бўлиб ва ниҳоят итбалиқлар пайдо бўлишини кўрасиз. Итбалиқлар уруғдан чиқди дегунча, уларни, албатта, кўлмакка қўйиб юборинг. Акс ҳолда улар нобуд бўлади.

## ХУНУК ДУСТИМ

Ромашкаларнинг қишлоқ болалари орасида дўстлари кўп эди. Улар мен яшайётган уй ёнига келиб, жавдираб туришарди. Уларни уйга киринглар, деб қанча таклиф қилмай, бари бир кўнишмасди. Энди бўлса биз улар билан яхши дўстмиз. Ҳар оқшом олдимга келишади. Скамейкага ўтириб олгач, мен уларга ҳар хил воқеаларни сўзлаб берардим. Бугун қуйидаги воқеани ҳикоя қилиб бердим.

...Биринчи марта у билан ўрмонда юзма-юз келгандим. У катта ва семиз бўлиб, оғир нафас олганча сўқмоқда ўтирарди.

Мен қурбақани авваллари ҳам кўрганман, аммо уларни диққат билан кузатишга ҳеч вақт тополмасдим. Ҳозир эса ҳеч қаёққа шошмаётганим учун чордана қуриб ўтирдим-да, диққат билан уни кузата бошладим. Қурбақа ҳам қарши эмасди, чоғи, Ҳар қалай қочиб кетиш-

га чоғланмади. «Нега кўпчилик одамлар уни хунук деб ҳисоблашади?» — деб ўзимча ўйладим. Сабабини билмадимму аммо у менга жуда ёқди. Айниқса, кўзлари ажойиб экан. У тилларанг тусда бўлиб, ҳаммаёғи хол-хол эди. Шу алпозда танишдик. Бир-биримизга лом-мим демай турли томонга тарқалдик.

Шундан кейин бир неча кун ўтди. Бир куни кечқурун қурбақани яна учратдим. Бу сафар у боғимизда, каттакон чириган тўнка ёнида ўтирарди. Тунда ва кун салқин пайтда у овга чиқар, кундуз куни эса қуёшнинг иссиқ нуридан қочиб, майсалар орасида вақт ўтказарди. Бир пайтлар қайсидир бир китобда қурбақани қўлга ўргатиш мумкинлигини ўқигандим. Чувалчангларни тегириб олардим-да, қурбақанинг олдига келардим. Чувалчангни ингичка чўп учига ўрнатиб, унга тутардим. Аммо у негадир олмасди. Аввалига ҳайрон бўлдим, кейин қурбақалар ҳашаротларни ҳаракат қилаётган пайтида тутиб олиши эсимга тушиб қолди. Таёқчани қимирлата бошладим.

Тўсатдан... Ҳатто ўзим ҳам қандай содир бўлганини сезмай қолдим... Чувалчанг йўқ бўлди-қолди. Таёқчага яна битта чувалчангни илиб, уни қимирлатдим. Шу заҳоти чувалчанг ғойиб бўлди. Учинчи ва тўртинчи марта ҳам ана шундай бўлди. Чувалчанглар ғойиб бўлар, қурбақа эса қимир этмай жойида ўтирарди.

Шундан кейин бир вақтда ҳар куни эрталаб эски тўнка ёнига келадиган ва қурбақам билан учрашадиган бўлдим. У ҳам мени кутиб ўтирган бўларди.

Бир куни учрашувга кечикиб қолдим ва қурбақани жойидан топмадим, тўнка атрофини қараб чиқдим, ўтлар орасини титкиладим, йўқ. Бехосдан пашшалар талаб ётган қора нарсани кўриб қолдим. Ким ўлдирди? Нега? Қимдир қурбақамни фақат хунук бўлгани учунгина ўлдирган! Хунук... Унинг ажойиб тилларанг, қора нуқтали кўзлари, унга ажойиб қиёфа берадиган каттакон тишсиз оғзи кўз олдимга келди. Назаримда у хунук эмасди.

Нега энди буни бошқалар кўрмайди? Балки, синчковлик билан уни кузатишмагани учундир?

— Сизлар бунга нима дейсизлар, болалар?

Болалар жавоб бермай жим туришарди.

— Томорқамизда қурбақа яшарди... анақа, кулранг эди,— жимликни бузиб деди Маруся.— Лекин бувам унга тегиздирмасдилар.

— Бу кулранг қурбақа. У томорқани асрайди. Капалакқурти ва шиллиққуртларни йўқотади.

— Қурбақадан менга сўгал тошган. Мана! Қаранг!— Павлик қўлини кўрсатди.

— Кўйсанг-чи, Павлик?! Бу қурбақадан эмас!

— Бувим айтганлар.

— Кўплар, ҳатто катталар ҳам шундай деб ўйлашади, бу нотўғри. Қурбақа ростдан ҳам ўзидан оқ суюқлик ажратади, бошининг икки ёнига жойлашган махсус бўртмачалардан ажраладиган бу суюқлик одам учун бутунлай хавфсиздир. Бу қурбақаларнинг ўзини ҳимоя қиладиган ягона усулидир — ахир уларда тиш ҳам, қўрқинчли тирноқ ҳам, ҳатто бақаларникига ўхшаган узун оёқ ҳам йўқ.

— Бу қурбақа билан бақани қандай аниқлаш мумкин?

— Сенга нима десам экан, Маша? Муҳими, кузатиш, таққослаш, эслаб қолиш... Урмонда кетаётиб бир оз тўхта, атрофни кузатиб, ўйлаб кўр, эҳтимол, ўзинг жавобини топарсан. Эсингдами, бақадан қўрққанинг? Тўппатўғри сенга қараб сакраганини унутмадингми? Нега? Чунки, унинг орқа оёқлари жуда узун. Қурбақаники-чи? Уники калта ва шу туфайли узоққа сакрай олмайди. Қурбақа аста, виқор билан юради. Яна шуни ҳам эслаб қол, ўтирган бақанинг боши ва танаси бир оз кўтарилган бўлади, шунда у учиб кетаётган ҳашаротларни ушлаб олиши осонлашади. Қурбақада бошқача, унинг танаси ҳам, боши ҳам пастга энгашган бўлиб, ерга тегиб туради. Ахир у ҳашаротлардан ташқари, ерда судралиб юрадиган шиллиққуртларни тутиб ейишини энди сен биласан.

Шу пайт болаларнинг чарчаганини сездим. Улар кўзларини ишқашар, эсишарди. Ухлаш пайти бўлди!

— Эртагача!

\* \* \*

Бақанинг қурбақадан қандай фарқи бор? Сувда ва қуруқда яшовчи жониворлар нималарни истеъмол қилишади? Нима учун қурбақалар асосан шиллиққурт ва капалак қуртларини ов қилишади? Ут бақа қишни қандай ўтказади? Сувда ва қуруқда яшовчи жониворлар овози ёзилган пластинкани эшитиб кўринг ва бақалар, кулранг қурбақалар сайрашини эслаб қолишга ҳаракат қилинг.

## БУТУНЛАЙ БУЛАКЧА

Ромашкалар билан бизнинг ўз ҳовузимиз бор. Тўғри, у катта эмас. Аммо бизга каттаси керак эмас. У бизники, чунки шу ерда биринчи марта сув қўнғизи билан учрашдик, йиртқич ниначини, ўқчи ниначини шу ерда кўрдик. Худди шу ерда бақалар Ромашкаларга «концерт» қўйиб беришган. Ромашкаларнинг гапига қараганда, бу ҳовузчани улар топишган. Майли, бу уларнинг биринчи кашфиётлари бўла қолсин.

— Буви, биз ҳовуз бўйига кетдик! Боцман ҳам биз билан кетяпти.

— Майли, бораверинглар!

Биз кўнайишиб қолдик — Ромашкалар, уларнинг дўстлари, Боцман ва мен.

Мана, қишлоқдан чиқдик. Урмон бўйлаб кетяпмиз... Ҳидни айтмайсизми! Ҳушбўй асал ҳиди!

— Ромашкалар, қандай ҳид келяпти?

Болалар у томон, бу томонга ўгирилиб, атрофни ҳидлашяпти.

— Билмадинглар-а? Арғувон дарахти гуллаяпти. Асалари-чи, асалари! Гулдан шира йиғяпти.

Даладан боряпмиз... На булут кўринади, на шабада эсади... Ут-ўланлар белга уради. Боцман ўтлар орасида кўринмайди. Гулларнинг кўплигини! Қўнғироқгул, мойчечак, қизилпойча... Чигирткалар чириллагани-чириллагани. Нима қипти, ҳаммаси қонда бўйича. Июль — ёз ойининг ўртаси — саратон. Уф, бирам иссиқки! Бир оз дам олсак бўлармиди. Ҳатто Боцман ҳам тилини осилтириб келяпти. Болаларга куннинг иссиғи ҳам таъсир қилмаган. Югуришиб, кулишиб келишяпти.

— Мен биринчи! Мен! — деб бақирди Тарас.

Рома бўлса йиғлаб юборай деб турибди.

— Мен-чи... мен нечанчиман?.. Баҳорда дадам иккаламиз тритонларни кўргандик. Биласанми, қандай чиройли улар! Тожи катта, қизғиш, қорни ҳам қизғиш, ҳаммаёғида холи бор. Худди ўйинга тушаётгандек сузишадн.

— Ҳамма гапинг ёлғон. Улар ҳечам қизғиш эмас, кўм-кўк... Сувда эмас, ўт орасида яшашади.

— Ёлғон гапиряпманми? Узинг ёлғон гапиряпсан!

— Тўхтанг, тўхтанг! Ҳозир аниқлаймиз. Гап шундаки, Рома тритонларни баҳор пайтида кўрган, баҳор пайтида улар сувда яшашади ва эркаклари чиройли қизғиш рангда бўлишади. Лекин бу ранг узоқ сақланмайди.

Вақт ўтиб, ургочи тритонлар сувга уруғ ташлайди, ундан личинкалар пайдо бўлишади. Улар катта тритонлар сингари сувни тарк этишади ва қуруқликдан ўзларига яшаш учун жой ахтаришади.

Сен эса, Тарас, тритонларни ёзда кўргансан. Йилнинг бу фаслида тритонлар қизғиш-яшил рангда бўлиб, қуруқликда яшашади, ўтлар, чириган тўнкалар орасига яширинишади. Шунинг учун уларни кўриш жуда қийин.

Демак сенинг ҳам Тарас, сенинг ҳам Рома, омадларинг бор экан. Сизлар оддий тритонларни, фақат йилнинг турли пайтларида кўргансизлар. Баҳслашмасаларинг ҳам бўлаверади.

— Қанақасига у оддий бўлади? У ҳатто бизни болаб алдабди-ку!


\* \* \*

Тритонлар баҳор пайтида қаерда яшашади? Ёзда-чи? Қаерда қишлашади? Тритонларнинг қайси рангда бўлгани сизга маъқул? Нима сабабдан? Тритон сиртдан бақадан нимаси билан фарқланади? Уларни яна бир бор диққат билан кузатинг ва саволларга жавоб беринг.

## ЧАҚҚОН КАЛТАКЕСАК

Кунлардан бир кун Ромашкалар билан бирга ўрмонда узоқ юрдик. Чарчадик, қорнимиз ҳам очди. Дам олиш учун тўхтадик. Ромашкалар ялангликда ағанаб ётган дарахтни топиб, устига чиқиб, от қилиб миниб олишди. Аммо миқ этмай ўтиришарди. Жим ва сезгир бўлишмаса, қизиқарли нарсани кўра олмай қолишлари мумкинлигини билишади. Жонзотлар олдиларидан учиб ўтиши, ёнларидан югуриб ёки лип этиб ўтиб кетиши мумкин. Ўрмонда яшовчилар ҳам жим, бизнинг нима қилишимизни кутишарди. Аммо улар тезда дадилланишди, қушлар шохдан-шоҳга сакраб, бизга қизиқиб қарашарди, капалаклар эса қўлга қўнишарди, шу пайт тўсатдан оёғим остидаги барг қимирлаб, унинг остидан мўйловли тумшуқча кўринди. Сичқон!

Бирдан кимдир биқинимга туртгандай бўлди. Нима гап! Қарасам, тўнка устида... калтакесак офтобда исиниб ўтирибди. Ўзи олачипор, орқаси ва думида узунасига



оқ чизиқ. Ўзи жуда келишган — кўзингни ололмайсан! Ромашкаларга унга қаранглар, деб тўнкани кўрсатдим. Бундай манзарани яна қачон кўришарди. Аммо шу пайт Маша аксириб юборди...

Калтакесак бамисоли бу ерда бутунлай бўлмагандай жуда тез кўздан ғойиб бўлди. Эҳтимол, бизга шундай туюлгандир? Ромашкалар ҳатто кўзларини ишқалаб ҳам кўришди. Кейин ўтлар орасидан, тўнканинг орқасидан, дарахтнинг остидан уни излай бошлашди. Энди уни топиб бўлармиди? Уни бекорга чаққон калтакесак, деб аташмаган.

— Қочиб кетди,— деди хўрсиниб Маша.

— Тўғри қилди. Калтакесакни қутқарадиган нарса унинг оёқлари... Яна нимаси уни ҳимоя қилади? Ҳашаретларни, сувда ҳам қуруқда яшовчиларни эслаб кўринг...

— Ранги! Тўғрими? — деди Ромка.

— Тўғри. Фақат ранги эмас, уни ўз муҳитидан ажратиб бўлмайдиган туси дейишади. Калтакесак ўт ичида турганда қаранг — дарров кўрмаймиз!

Аммо калтакесак доим ҳам ўз душманидан қочиб яширина олмайди. Думидан ушлаб олишган пайтлар ҳам бўлади. Иложи қанча. Унинг думи узилиб қолиши ва у бир оз вақт қимирлаб туриши мумкин. Душман нима бўлганини тушунгунча у ғойиб бўлади. Тўғри, калтакесакнинг думи кейин яна ўсиб чиқади. Думсиз унга жуда қийин. На яхши югура олади, на тузукроқ ов қила олади! Калтакесакка дум жуда зарур.

— Боцман, ҳей, Боцман, сенга дум зарурми? — Боцман ўзи ҳақида гапиришаётганини эшитиб, ўрнидан турди, Ромканинг ёнида айлана бошлади, думини ликиллатди, кейин қорнимни қашиб қўй дегандек чалқанчасига ётиб олди.

\* \* \*

Калтакесак душманидан ўзини қандай ҳимоя қилади?

Калтакесак сизга таниш бўлган сувда ва қуруқда яшовчиларга ўхшайдими? Агар ўхшамаса, нимаси билан фарқ қилади? Яширинган калтакесакни кўриб қолсангиз, ерга ёпишиб олганига назар солинг. Калтакесакнинг суратини чизиб кўринг.

## САЛ БЎЛМАСА ЧАҚИБ ОЛАРДИ

Ромка шунчалик қаттиқ қичқирдики, дарахтда ўтирган читтак қўрққанидан чийиллаб, учиб кетди. У сингилчасининг қўлидан маҳкам ушлаганича сўқмоқдан чопиб кетди. Унга ҳатто, қуён ҳам ета олмаган бўларди.

— Анали ерда илон бор, — деди у зўрға нафас оларкан.

— Каттами?

— Роса катта!

— Унчамас, — деди аниқликни яхши кўрадиган Маша.

— Унча катта бўлмаса ҳам, — деди Ромка Машанинг гапини тасдиқлаб, — ҳар қалай илон-да, келинлар, таёқ олиб, уни тезроқ ўлдирамыз!

— Дарров ўлдиришни гапирма...

— Ахир у илон-ку! Сал бўлмаса чақиб оларди, — деб Ромка сингилсига қаради.

Аммо Маша бошини чайқади.

— Менимча, у бизни чақмоқчи эмасди...

— Бари бир! — бўш келмади Ромка.

Афсуски Ромкагина эмас, ҳатто катталар ҳам илонни кўрганлари заҳоти, у чақмоқчи бўлди, тасодифан ўлимдан қутилиб қолдим, деб ўйлайдилар. Дадилроқлари қўлларига таёқми, тошми олиб, зарарли ва хавфли махлуқни ўлдирмоқчи бўлишади. Ҳатто рўпараларида нима турганига ҳам эътибор беришмайди. Эътибор бериш-



га вақт йўқ: қўрққанга қўша кўринади. Мана, Ромка ҳам шундай қиляпти.

— Тезроқ, тезроқ! Ҳозир у ўрмалаб кетади, ахир!

Таёқ олмадим, Боцманга жойингдан қимирлама, деб буюрдим. Ромка билан Машага орқамдан юринглар, дедим.

Ромашкалар илонни учратган жойга келдик. Узоқдан сўқмоқ бўйлаб ўрмалаб кетаётган «илон»ни кўрдим ва Ромашкаларни ёнимга имлаб чақирдим.

— Қочиб кетмабди! — тантана билан хитоб қилди Ромка, — ҳозир биз уни...

— Кел, ундан кўра кузатайлик, у нима қиларкин.


«Илон» жуда аста ўрмаларди — ундан сал олисда бўлсак-да, уни яхши кўриб турардик — биз ҳам аста-секин унинг ортидан юравердик.

Бирдан «илон» тўхтади, сўқмоқда судралиб кетаётган капалак қуртини кўриб қолди. Уни қандай қилиб яхшироқ ушлаб олишни ўйлагандек унга бир томондан, кейин иккинчи томондан қаради. Кўз очиб-юмгунча капалак қурти ғойиб бўлди.

— Илонлар капалак қурти ейдими? — шивирлаб сўради Маша.

Жавоб беришга улгурмасимдан «илон» шиллиққуртни кўриб қолди, бошини қимирлатди ва шу ондаёқ шиллиққурт унинг оғзига кириб кетди.

— Демак бундоқ, Ромашкалар, эсларингда бўлсин —



бу кўрганларинг заҳарли илон эмас, умуман илон ҳам эмас!

Гапимни тўғрилигини Ромашкаларга исботлаш учун илонни секин қўлимга олдим. Ромка ҳар эҳтимолга қарши орқага тисарилди, Машанинг юзи оқариб, кўзини чирт юмди ва шу заҳотиёқ кўзини очиб илжайди.

Ромка қўрққанидан уялди шекилли, ёнимга дадил келди ва қўлини узатди.

— Тўхта, Рома,— шаштидан қайтардим уни,— майиб қилиб қўйишинг мумкин.

— Мен аста...

— Гап бунда эмас. Бу «илон»нинг думи узилиб кетиши мумкин.

— Калтакесакка ўхшаб-а? — ҳайрон бўлиб сўради Маша.

— Худди шундай. Чунки бу ҳам калтакесакнинг ўзи.

Ромашкалар бир-бирларига қараб олишди. Мен бўлсам калтакесакни секин сўқмоққа қўйдим, у аввалгидек секин ўрмалаб кетди. Ҳатто хавф остида қолганда ҳам у тез ўрмалай олмайди.

— Калтакесакми? — Ромашкалар ҳеч гапимга ишонгилари келмасди.

— Ҳа-да. Фақат оёқсиз калтакесак. Оёқларининг йўқлиги илонга ўхшайдиган ягона белгиси. Бошқа томондан ўхшашлиги йўқ. Унинг қовоқлари бор, илонда кўз қовоғи йўқ, тана шакли ҳам бошқача.

— Бари бир у чақиб олиши мумкинми? — Ҳар эҳтимолга қарши сўради Ромка.

— Чақиб олиш уёқда турсин, ҳатто чимчиллолмайди ҳам.

— Биз уни сал бўлмаса ўлдириб қўярдик,— деди секин Маша.

Ромка индамади.

Боцман бизни анча кутиб қолди. Шундай бўлса ҳам болаларга оёқсиз калтакесак қандай ов қилишини кузатишни таклиф қилдим. Кейин болаларга кимдир уни илон деб ўйлаб ўлдириб қўймаса, албатта 30—40 йил яшашини гапириб бердим.

\* \* \*

Оёқсиз калтакесак чақон калтакесакдан нима билан фарқ қилади?

Калтакесаклар нима истеъмом қилишди? Уйлаб кўринг. Билмасангиз билиб олинг, улар ҳашаротлар, ўргимчаклар, чувалчанглар билан овқатланади.

## ҚУРҚИНЧЛИ ВОҚЕАЛАР

Қош қорая бошлади. Ёзнинг иссиқ кундан сўнг оқшом салқинида чўмилиш, дам олиш, хаёл суриш жуда мароқли... Аммо бунга вақт йўқ... Деразадан Ромашкаларнинг малла бошлари кўринди.

— Бу биз... Ассалом алайкум... Биз нимани ўйлаб топдик...

Улар бир-бирларининг гапларини бўлиб, гулханда картошка пиширишга қарор қилганларини айтишди... Тарас ўрмондаги ялангликни билади — у ерда қуруқ шохлар кўп.

Ялангликка бир зумда етиб келдик. Болалар анча шох-шабба тўплашди, гулхан ёқиб атрофига ўтирдик. Шохлар чирсиллар, учқун қоронғи, деярли қопқора осмонга сачрарди, бундай манзара фақат ёз пайтларида бўлиши мумкин.

Болалар секин гапиришар, ҳеч кимнинг шўхлик қилгиси келмасди. Турли воқеаларни эслашди.

— Бир сафар-чи, ўрмонда адашиб қолдим, мени кунбўйи ахтаришибди. Ушанда биз маймунжон тергани боргандик. Жуда кўп экан. Тераверибман, тераверибман ва адашиб кетибман...

— Кеча мени ғоз шундай қаттиқ чўқиб олдики, ҳозиргача оғрияпти. «Ғоқ-Ғоқ» деб келиб, шап этиб чўқиб олди, — эслади ҳаммаларидан кичкина Петя.

— Ғоз экан-ку! Мен ўрмонда заҳарли илонни учратганман, сал бўлса босиб оларканман. У жуда қўрқинчли вишилларкан.

— Заҳарли илон? — Маша ишонмади. — Бизнинг ўрмонда-я?

— Бизнинг ўрмонда. Бўлмаса қаерда? Биласанми улар қанча?

— Сен болаларни қўрқитма, Митя! Бўлмаса бошқа сафар ўрмонга бормай қўйишади, — дедим.

— У қанақа? Гапириб бер! — илтимос қилди Рома.

— Қанақа! Қанақа бўларди. Узун ва кулранг.— Мия узини қаҳрамон ҳис қиларди.

— Бошининг икки томонида сариқ доғларини кўрмадингми? — аниқлаш учун сўрадим.

— Йўқ. Доғларни кўрмадим. Фақат елкасида қора из кўрдим.

— Ундай бўлса, ҳаммаси тўғри. Сен заҳарли илонни кўрибсан.

— Сизлар менга ишонмадингларми? Мен ростдан айтяпман,— хафа бўлди бола.

— Ишонаман сенга, адашишинг ёки заҳарли илонни сувилон билан алмаштириб юборишинг мумкин эдида. Ахир улар жуда ўхшайди. Сувилонлар ва заҳарли илонлар қўнғир, кулранг рангда бўлиши мумкин.

Фақат сувилонларда бошқа илонлардан ажратиб турадиган бир белги бор, бу — бошларининг икки ёнидаги сариқ доғлардир. Шу доғлари билан у мен хафвли эмасман, мени ўлдирманг, дейди. Агар сувилон уни таъқиб қилувчидан қочиб кетолмаса, унда у вишиллаш бошлайди. Агар бу ҳам унга ёрдам бермаса, унда у ўзидан бадбўй ҳид чиқаради, ҳатто ўзини ўлганга солиб ётиши ҳам мумкин. Хавф чекинди дегунча у дарров бир ерга яширинади ёки сувга шошади.

— Мен бари бир ундан кўрқаман, — деди Маша.

— Чунки сен унга яхшилаб қарамагансан. Ахир у жуда чиройли. Сен у ҳақда деярли ҳеч нарса билмайсан. Унинг тухум қўйганини — териси қалин қопчаларни кўрганмисан? Йўқми? Мана, кўрдингми! Биласанми, у нималарни ейди?

Маша индамади.

— Қурбақаларни, тритонларни ейди, балиқларни ҳам ейиши мумкин.

— Демак, у зарарли,— Маша ҳатто бу хулосасидан қувониб кетди.

— Бундай деб ўйлаш асло мумкин эмас. Табиатда ҳайвонларнинг турли хиллари бўлгани маъқул.

— Заҳарли илон зарарли-а! Тўғрими?

— У зарарли эмас. Заҳарли — бу тўғри. Аммо уни ўлдириш ярамайди.

\* \* \*

Сувилон заҳарли илондан нимаси билан фарқ қилади? Нималари ўхшаш? Сувилоннинг ўрмалашини кўрганмисиз?

Уни нимага таққосласа бўлади? Оёқсиз калтакесак ва чаққон калтакесак, сувилон, заҳарли илон — булар судралиб юрувчилардир.

Ҳаракат қилишларига қараб шундай деб аталади.

## ТОМОША ҚИЛАМАН

Сизни билмадим-у, аммо мен ҳар хил илдиз, шохча, новдалар йиғишни ёқтираман. Уларга диққат билан қарасангиз — бирдан унинг шохча эмаслигини, балки ўзини қотиб қолган қилиб кўрсатаётган калтакесак эканини кўрасиз. Бу илдиз эса ҳақиқий ялмоғиз кампирни эслатади — қарчиғайбурун, бели букилган, бармоқлари илгакка ўхшайди. Ҳатто бир оз кўрқинчли! Аммо мана бу шох ҳеч нимага ўхшамас экан, фақат чиройли қайрилган. Бунақаси ўрмонда жуда кўп. Фақат диққат билан кузатиш керак.

Аммо Ромашкалар менинг ялмоғиз кампир ва бошқа даҳшатли ҳайвонлар ҳақидаги гапимга ишонишмади. Бунақалар фақат эртакларда бўлади, дейишди.

— Ҳа, шундайми! — дедим. — Ишонмайсизларми? Бўлмаса мен билан юринглар.

Айтилган сўз — отилган ўқ. Биргалашиб йўлга чиқдик. Мана, ўрмон ёқасидамиз.

— Энди диққат қилиб қаранг. Ҳов анави арғувон дарахтини кўряпсизларми? Жуда диққат қилиб қаранг, шохлар орасида ким яшириниб турибди?

Ромашкалар ҳеч нимани кўришмасди.

— У ерда ҳеч ким яшириниб тургани йўқ, бундай бўлиши мумкин ҳам эмас, — деди ҳеч иккиланмай Ромка.

— Мен кўряпман, кўряпман! — қувониб сакради Маша.

— Бу ахир ибн Хаттоб-ку! Соқолини қаранг! Қандай узун! Бошида салласи ҳам бор. Ҳақиқий ибн Хаттобнинг ўзи!

— Ана, кўрдингларми! Ҳеч ким йўқ дейсизлар яна! — дедим хурсанд бўлиб.

— Мен ҳам бирортасини кўргим келяпти, — деди Ромка.

— Унда ичкарироққа кирайлик. Анави тилоғочнинг пастдаги шохини кўряпсанми? У нимага ўхшар экан?

— Тилоғочнинг? — қайта сўради Ромка. — У ерда фақат тилоғочлар-ку.

— Бу ерда сен ноҳақсан. Дарахтларнинг биттаси япроқли, қолган ҳаммаси игнабаргли.

— Игнабаргли, япроқли... — бутунлай адашиб кетди Рома. — Нима фарқи бор?

— Япроқли деганимизда япроқли дарахтлар кўзда тугилади, — тушунтира кетдим. — Иккинчи хил дарахтлар — булар игнабаргли бўлиб, уларда япроқ ўрнида игнасимон барг бўлади, шунинг учун ҳам игнабаргли деб номланади...

— Нега шундай? — ҳайрон бўлишди болалар.

— Ҳозир унинг ёнига борайлик, ўшанда ҳамма нарса аён бўлади...

— Қалай, игнаси санчиляптими? — сўрадим Машадан, унинг ҳушёрлик билан игнани ушлаб кўраётгани учун.

— Ҳеч ҳам, юмшоқ экан.

— Жуда зўр дарахт экан! Нечта жумбоқ қўйди олдимизга! Тикан-у, аммо санчилмайди, барги йўқ, лекин игнабаргли дарахт дейилади, бунинг устига игналарининг ҳаммаси қишда тўкилиб кетади, игнабаргли дарахтларда бундай бўлмайди...

— Энди тушундим нима сабабдан у шундай дейилишига, — деди Ромка. — У япроқли дарахтларга ўхшаб игналарини қиш фаслида тўкаркан.

— Ўзингнинг ақлинг етгани жуда яхши бўлди, — дедим қувониб.

— Уни нега аввал кўрмаган эканмиз-а? — деди ҳайрон бўлиб Маша.

— Эҳтимол, синчковлик билан қарамаганларнинг учувдир. Тўғри топдимми?

— Тўғри! — дейишди Ромашкалар.

— Дарахтлар ҳам одамларга ўхшаб ҳар хил бўлади. Буни қишда, дарахт барглари тўкилганда билса бўлади. Шунда дарахтнинг тепасидаги шохлар жуда яхши кўринади. Масалан, эман дарахтининг усти чодирга ўхшаб сершоҳ бўлади. Оқ қайиннинг юқорисида эса — ингичка шохлар бўлиб, улар пастга осилган бўлади. Бу дарахтларни кўрганингизда, албатта қиёсланг.

— Бу дарахтларнинг барглари ҳам ҳар хил-ку, — деб эслади Ромка.

— Баргларнинг шаклигина хар хил бўлмай, баргларнинг жойлашиши, куртакларининг шакли ва ранги ҳам ҳар хилдир. Ҳатто пўстлоғи ҳам ҳар хил бўлади. Буни дарахтни силасангиз дарҳол сезиш мумкин. Улар ғадир-будур бўлади...

— Эман дарахтига ўхшабми? — давом қилди Рома.

— Оқ қайинга ўхшаган силлиқ ва оппоғи ҳам бўлади, — деди акасидан қолишмасликка ҳаракат қилиб Маша.

— Нимага оқ бўлади, биласизларми?

— Йўқ. Билмаймиз. Ростдан ҳам нимага оқ бўлади?

— Оқ қайиннинг пўстлоғида уни оқ рангга бўйядиган модда бўлади. Агар оқ қайиннинг танасига қўлингизни қўйсангиз, унинг совуқлигини сезасиз. Шундай бўлишига сабаб оқ ранг қуёш нурларини ўзидан қайтаради. Оқ пўстлоқ қайин дарахтини қуёш нуридан сақлайди.

Гапимни тугатгунимча Ромка зўрға чидаб турди ва оқ қайинни излаб кетди.

— Маша, Маша, тез чоп, оқ қайин дарахтини ушлаб кўр!

Маша икки қўли билан уни қучиб, ёноқларини дарахт танасига босди.

— Қандай мазза! Муздек!

\* \* \*

Сизга яқин бўлган ўрмонда қандай дарахтлар ўсади?

Япроқли дарахтларнинг қайсиларини биласиз?

Нима сабабдан арча ва қарағайни нинабаргли дарахт дейилади?

Хиёбонда, ўрмонда бўлган пайтингизда арғувон, оқ қайин, эман дарахтларини топиб, уларнинг танасини ушлаб кўринг, барглари, куртаклари шаклини бир-бирига таққосланг. Битта дарахтдан шакли ва катталиги бир хил бўлган иккита баргни топиб кўринг. Ана шу битта дарахтдан энг кичик ва энг катта баргни топинг. Шакли ҳар хил бўлган тўкилган барглاردан аппликация тайёрланг.

Ромашкалар заранг, қайин, эман, арғувон дарахтларини яхши билишади, ўрмондаги бошқа дарахтларни эса унча яхши билишмайди. Шунинг учун улардан ўзларига таниш бўлмаган дарахтларнинг

баргларини йиғиб беришларини илтимос қилдим.

Ромашкалар, терак, зирк, бўжур тоғ-терак, тол дарахтларнинг баргларини йиғиб келишди. Сиз ҳам ўрмондан мана шу дарахтларни топинг, уларнинг барглари қандайлигини кузатинг.

## БИР ДОНА МЕВАСИДАН ОЛАМАН

— Ухў, меванинг кўплигини! Роса кўп-ку! — Ромканинг қўллари-ю, оғзи-қўкариб кетган эди.

— Ромашкалар, энди бўлди қилинг! Қорнингиз оғриб қолади!

— Оғримайди! Тагин озгина ейлик!

— Еяверсанглар, пирог учун теришга улгуролмай-сизлар!

— Улгурамиз! Маша, идишни бер! Қара, роса кўп экан! — Болалар тезда идишни етилиб пишган қорағат билан тўлдиришди.

— Вой, белим оғрияпти! — деб ҳиқиллашди Ромашкалар.

— Бўлмасам-чи, қорағат паст ўсади, меваси ҳам ер бағирлаган, уни териб олиш учун озмунча эгилишга тўғри келдим. Ҳечқиси йўқ, уйга боргач дам оласизлар.

Уйга йўл олдик.

— Қаранг! Яна қорағат... Негадир тўқ кўк,— ҳайрон бўлди Маша,— эҳтимол, ҳали пишмагандир... Еб кўрса бўладими?— сўради Маша ёнимга югуриб келиб. (Ромка бир сафар заҳарли қаргакўз ўсимлигининг мевасини ейишига сал қолгандан буён Ромашкалар ўрмонда нимани ейиш мумкин-у, нимани ейиш мумкин эмаслигини сўрайдиган бўлишган.)

— Еб кўра қол.

Маша мевани узиб олди-да, оғзига солди ва маза қилганидан кўзларини сузди.

— Ширин эканми? Бу голубика<sup>1</sup>. Энди мевали шоҳига диққат қилиб қара. У қорағатга ўхшайдими?


Қизалоқ энгашди-ю, бирдан... бутун бутани суғуриб олди.

— Нега ундай қилдинг? Ахир янгиси тезда етил-

---

<sup>1</sup> Шимол ботқоқликларида ўсадиган мевали бута. Унинг меваси тўқ кўк бўлади.





майди-ку, ўсиб бута бўлиши учун олти-етти йил вақт керак.

— Билмасдан узиб қўйдим... Йўқ... мен кўрмоқчи эдим...

— Энди бундай қилмагин. Қани бутанг?

— Мана.

— Энди қорағат билан уни солиштириб кўр,— деб эслатдим Машага.

— Голубика меваси қорағат мевасидан катта, унинг барглари ҳам қаттиқроқ, — деб бошлади Маша.

— Қаранг, мевалар терлаб кетибди,— деди олдимизга югуриб келган Ромка.

— Терламаган,— дедим кулиб.— Фақат уларнинг устини мум қоплаган. Шу белгидан голубикани билиб олишингиз мумкин.

— Уйга қачон кетамиз? — деди шу пайт Маша.

— Чарчадингми? Бир оз чида. Игнабаргли ўрмон тугаса ўрмон ёқасига чиқамиз, у ердан уйга жуда яқин қолади,— далда бердим қизалоққа.

Болалар хурсанд бўлиб олдинга қараб чопишди.

Биз Боцман билан улар ортидан шошдик. Шу пайт қизиқ манзарага дуч келдик. Ромашкалар маймунжонзорга кириб «ўтлаб» юришибди.

— Ҳали чарчаганларинг шуми?

— Биз куч йиғяпмиз. Ҳозир охирини еймиз ва та-мом,— деди Ромка.

— Битта маймунжон меваси бир қанча кичик мевачалардан ташкил топган. Унинг ҳар бирида уруғ ва эт бўлади... буни биллиб олинглар. Агар тушки овқатни емасаларинг, таъзирларингни беришади,— деб огоҳлантирдим Ромашкаларни.

— Тушки овқатни еймиз, албатта еймиз!

...Бувилари бизни эшик олдида кутиб олди.

— Сизларни кутавериб кўзим тўрт бўлди. Овқатим пишгани қачон эди. Сизлардан эса дарак йўқ.

— Бувижон, қаранг, биз қанча мева йиғдик! Қийём пиширишга ҳам, пирогга солишга ҳам етади,— деди Рома мева тўла идишни бувисига узатаркан.

## РОМАШКАЛАР УЙЛАРИГА ҚАЙТИШ УЧУН ЙУЛ ҚИДИРГАНЛАРИ

Ромашкалар билан ўрмонда қанча сайр қилмайлик, бари бир улар адашиб қолишдан қўрқишарди. Айниқса, Маша жуда қўрқарди. Улар орқамдан изма-из келишарди. Ўрмонда адашмасликни ўргатиш вақти келди, деб ўйладим.

— Ромашкалар! — дедим уларга.— Уйимиз қайси томондалигини биласизларми?

— Йў-ўқ,— қўрқиб кетди Маша.— Нима, адашиб қолдикми?

— Қўрқма! Боцман йўлни билади. Тўғрими, Боцман? — Ромка итнинг бошини силади.

— Боцманга ишонгин-у, лекин ўз билганингдан қолма! Шундай матални эшитганмисизлар?

— Биламиз...— жилмайишди Ромашкалар.

— Билсаларинг, унда ўрмон йўлларини эслаб қолишни ўрганамиз.

— Қандай қилиб? Қачон? — мени саволга кўмиб юборишди Ромашкалар.

— Кечаси ётиб ухла, эртаси туриб сўйла, дейишадди. Эртага бошлаймиз.

Тонг ҳам отди. Биз машғулоти бошладик.

— Ромашкалар, диққат қилинг! Юрган йўлингизни эслаб қолинг...

— Бу ердан маймунжон тергандик,— эслади Маша.— Ушанда мен бир кружка йиғувдим. Эсингиздами?

— Бўлмасам-чи, бўлмасам-чи! Албатта эсимда. Сен уни бувингга олиб борувдинг.

— Энди мана бу иккита қайин дарахтини эслаб қо-

линг. Улар йўл ёқасида турибди. Узоқдан кўринади. Бундайини бутун ўрмонни ахтариб ҳам тополмаймиз, қаранг, улар бир-бирига ёпишиб ўсибди, — болаларнинг эътиборини унга қаратдим.

Йўлда давом этдик.

— Ана, чумоли ини! — Болалар югуриб кетишди.

Чумоли ини — бизнинг кузатув объектимиз (уни Ромашкалар билан шундай атадик). Тез-тез келиб чумолиларнинг ҳаётини кузатамиз. Ромашкалар чумолиларга оқ қанд олиб келишни ҳеч эсдан чиқаришмайди. Уни чумоли ини ёнига қўйиб, ўзимиз сайр қилгани кетамиз, қайтиб келиб қарасак — қанд йўқ. Демак, зиёфатимиз уларга манзур бўлибди.

Яна бир оз олдинга юрдик, кейин болаларга:

— Энди, болалар, Боцман иккимизни уйга бошлаб боринглар, — дедим.

— Сиз айтиб қўйманг, фақат.

Чумоли ини... тўнка — унда бир оз ўтирган эдик... йўлдаги қайин дарахтлари... маймунжонзор... Ва биз уйдамыз.

— Балли, болалар! Энди йўлни қуёшга қараб аниқлашни ўргатаман. Ахир қуёш йўлни аниқлашда энг ишончли ориентир. Қуёш ҳозир қай томонда? — деб сўрадим Ромашкалардан.

— Қуёшми? Уйимиз устида, — жавоб қилишди Ромашкалар.

— Энди диққат билан эшитинг. Агар биз уйимизга қарасак, унда қуёш нури тўппа-тўғри кўзимизга тушади. Агар ўрмонга қарасак, унда қуёш гарданимизни иситади. Тўғри айтяпманми, Рома?

— Тўғри, — деди Рома ва тўрт томонга ўгирилиб, гоҳ гарданини, гоҳ бурнини қуёшга тўғрилай бошлади.

— Ўрмонга борганимизда қуёш орқамизда бўлади. Уйга қайтаётганимизда эса, қуёш юзимизга тушади. Фақат бу ерда битта мураккаблик бор. Эҳтимол ўзингиз сезгандирсиз, қуёш бир жойда турмайди, осмон бўйлаб юради. Эрталаб дарё томондан кўтарилиб чиқади, туш пайтида уйимиз устида бўлади, кечки пайт эса ўрмон ортига яширинади. Демак, ўрмонда узоқ вақт қолиб кетсак, қуёш жойини ўзгартириб, ҳатто қайтаётганимизда унинг нури фақат ўнг кўзимизга тушиши мумкин. Ҳаммасига тушундингларми?

— Тушунишга-ку тушундик. Фақат уйга йўлни қандай топамиз? — ишонқирамай деди Рома.

— Топасиз, албатта топасиз! Ҳаво очиқ пайтида қуёш сизга панд бермайди.

\* \* \*

Урмон йўлини эслаб қолиш ва қуёшга қараб аниқлашни тушуниб олдингизми? Албатта буни билиб олиш ҳаётда керак бўлади...

Урмонда адашиб қолмасликнинг яна қандай усуллари бор?

Агар билмасангиз катталардан сўраб билиб олинг.

## ТУ-ТУ-ТУ

Ромашкалар билан менинг эски танишимиз — забардаст эман дарахтимиз бор. Ромашкаларнинг гапича, у минг ёшда. Аммо менимча дарахт икки-уч юз ёш атрофида бўлса керак. Ялангликнинг қоқ ўртасида савлат тўкиб турибди. Унинг шохлари нималарни яшириб, кимларга бошпана бўлмайди, кимларни боқмайди дейсиз!

Биз унинг «оёғи» остига ўтириб, барглар шилдирашига, қушлар қўшиғига қулоқ соламиз: баъзида шохлар орасида олмахоннинг думи кўриниб қолади, сичқон лип этиб кетади. Маҳаллий аҳолининг гапига қараганда, куз пайтида эманга ёввойи чўчқалар ҳам келиб, ёнроғини маза қилиб ейишаркан.

— Эшитяпсизларми, мушук миёвляяпти,— деди бирдан Маша, тушки иссиқдан қочиб эман соясида ўтирганзимизда.

— Уф, бу Васька-ку. Яна қушларни овляяпти!— деб жаҳли чиқди Ромканинг.

— Бу унинг овози эмас.— Васянинг ёнини олмоқчи бўлдим.

— Йўқ, бу ўша,— деб эътироз билдирди.

Шу пайт рostaкам мушук овози эшитилди.

— Айтдим-ку,— хурсанд бўлиб кетди Ромка.

Биз овоз чиқаётган дарахт олдига келдик ва Васькани кўрдик. У шохга осилиб турганча жон-жаҳди билан миёвларди. Қайин шохидан эса бошқа товуш эшитиларди, бу ҳам мушукникига ўхшарди. Ромашкалар ҳеч нимага тушунмай менга қарашди.

— Бу бақираётган зарғалдоқ. Унинг уяси шу яқин атрофда бўлса керак, шундан у безовта бўляпти.— Тўсатдан мушук осилиб турган шох қаттиқ тебраниб кетди ва... Васька чинқирганча ерга шалоп этиб тушди. Айри бутоқда иккита ингичка шохчага ўрнаштириб қўйилган уяни кўриб қолдик.

— Уя! Уя! Қаранг! — қувониб кетишди болалар.— Худди саватга ўхшайди.

— Усталик билан ясаб, яшириб қўйганини қаранг.

Дарров кўзга ташланмайди. Васькага раҳмат — у бизга ёрдам қилди. Энди сал нарироққа ўтайлик, эҳтимол, эгалари келиб қолар.

Узоқ кутмадик.

Аввалига қанотлари ва думи қора, қолган ҳаммаёғи сап-сариқ нари учиб келди. Ундан кейин кўкрак томони ола-була ялтироқ ва орқа томони яшил бўлган модаси учиб келди. Ғазабланиб, ҳаммаси жойидами деб текшириб кўришди ва яна учиб кетишди.

— Қандай чиройли-я! — ҳайратланишди Ромашкалар.— Катталигини қаранг!

— Чумчуқдан ва ҳатто чуғурчуқдан ҳам бир оз каттароқ. Сизлар чуғурчуқни кўрганмисизлар?

— Баҳорда кўрган эдик. Дадамлар дарахтга чуғурчуқ уясини осиб қўйдилар, улар учиб келишди, ойнадан уларни кузатганмиз.

— Қани айтинг-чи, зарғалдоққа қараганларингда дастлаб кўзингизга нимаси ташланди?

— Ҳаммаёғи сап-сариқ, думи билан қанотлари қоп-қора бўлган қушча, — жавоб қилди иккалалари учун Маша.

— Демак, қуш патларини сездингиз. Унинг овозини эслаб қолдингизми?

— Мушукниккига ўхшайди. Ёқимсиз.

— Баҳорда сен бундай демовдинг, Рома! Нарининг овози най овозига ўхшайди — ту-ту-ту, ту-ту-ту. Мен унга ўхшаб чиройли қилиб сайрай олмайман. Қани, айтинглар-чи, яна нимани сездинглар? Масалан, тумшуғи қанақа экан?

— Тумшуғини кўролмадик. У жуда тез учиб кетди.

— Зарғалдоқ — жуда эҳтиёткор қуш. Омадимиз келди, деб ҳисоблайверинг. Қушларни кузатиш жуда қийин. Бунинг учун эътиборли, чидамли, ҳушёр бўлиш ва яна қушларни кузатишни билиш зарур.

— Қандай қилиб? Биз ўрганмоқчимиз,— Романинг кўзи чақнаб кетди.

— Бу ҳақда мавруди келганда сўзлаб бераман. Ҳозир эса сизлар бориб қушларнинг...

— Қушларнинг расмини чизамиз-а? Топдимми?

— Топдинг. Кейин чизган расмларингни биргалашиб кўрамиз. Розимисизлар?

— Албатта розимиз!

\* \* \*

Зарғалдоқнинг нари билан модасининг фарқи нимада? Уларнинг қайси бири сизга кўпроқ ёқди? Нима сабабдан? Диққат билан қаранг, уларнинг тумшуги қандай экан. (Узунми ёки калтами, энлими ёки энсизми?)

Улар қандай сайрашини эслаб қолдингизми? Бу қушлар баҳор пайтида қандай товуш чиқаришларини бир неча бор қайтаринг.

Найдан қандай товуш чиқишини эшитганмисиз? Яна қандай қушларни биласиз? Номини айтинг.

## РОМАШКАЛАР ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҚУШЛАРНИНГ РАСМИНИ ЧИЗГАНИ

— Қани, рассом-анималистлар, ишлар қалай? — сўрадим Ромашкалардан эртаси куни.

— Ишларми? Яхши. Бизларни ким дедингиз? — тушунмасдан сўради Ромка.

— Сизлар — рассом-анималистлар. Ҳайвонлар тасвирини чизувчи одамлар шундай деб аталади. Эҳтимол, рассом анималист В. А. Ватагин ҳақида эшитгандирсиз? Йўқми? Унда эшитинг. У ёшлигидан табиатни севган, ҳайвонлар ҳақида кўп нарса билган, уларнинг қилиқлари, хусусиятларини кузатган ва расмларини чизган. Ҳайвонот боғига бориб турли хил ҳайвонларнинг расмини соатлаб чизиб ўтирган.

— Биз ҳам олдин кузатдик, кейин расмини чиздик.— Ромашкалар ўзлари чизган расмларини менга узатишди.

— Энди анча тўғри чизилибди! Ҳам чиройли. Мана, майсалар, буталар, турли хил дарахтлар...

— Мана, капалак. Буниси шомкапалак,— тушунтирди Маша.



— Кўряпман, кўряпман. Фақат мана бу барглар орасига яшириниб олган нима эканини тушунолмаёпман.

— Бу ахир, қурбақа-ку, барг рангида-да,— Рома ҳатто бир оз хафа ҳам бўлди.

— А-а... Унда ҳаммаси тушунарли.

— Зарғалдоқнинг расмини чиздим,— сабри чидамасдан деди Маша.— Ухшабдимми?

— Ҳозир кўрамиз. Менимча, ўхшайди. Фақат тумшугини сал каттароқ қилиб чизиш керак. Бундай кичик тумшуқ билан капалак қуртини, унинг устига туклисини ҳеч ушлай олмайди.

— Мен чизган читтакда ҳеч нимани тузатмасам бўладими? — Хавотирланиб сўради Рома.

— Қайси читтакда? — қайтариб сўрадим.

— Меникида, мен чизган расмда.

— Йўқ, Рома, сендан буни сўраётганим йўқ. Читтаклар оиласи жуда катта. Шунинг учун сендан билмоқчиман, бу қанақа читтак?

Ромка ҳеч нимага тушунмади.

— Сен катта читтакнинг расмини чизибсан. Яна узундумли читтак, кулранг читтак ҳам бор.

— Ана холос! Мен буларни билмасдим!

— Ана энди, қандай читтаклар борлигини биласан. Улар бир-бирларидан катта-кичикликлари, патлари, сай-

рашлари, маконлари, қилиқлари билан ажралиб туришади.

— Катта читтакнинг расмини чизганимни сиз қандай билдингиз? — сўради Ромка мени «қўлга туширишга» ҳаракат қилиб.

— Нега билмай! Кўкрак томонини сариқ, бош томонини қора рангда чизибсан-ку. Фақат кўкрагида қора чизиқ — галстукни чизмабсан, лунжини оқ рангда чизиш керак эди. Бошқа ҳаммаси тўғри. Балли, Рома. Аниқ қилиб чизгансан. Бирорта китобда кўрганга ўхшайсан, тўғрими?

— Й-ў-қ. Улар қишда балконимизга учиб келиб ёр чўқилашади. Ушанда кўрганмиз.

— Яхши, жуда яхши!

— Сизлар қайси читтаклар овоз чиқаришини эшитганмисиз?

— Бир сафар чийиллаган эди, — ноаниқ деди Маша.

— Сен, Маша, деярли тўғри айтдинг. Мана у қандай чийиллайди — «пинь-пинь-пинь». Урмонга борганимизда, унинг овозини эшитамиз, қушларнинг ёздаги чийиллаши ана шунақа бўлади. Ахир, қушлар фақат баҳорда, уя қураётганда, оилалик бўлаётганда, болаларни овқатлантираётганда сайрашади-ку. Читтаклар «ци-ци-фи, ци-ци-фи...» деб куйлашади.

— Қушлар нега ашула айтишади? — сўради Маша.

— Сўраган нарсасини қаранг! — кулди Ромка.

— Бекорга куляпсан. Маша тўғри савол берди. Ахир буни сен ҳам билмайсан-ку?

— Биламан. Улар шундай гаплашишади.

— Бу жуда тўғри ҳам, аниқ ҳам эмас. Яхшиси, гапимни эшит! Баҳор келгач, нар читтак уя қуриш, болаларни ўстириш учун ўзига жуфт ахтаради. Мода читтакларнинг эътиборини тортиш учун чиройли қўшиқ куйлайди. Кейин, қуш болалари пайдо бўлгач, баъзи бир қушларнинг қўшиғи ҳам — «Бу ёққа учиб келманглар, бу ер менга қарашли, шу ердан озуқа топяпман», қабилида сигнал ролини ўтайди. Қушларни яна бошқа сигналлари ҳам бор, улар учун бу сигналлар жуда муҳим. Олимлар қушларнинг ва бошқа ҳайвонларнинг тилини ўрганишяпти.

— Бошқа читтакларни қаерда кўриш мумкин? Жуда кўргим келяпти!

— Урмонга борганимизда, албатта, бирорта читтак-



ни кўрамиз. Жуда ажойиб қушлар. Уларнинг расми бор менда, сизларга кўрсатаман.

— Биз ҳозир кўришни истаймиз. Мумкинми?

— Нима ҳам қилардим! Ҳозир бўлса, ҳозир-да!

\* \* \*

Сиз ўзингиз чизган расмни эсингиздан чиқармадингизми? Унда нималарнинг расмини чиздингиз? Ҳеч нимани эсингиздан чиқармадингизми? Текшириб кўринг. Ҳамма читтакларнинг расмига диққат билан қаранг. Уларнинг катта-кичиклигига, тусига эътибор қилинг. Улар бир-бирларидан нималари билан фарқ қилишади? Ҳар бирининг номини эслаб қолинг. Энди кўлингиз билан расмни бекитиб туриб, қайси қуш эканини айтиб беринг.

Катта читтак қандай чийиллайди ва қандай куйлайди? Боғга, ўрмонга борганингизда читтакни кўришга ҳаракат қилинг. Уни кузатинг. Қандай овоз чиқаришини тингланг. Чийиллаяптими ёки куйлаяптими, аниқланг. Қушларнинг овозлари ҳам пластинкага ёзиб олинган. Уларни тинглаб кўринг.

## ҚУТҚАЗИШ КОМАНДАСИ

— Кузьмич бобо! Кузьмич бобо! Хўп денг, аравага минайлик! Миндира қолинг, Кузьмич бобо!

— Дррр, Руслан! Бир оз жим тур! Утиринглар, болалар! — Арава ғичирлаганча яшил йўлдан юриб кетди. Аравада омадли болалар хурсанд ўтиришарди.

Яна қишлоққа жимлик чўкди.

Бундай қарасам, улар югуриб қайтиб келишяпти. Бирор воқеа содир бўлди, чоғи.

— Уер... уерда...

— Шошма, аввал нафасингни ростлаб ол, Рома. Энди гапир.

— Кузьмич бобо бизни ўрмонгача олиб бордилар, аравадан тушдик, улар олдинга кетдилар. Орқамизга қайтаётгандик... Қарасак...

— Уер... уерда... қушнинг боласи уясидан ерга тушиб кетибди. Юринг тезроқ!

— Қуш боласи бўлса, унда бориш керак.

Узоқдан қушнинг хавотирли чирқиллашини эшитдик.

— Мен аниқ кўрдим, бу читтак эмас, лекин овози читтакка ўхшайди,— деди Рома.

— Балли, овозга эътибор бериб яхши қилибсан,— деб мақтадим болани.

— У нима?

— Ҳозир яқинроқ борайлик, қушлар ўзини қандай тутишяпти, кўрамиз, сизлар уларни яхшилаб кузатгач, таърифлаб берасизлар, шундан кейин мен сизга қайси қушлигини айтаман.

— Манави ерда! Эшитяпсизми, чийилляпти? — Болалар турган жойларида қотиб қолишди.

Биз яқинлашган сари қушлар кўпроқ ташвишга туша бошлашди: гоҳ учиб бориб дарахтга қўнишарди, гоҳ яна ерга учиб тушишади.

— Қўрқманглар, қўрқмасаларинг-чи! Биз болаларингизга тегмаймиз! — Ромашкалар ўтнинг орасини очинган эди, у ерда калласи катта қушчани кўрдик. У ўзининг катта, сап-сарик тумшугини очиб, чийилларди.

— Уни уйга олиб кетсакмикан? Уни яхшилаб боқардик! — Маша менга ялингандек қаради.

— Ота-онасидан бошқа ҳеч ким бу ишни кўнгилдагидек бажара олмайди! — дедим қатъий қилиб. — Энди, Рома, дарахтга чиқ. Қани, кел, сени чиқариб қўяман. Мана бундай! Уяни кўряпсанми?

— Кўряпман, думалоқ экан. Вой-бў, бу ерда қуш болалари бор экан... Бирам кичкинаки!

Қушчани Ромкага узатдим, у қушчани эҳтиётлаб инига қўйди. Ота-она қушлар даҳшат солиб чийиллашиб, унинг ҳаракатини кузатишарди.

— Мана сен ўз уянгдасан! — енгил тортди Рома. — Бундан кейин йиқилма! Нимани қутқардик? — Бола тезроқ билишга ошиқарди.

— Нимага келишган эдик? Сизлар қушнинг кўринишини таърифлаб берасиз, мен у қандай қушлигини айтаман. Қани, қулоғим сизда... Унинг катталиги қандай экан?

— Мана бундай,— Маша кафтларини сал кенгайтирди.

— Катталигини ўзинг яхши биладиган чумчуқ, читтак, каптар билан таққосла...

— Унда, чумчуқдек,— аниқлик киритди Маша.

— Энди айтинг-чи, дастлаб кўзингизга нима ташланди?

— Қанотидаги оқ йўллар,— деди Тарас.

— Чиройли жигарранг кўкраги ва думидаги яшил

нимадир. Биттасининг ранги ярқироқроқ, иккинчиси очроқ.

— Булар нар ва модаси. Нар и ялтироқроқ. Ҳозирча тўғри айтилганлар,— деб мақтаб қўйдим болаларни.— Айтилганлар-чи, қушчалар ўзларини қандай тутишди?

— Довюррак қушчалар экан, ҳатто одамлардан ҳам қўрқишмади.— Болалар қушларнинг жасурлигига тўғри баҳо беришди.

— Уларни қайси ўрмонда учратдик?

— Ўзимизникида. Аралаш ўрмонда,— деди Рома.

— Демак... Сиз қизилтўшни кўрдигиз! Энди қушларни аниқлаш учун уларни қандай кузатишни, нималарга эътибор беришни билиб олдингиз.

— Уни аниқлашда бизга ким ёрдам беради? Ёз тугаяпти. Биз уйимизга кетамиз...— деди ғамгинлик билан Рома.

— Биринчидан, «Қушларни қандай ажратиш мумкин», деган махсус китоб бор. Ота-оналарингиз уни тушуниб олишингизга кўмаклашишади. Иккинчидан, ҳайвонот дунёсини яхши биладиган, табиатни севадиган одам албатта топилади ва у сизга ёрдам беради. Бунга аминман!

— Сиз, қушлар баҳорда тухум қўйишади ва бола очади, дегандигиз. Ҳозир эса ёз пайти! Балки қизилтўшлар бундан истиснодир?

— Йўқ, улар истисно эмас. Бу иккинчи марта бола очиши, холос. Кўпчилик қушлар ёзда икки марта бола очишади.

Суҳбатлашиб уйга қайтдик.

— Кечқурун ёмғир ёгса керак,— дедим.

— Қаердан биласиз?

— Эшитмаялганларми? Рю-рю-рю, деб қизилтўш сайраяпти. Ёмғир чақиряпти. Шундай белги бор.

— Биласизларми мен нима ўйлаб топдим! — Рома гапимни шартта бўлди.— Келинлар, қутқазингиз командаси тузамиз. Ўрмонда кимга қандай ёрдам керак бўлса, биз ўша ерда тайёрмиз!

— Ажойиб-ку! — қувониб кетишди болалар.

\* \* \*

Қушларни табиатда қандай кузатиш, нималарга эътибор бериш кераклигини тушуниб олдингизми? Ўзингизни чиниқти-

ринг. Бунинг учун китобдан ўзингиз яхши биладиган қушни танлаб олинг ва уни яхшилаб тасвирланг: аввалига катта-кичиклигини аниқланг (масалан, чумчуқ билан таққосланг), қушнинг энг муҳим белгисини айтинг (рангли кўкси, қанотларидаги йўл-йўл чизиқлар). Кейин қушнинг табиатдаги ҳаракатини кузатинг. Уни тасвирлаб чиқинг. У ўзини қандай тутишини (югуриши, сакраши, юришини) аниқланг.

## КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ

Фотоаппаратимни қўлимга олган ҳам эдимки:

— Суратимизни олинг! — деган таниш овозни эшитдим.

— Сизларни олиш керак бўлса олавераман-да. Бу ёққа келинглари-чи! Мана, тайёр. Ана холос, қушчам ҳам учиб кетди...— ранжиб хўрсиндим.

— Қанақасига у сизники бўлади?

— Мен суратга олмоқчи бўлган қушчани айтдим-да! У ўрмондаги энг митти жонзот — митти товуқдир. Бир галаси учиб келган эди-я!

— Биз бундай бўлади деб ўйламовдик! — ўзларини оқлашди болалар.

— Бўпти, бўпти! Ҳозир текшириб кўрамиз, балки улар ҳали учиб кетишмагандир. Ҳозир дурбинни олай.

— Уҳў! Дурбинингиз жуда зўр эканми.— Ҳайрат ва ҳаяжонининг чеки йўқ эди болаларнинг.

— Бизнинг уйда ҳам дурбин бор. Фақат кичикроқ! — деб эслади Маша.

— Уйларингдаги дурбин балки театрда тугиладигандир. Бу эса дала дурбини, саккиз марта катта қилиб кўрсатади.

— Саккиз марта?

— Мана, ўзинг кўра қол!

Бола дурбинни аста қўлига олди ва кўзига тутди.

— Ҳеч нима кўринмаяпти-ку,— анча жим тургач деди у.

— Ҳечқиси йўқ, кўринади ҳали! Ҳозир кетишимиз керак.

— Бизни озгина кутиб туринг. Бувимизга айтиб қўйлик,— илтимос қилишди Ромашкалар.

— Узоққа кетмаймиз, ҳув анави қарағайнинг ёнига борамиз, холос.

Биз йўлга тушдик.

— Нега бу йўлдан кетяпмиз? Бунақасига йўл узоқ бўлади-ку! — сўради Тарас.

— Қушларни чўчитиб юбормаслик учун. Табиатда қушларни кузатмоқчи бўлганлар учун махсус қоида бор. Ана шу қоидада: қуш турган томонга тўппа-тўғри бориб бўлмайди, унга яхшиси, ён томондан, шошилмасдан, оҳиста яқинлашган маъқул. Қушни кузатганда қуёшга тескари туриб қаралса, унинг ранги аниқ кўринади, дейилади.

— Вой, бирам кичкина-ки! — деди игнабаргли да-рахтлар орасида чийиллашиб ғимирлаб юрган қушчалар галасини биринчи бўлиб кўрган Маша.

— Ўзи митти-ю, аммо ўрмонга қанча фойда келтиради! Бир кунда уларнинг ҳар бири ўз оғирлигига тенг овқат ейди. Агар одамларда шундай иштаҳа бўлса борми, унда уларнинг ҳар бири кунига 70—80 буханкадан нон истеъмол қилган бўларди. Болаларига овқат ташийдиган қушлар ўз уяларига бир кунда 400 марта келиб кетишади. Сен бўлсанг миттивойлар дейсан!

— Бошқа қушлар ҳам фойдали. Мен биламан! — деди Тарас.

— Тўппа-тўғри! Қушлар — бизнинг дўстимиз. Улар зарарли ҳашаротларни қириб ташлашади ва шу билан ўрмонни сақлаб қолишади. Шундай қушлар ҳам борки, улар фақат ҳашаротлар билан озиқланишади. Улар ҳашаротхўрлар деб аталади. Ўз болаларини ҳам ҳашаротлар билан боқишади. Читтаклар ҳам, қизилтўш ҳам шундай қушлар... Баъзи қушлар эса, масалан, тоғ чумчуқ, тўқай чумчуқлар ўсимлик уруғлари билан тирикчилик қилади. Қизилтўш ҳамда қизилбош чумчуқлар эса ўз болаларини ҳашаротлар билан боқишади. Ҳашаротлар тўқ тутишини билишади шекилли, — деб ҳазиллашдим.

— Қаранг, қаранг! Улар учиб кетишмоқчи! Тезроқ суратга олинг!

— Ниҳоят митти қушнинг фотосурати ҳам бўладиган бўлди,— дедим фотоаппаратимни ғилофига соларканман.

— Энг катта кушларнинг сурати борми сизда? — қизиқсиниб сўради Рома.

— Ҳа, бор, — дедим ғурур билан. — Урмонларимизда яшайдиган энг катта куш — карқурнинг сурати бор.

\* \* \*

Нега кушларни дўстимиз, деймиз? Кушлар турган томонга уларни чўчитмай қандай боришни эслаб қолдингизми? Кушларнинг ёнига сездирмай бориш нима учун керак! Халқимизнинг «Емғир олдидан кушлар сайрамайди», деган нақлининг тўғрилигини текшириб кўринг.

## МИШҚАНИНГ ГАПИГА ҚАРАГАНДА

— Мишқанинг гапига қараганда, дарахтларнинг танасидан тепага ҳам, пастга ҳам югуриб юрадиган, ҳатто сакрайдиган куш бормиш. Нега алдайди? — аччиғланишди Ромашкалар.

— Оббо сизлар-ей! Агар Миша Кришкин бўлса, демак, у албатта алдайдими-а?! Йўқ, бу сафар у рост гапни айтибди. Қани, уни чақириб келинглари-чи.

— Нега улар ишонишмайди? Ростини айтяпман. Уни аравакаш деб аташади, — тасдиқлади Мишка.

— Аравакаш дедингми? Кушларни бундай деб номлашмайди. Наҳотки! — фикрига қўшилмади Ромка.

— У аравакашнинг ҳуштак чалишига ўхшатиб сайрайди, шунинг учун шундай аташган. — Мишка менга қараб қўйди.

— Миша сизларга сўзлаб берган куш, бу фотмачумчуқ. Баъзида уни аравакаш деб ҳам аташади, — дедим боланинг гапини қувватлаб.

— Нега унда фотмачумчуқ дейишади? — деди бир неча марта қайтариб Ромка.

— Қани, ўйлаб кўр! Сенга у ҳақда бир оз гапириб ҳам берай. Эшитганмисан, шундай куш бор.

— Эшитганман. Бу оддий-ку. Бўйинини айлантирадиган куш.

— Топдинг. Кушга хавф туғилса у вишиллаши, бўйинини чўзиши ва айлантириши мумкин. Бунини кўрганларнинг кўпи уни илон деб ўйлашади. Энди топ-чи, нега карқур куш?

— У кар эмас-ку?

— Йўқ, албатта. Қарқур — ўта ҳушёр қуш, унинг ёнига бориб бўлмайди. Аммо нар қушлар сайраб, ўзига шерик топиш учун кўклам қўшиғини куйлаётганида, ҳақиқатан ҳам бир неча дақиқа кар бўлиб, ҳеч нима эшитмайди.

Энди кел, яна фотмачумчуққа қайтамиз. У бошқа қушлар қила олмайдиган қандай ишларни қила олади?

— Урмалаб юради! Ахир у дарахт танасида ўрмалайди-ку! — деди Маша ва бундан ўзи қувониб кулиб қўйди.

— Ақллисан, Маша! Кўпгина қушлар ўз хулқига қараб ном олган, фотмачумчуқ ҳам ана шундай!

— Уни бир кўрганимизда эди! — деб орзу қилди Маша.

— Ҳозир, афсуски, бандман. Балки Миша сизларга кўрсатар? Нима дейсан, Миша, кўрсатасанми?

Миша мағрур ва хурсанд, жавоб ўрнига бўшини лиқиллатиб қўйди.

\* \* \*

Феълига ёки кўринишига қараб ном берилган қушларни ўйланг ва номини айтинг.

## УСТАЛАР

— Қизиқарли бирор воқеани айтиб беринг, — илтимос қилишди Ромашкалар.

— Нима ҳақда гапириб берай? — ўйланиб қолдим.

— Ҳайвонлар ҳақида гапиринг, илтимос, — Маша билан Рома яхшилаб ўтириб олишди.

— Майли. Унда мен бир қуш ҳақида...

— Қуш ҳақида? Қуш ҳам ҳайвонми? — ҳайрон бўлиб сўради Рома.

— Ҳайвон деганимиз бу — тулки, айиқ-ку...

— Кўпгина болалар шундай деб ўйлашади. Аммо бу тўғри эмас. Қушлар ҳам, ҳашаротлар ҳам, балиқлар ҳам, сутэмизувчилар ҳам... хуллас ҳаммаси — ҳайвонлардир. — Ҳозир Ромашкалар қандай савол беришларини сездим ва улардан олдин ўзим жавоб бердим.

— Сутэмизувчилар — бу болаларини ўз сути билан боқадиган ҳайвонлар, тушунарлими?

— Ҳа, ҳа! Тушунарли!

— Урмонимизда шундай бир қуш бор, унга мен бош-қача ҳурмат ва меҳр билан қарайман. Уни ўзимча уста деб атаيمان. «Нега уста?» — деб сўрарсиз, албатта. Қадимда бир ҳунарни қилган одамлар, яъни пойафзал, кийим-кечак тиккан ёки расм чизганлар бир цехга бирлашишган ва ўзларини усталар деб аташган. Улар бир хил тикилган, бир хил рангдаги кийимда бўлишган. Албатта, кичкинагина қора шапкача ҳам кийишган. Барча усталарни шаҳар аҳолиси жуда қадрлаган ва ҳурматлаган, чунки улар ўз ишларини ҳаммадан яхши билишган, ҳаммадан яхши бажаришган. Қайси қушни уста деб айтаётганимни фаҳмладингизми?

— Мен битта қушни биламан, унинг фақат қизил шапкачаси бор, — деди Ромка.

— Хўш, у қанақа қуш экан?

— Мен топдим. Бу қизилиштон.

— Тўппа-тўғри. Аммо қизилиштон фақат шапкачаси билангина бу ҳурматли усталарни эслатмайди. Айниқса, бу қушдаги меҳнатсеварлик менга жуда ёқади. У шундай зўр бериб ишлайдики, ҳатто унинг ёнига жуда яқин бориш ҳам мумкин. Қизилиштон дарахтни шундай зарб билан чўқилаб тешадик, ўша пайтда майда кукунлар ерга сочилади.

Қизилиштоннинг аъзолари ёғоч қурти ва пўстлоқхўр қўнғизларни дарахт пўстлоғи орасидан олиб ейишга мослашган: узун, мустаҳкам ва ўткир тумшуқлари билан пўстлоқни тешади, узун ва ёпишқоқ кертик тили билан эса қурт-қумурсқаларни «овлайди», кучли оёқлари дарахтга бемалол ёпишиб тураверади.

Қизилиштон дарахтдан дарахтга учиб ўтади, дарахт танасидан юқорига кўтарилиб, тумшуғи билан пўстлоқни тақиллатиб синаб кўради. Бир кунда битта қизилиштон юзлаб қурт-қумурсқани йўқ қилиши мумкин.

Қиш пайтида майда қушчалар унинг ёрдамидан фойдаланишади.

— Қанақасига? — тушунишмади болалар.

— Қизилиштон кучли тумшуғи билан қурт-қумурсқаларнинг уруғи яширинган пўстлоқни кавлаб очади, шу пайтда читтаклар, фотмачумчуқлар ҳозир у нозир бўлишади.

Қизилиштоннинг инидан қавак-инда яшовчи митти қушчалар фойдаланишади. Қизилиштон одатда қуруқ дарахтда қавак тешиб, ин ясайди, болаларини ўша ерда улғайтириб, учиб кетади. Келаси йил у ўзига яна бош-



қа янги уя қуради. Эскиси энди унга керак эмас. Бошқа қушларга эса бу тайёр жой! Қизилиштонни ўрмонда йил давомида кўриш мумкин. Сизлар қишда ўрмонга борасизларми?

— Онда-сонда,— ачиниб дейишди Ромашкалар.

— Сизлар тез-тез боришга ҳаракат қилинглр.

— Ҳаракат қиламиз,— деди ўз гапига ишонмай Ромка.

— Ҳозир сизларга шундай топшириқ бераман, уни фақат ота-оналарингиз билан бирга бажарасизлар,— дедим Ромашкаларга.— Қизилиштон ўзи йиққан қарағай ва арча бужурини қиш пайтида қаерда чақади? Уша жойни топинг. Кўпинча бундай жой дарахтнинг синган шоҳи ёки кавакли тўнка бўлади. Қизилиштон бужурларни ўша ерга жойлаб, кейин уриб чақади ва ичидан уруғини олиб ейди. Сўнгра бужури-бор янги жойга учиб ўтади. Пастда эса чақилган бужурлар ғарами пайдо бўлади. Ана шунга қараб унинг қаерда овқатланганини билиб оласиз. Топшириғимни унутмайсизми? — сўрадим Ромашкалардан.

— Йўқ. Албатта ўша жойларни топамиз!

— Яна махсус дафтарга қизилиштон бужурларни сақлайдиган жойларни қайси ойда, кунда кўрганингизни ёзиб қўйинг. Ушангача сиз ёзиш ва ўқишни ўрганиб оласиз.

\* \* \*

Каттакон, гулдор қизилиштонни фақат диққат билан кузатинг. Унинг оёғига, панжаларига, думига, тумшугига эътибор қилинг. Айтинг-чи, унга ишда нима ёрдам беради?


Нега қизилиштонларни уста деб аташади? Махсус дафтар тутиб, унга ота-онангиз билан бирга кузатганларингизни ёзиб боринг.

## ҚУНГИЛСИЗ ВОҚЕА

— Рома, Маша! Қансизлар?! — бувининг хавотирли овози эшитилди.

— Бирор гап бўлди, Матрена Тимофеевна? Балки ёрдамимиз керакдир?

— Битта жўжани топа олмаяпман. Невараларим ҳам қаёққадир ғойиб бўлишибди. Қаерларда санқиб юришибдийкин?



— Буви, биз шу ердамиз.

— Қани, жўжаларни санаб кўрларинг-чи, балки, мен адашдиммикан!

— Чип, чип, чип,— чақира бошлади Маша.

— Бир, икки, уч... Саккиз, тўққиз... тўққизта. Энг кичкина чипори йўқ. Қаёққадир қочиб кетибди,— хафа бўлиб деди Рома.

— Эҳ, ярамас! Яна у ўз билганини қилибди-да? Сен қаёққа анграйиб турувдинг? — товукни уриша кетди буви.— Сен уларнинг онасимисан ёки онаси эмасмисан?

— У деганингиз ким, буви? Васька мушукми?— Рома тушунмади.

— Қирғий!

— Қирғий?! — ҳайрон бўлишди болалар.— Шу ерга учиб келдимиз? Тўппа-тўғри уйимизга-я?

— Биринчи марта эмас ахир! Қанча жўжани олиб кетди! Анави қўшнимиз ҳам унинг дастидан дод деяпти. Уни қўрқитиб ҳам кўрдик, у бўлса пинагини ҳам бузмади, шунақа ярамас у...

— Сизникига-чи, Матрена Тимофеевна, қарчиғай учиб келган. Йиртқич қуш, асосан кемирувчилар, майда қушчаларни тутиб кетади.

— Қушларга одамни раҳми келади,— деди Маша.— Эсиз жўжагинам!

— Ачинарли, албатта, аммо қирғийлар асосан касал қушларни ов қилади, чунки уларни ушлаш осон, аммо соғлом қушлар ҳам унинг панжасига тушиб қолади. Қалхатлар эса асосан ўлимтик қушлар билан овқатланадилар. Улар худди гўрков-қўнғизлар қилган ишларни бажаришади. Қалхатлар ўлган ҳайвонлар жасадини «кўтариб» кетиб катта фойда келтиришади. Ўлган ҳайвонлар чириб, юқумли касал тарқатиши мумкин... Қарчиғайга ўхшаш қуш — сор бўлса бошқа йиртқичлардан фарқ қилади. Овози жуда мунгли. Бамисоли, бир нима сўраётгандек илтижо қилиб қичқиради. Шунинг учун унга ана шундай ном беришган.

— Агар уни кўриб қолсак — дарров жўжаларни саройга ҳайдаймиз! — дейишди болалар!

— Жўжалар учун сор хавфли эмас! Яхшиси, уни диққат билан кузатинг!

• • •

Китобда йиртқич қушларни кўрганингизда, уларнинг катта-кичиклигига, тумшугининг шаклига, оёғига, панжаларига эътибор беринг. Қарчиғай билан чағалоқнинг қанотларига қаранг.

## ҚУШЛАР КАЛЕНДАРИ

Бир куни Ромашкалар меникига кириб қушлар календарларини кўриб қолишди ва бир соат қолиб кетишди.

— Қушлар календари, — бўғинлаб ўқиди Маша. — Бу қанақаси?

— Қизиқми?

— Жудаям, лекин тушунмайпман, — деб ростини айтди Ромка.

— Энг муҳими, қизиқарлилиги. Тушунмаётган нарсангизни айтиб бераман. Қани, яқинроқ келинларчи. Билсангиз керак, — дедим гап бошларканман, — кўпгина қушларимиз куз пайтида иссиқ, емиш мўл бўлган узоқ ўлкаларга учиб кетишади, баҳорда эса яна қайтиб келишади. Мен шу — қушларнинг учиб кетган ва учиб келган кунларини ёзиб қўйишга аҳд қилдим. Қани, қайсингиз биринчи устуннинг биринчи сўзини ўқий оласиз.

— Мен ўқий оламан, — деди Маша. — Зағчалар.

— Тўғри. Зағчалар биринчи бўлиб учиб келади. Зағ-

чаларнинг учиб келиши баҳорнинг бошланиши ҳисобланади. Шу сўздан кейин рақамлар келади. Уларни сизларга ўзим ўқиб бераман. 1980 йил 17 март. Бу нима дегани, биласизми?

— Демак, зағча 1980 йил 17 март куни учиб келган,— шарҳлади Рома.

— Тўғри, энди буёғини эшитинг. 1981 йил 19 март, 1982 йил 17 март.

— Ҳў! Қанчалик аниқ! Худди календардагидек-а!

— 17 март зағчалар учиб келадиган кун ҳисобланади. Лекин, албатта қушлар сал олдинроқ ёки бир оз кечроқ учиб келиши ҳам мумкин. Бу об-ҳавога боғлиқ. Аммо қушларнинг учиб келиш навбати доим бирдай бўлади. Зағчадан кейин қайси қуш учиб келади?

— Чуғурчуқлар,— деди Рома.

— Тўғри. Чуғурчуқлар. Улар зағчалардан сўнг учиб келишади. Қайси кунни ёзган эканман? Қарайлик-чи: 30 март, 1 апрель, 30 март. Улардан кейин қизилтўшлар учиб келади: 2 апрель, 4 апрель, 2 апрель.

— Кел, биз ҳам баҳорда шундай календарь тузамиз?! — деди Рома опасига.

— Баҳорни кутиб нима қиласизлар? Календарни августнинг охири, сентябрь ойининг бошидан тутиш мумкин.

— Албатта тузамиз, алдашади деб ўйламанг,— дейишди Ромашкалар.

— Қушларнинг учиб кетиши ҳақида гапиряпман. Ўзингиз яшаётган шаҳар, қишлоқдаги қушларнинг учиб кетишига эътибор беринг. Август ойининг охирларидаёқ узунқанот қалдирғочларни кўрмайсиз. Сиз уларнинг қайси ой, кунда учиб кетишганини ёзиб қўйинг. Узун — қанот қалдирғочлардан кейин қалдирғочлар, чуғурчуқлар учиб кетишади. Фақат ҳеч бирини эътиборингиздан четда қолдирманг. Лайлақларнинг учиб кетаётганини ҳатто шаҳардагилар ҳам кўриши мумкин...

— Мен қишда ҳам учиб кетаётган қушларни кўрганман,— деди Маша.

— Сен ҳеч қаерга учиб кетмайдиган қушларни кўргансан. Читтаклар ҳам, чумчуқсимон қушлар ҳам, қизилиштонлар ва тўқайчумчуқлар ҳам шундай қушлар. Тўқайчумчуқлар ҳатто қишда бола очишади.

— Қишда-я? Бола очадими? — ишонишмади болалар.

— Қушлар учун энг муҳими, овқат, совуқдан улар қўрқишмайди. Тўқайчумчуқлар болаларини игнабаргли

дарахтлар уруғи билан боқади. Уруғ эса қишин-ёзия тўлиб-тошиб ётади!

— Снегирь бўлса бизга қиш пайтида учиб келади. Бу қушни қишда кўрганмисизлар?

— Чиройли қушча, мағрур! Менга жуда ёқади,— деди Маша.— Лекин нега у қишда келади?

— Снегирлар бизга совуқ шимолдан учиб келишади. Демак, бизнинг ўлка — улар учун иссиқ мамлакат ҳисобланади.

— Бу ерда яна тушуниб бўлмайдиган қандайдир соат ҳам бор экан,— болалар бир оз чарчашди шекилли бир гапдан иккинчи гапга ўтиб кетишаверди.

— Бу қушлар соати. Сиз эрталаб нечада уйғонасизлар? — илмоқли савол бердим Ромашкаларга.

— Маша саккизда, мен эса еттида тураман,— виқор билан деди Ромка.

— Еттида! Уйқучи экансизлар! Мана қизилдум чумчуқ икки яримда уйғонади, ундан кейин сўфитўрғай туреди, соат учда — какку қуш, зарғалдоқ, читтак, тоғ чумчуқ, уч яримда эса — қизилтўш, тўртда — чуғурчуқлар. Чумчуқлар эса ухлашни яхши кўришади. Соат бешда уйқудан туришади. Сизларга ўхшаб улар ҳам уйқучи.

— Соат бешда уйғонса — қанақа уйқучи бўлади. Бу инсофдан эмас,— чумчуқларнинг ёнини олди Маша.



Ота-онангиз билан бирга қушларнинг учиб келиши ва учиб кетишини кузатинг. Уз кузатувларингиз асосида қушлар календари тузинг. Биз тузган календарни давом эттиринг. Сиз қиш ва куз ойларида қушларга овқат берасизми? Овқат қўядиган жойингиз борми? Агар бўлмаса кузгача уни ясанг ва деразангизга илиб қўйинг. Кузатинг-чи, унга қайси қушлар учиб келишади.

## ГУЛ СОАТ

— Буви, қачон овқат еймиз? Қорнимиз бирам очиб кетдики! — деб зорланишди Ромашкалар.

— Бир озгина сабр қилинглар, картошка пишсин. Унгача ўйнаб, соат иккида келинглар.

— Соат икки. бўлганини қандай биламиз? Соатимиз йўқ-ку?!

— Момақаймоқ айтиб беради.  
— Сиз биздан куляпсиз, бувижон, лекин қорнимиз чиндан очиб кетди.

— Кулаётганим йўқ, ростини айтяпман. Ана, рўпараларингда момақаймоқ ўсиб ётган дала. Кўряпсизларми? У қандай рангда кўриняпти?

— Сап-сарик,— деди Ромка.

— Олтинсимон,— деди Маша.

— Тўғри, роппа-роса соат иккида у яшил тусга киради. Момақаймоқ гули шу пайт ёпилади — яъни уйқуга кетишади. Биз эса овқатлангани ўтирамиз.

— Сиз ҳазиллашмай, рост айтяйсизми? — ишонқирамай сўрашди Ромашкалар.

— Сизлар синаб кўринглар, текширинглар...

Бир оз вақт ўтгач опа-ука ҳаллослаганларича келиб қолишди.

— Буви! Буви! Момақаймоқлар ёпилиб қолди!

— Жуда соз. Демак, тушки овқат вақти бўлди. Овқат пишди. Қўлларингни ювинглар, кейин дастурхонга марҳамат.

— Аввал соатга қарамоқчимиз.

— Майли, қаранглар!

— Иккидан ўн минут ўтибди. Буниси зўр бўлди! Момақаймоқ — соат! Болаларга айтсак, сира ҳам ишо-нишмайди!

— Утиринглар, ўтиринглар,— шоширди уларни буви.— Қарам шўрва совуб қолади.

— Буви, момақаймоқ ҳақида қаердан билиб олгансиз? — суриштира бошлади Ромка.

— Буванг билан шу ерга кўчиб келганимизга қирқ йил бўлди. Демак, қирқ йилдан бери шу ўтлоқни куза-таман...

— Момақаймоқлар қачон уйғонишади? — сўради Маша.

— Эрталаб соат олтиларда. Эрталаб уйғотайми? Кўришни хоҳлайсизларми?

— Албатта уйғотинг. Буви, ўйнаб келсак майлими? Тез қайтамиз.

— Боринглар, бора қолинглар, шўх такалар,— деди болаларнинг кетидан бувиси.

— Биз сизга соат икки бўлганини айтиб беришимиз мумкин,— дейишди эртасига менга Ромашкалар мақтаниб.

— Раҳмат. Соатим бор-ку?!

— Соатингиз оддий, бизники момақаймоқ соат.

— Момақаймоқ соат? Бу ҳақда сизга ким гапириб берди?

— Бувимиз. Момқаймоқ эрталаб соат олтида уйғониб, иккида ухларкан. Уз кўзимиз билан кўрдик.

— Қартошканинг гули ҳам худди шу пайтда ёпилади,— эслатдим мен.

— Сиз қаердан биласиз? Бувимиз ўтлоққа қараб, қараб билиб олган эканлар...

— Китобларда ўқиганман. Одамлардан эшитганман. Ўзим кузатганман. Бундан икки юз йил муқаддам машҳур швед олими Карл Линней боғида гул соат ясабди. У шундай гуллардан экибдики, ундан баҳордан то кеч кузгача фойдаланиш мумкин бўлибди. Аммо улар офтобли кунлардагина «ишларкан». Булутли кунда орқада қолиб кетар, яъни очилмас экан. Ёмғир ёққанда эса бутунлай «юрмас» экан.

— Биз ҳам шунақа соат ясаганимизда эди!

— Бўпти. Бунга фақат ўтлоқ ва дала, полиз ва ботқинликлари керак, холос. Лекин аввало гулларни яхшилаб кузатиб, улар қачон уйғонишади-ю, қачон ухлашади, шунга билишимиз керак. Келинг, аввал гул соатнинг расмини чизамиз.

— Бўпти,— севиниб кетишди Ромашкалар.

— Мана сизларга қалам, қоғоз. Мана бу откриткада гулларнинг расми чизилган. Шундай қилиб, саҳар соат 3 билан 4 орасида сачратқи очилади. Аввалига откриткага қараймиз, кейин расми чизамиз. Эрталабки соат 5 билан 6 орасида момқаймоқ, соат роса 6 да — соябонгул, лола, соат 6 билан 7 орасида — дала бўзтикани, картошкагули, соат 7 билан 8 орасида — печакгул, сув нилуфари, соат 8 билан 9 орасида — гулидовуд, соат роса 9 да дала чиннигули, ҳамишабахор уйғонади. Энди гуллар қачон уйқуга кетишини чизамиз. Эрталабки соат 10 да сачратқи, дала бўзтикани, 11 да — томорқа бўзтикани, тушки соат 1 да — дала чиннигули, соат 14 билан 15 орасида картошкагули, момақаймоқ, соат 15 билан 16 орасида ҳамишабахор, соат 16 билан 17 орасида — зиғир, чиннигул, сбат роса 17 да — соябонгул, кўкнор, соат 18 да — сув нилуфари... кеч соат 9 да эса сиз — Ромашкалар ухлайсиз.

## «ҚИЗИЛ КИТОБ»

Йўлда кетаётгандим, қарасам, рўпарамда катта гулдаста қоқилиб-қоқилиб келяпти.

— Вой! — деди гулдаста.— Ҳеч нима кўринмайди. Йиқилишимга сал қолди.

— Бу сенми. Маша? Кутмаган эдим?

— Бу мен! Бу эса ойимларга гулдаста. Энг яхшиларини танлаб олдим,— бидирлади Маша, қовоғимни солиб турганимни сезмай.— Сизга ёқадими? Чиройлими?

— Улар чиройли эди... албатта. Аммо гулларни узишгани ёқтирмайман... айниқса бундай кўп узгани. Улар қисилиб, нафас ҳам ололмайди-ку! Ойинга совға қилмасингдан аввал сўлиб қолади. Кейин бир ўйлагин-чи, ҳар бир одам биттадан гул узса нима бўлади?

— Гул қолмайди,— маънос тортиб деди Маша.— Ўйламабман...

— Ана шу-да, гул қолмайди. Атрофга қара, қандай гўзал! Шу гўзаллик йўқолади! Тўғримми?

— Жуда тўғри,— қўшилди Маша.

— Демак, кейин кеч бўлмаслиги учун ҳар биримиз бугундан бошлаб табиатни асрашимиз керак. Бундан ташқари у «Қизил китоб»...

— Қизил? Эҳтимол жуда чиройлидир?

— Тўғри айтдинг, рус тилида қизил деб жуда тантанали, чиройли нарсалар аталади. Масалан, Қизил майдон, қизил бурчак. Аммо ҳозирги шароитда китобга бундай ном берилиши бемисл хавфдан дарақдир. Тамоман йўқолиб кетиш хавфи туғилган баъзи турдаги ҳайвон ва ўсимликлар ҳақида одамларнинг ташвишга тушаётганини билдиради. Бу китоб биласанми, қандай номланган?

— Йўқ, билмайман!

— Бу: «Ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи пайдо бўлган ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари китоби — СССРнинг «Қизил китоби», деб аталади.

— Демак, ҳайвонлар ҳам йўқолиши мумкинми? — Маша шундай бўлиши мумкинлигини ҳеч кўз олдига келтиролмасди.— Нима учун?

— Яқинларгача одамлар баъзи ҳайвонларни зарарли ва хавфли деб ҳисоблашарди. Мисол учун, йиртқичлар гуруҳига чўл бургутлари, бойқушлар, бўрилар кирарди. Аммо тезда бундай қилиш табиатда мувозанатнинг бузилишига олиб келишини тушунишиб қолишди...

— Табиатда мувозанатнинг бузилиши деганингиз нимаси?

— Диққат қилиб эшит — ҳаммасини тушуниб олсан. Вақт ўтиши билан одамлар йиртқич қушларни йўқ



қилиш натижасида қишлоқ хўжалигига катта зиён етказадиган юмронқозиқ, олмахонларнинг кўпайиб кетишига сабаб бўлишини тушунишди. Қашқир қириб юборилгани туфайли буғулар кўпайиб кетди ва улар жуда кўплаб ўрмонларни хароб қилишди. Ундан ташқари қашқирлар ўрмон санитарлари ҳам ҳисобланади. Ахир, ўрмон санитарлари қандай муҳим ишларни бажаришини биласан-ку!

\* \* \*

Нима сабабдан ҳайвонлар ва қушлар ўзларининг муҳофаза қилинишига муҳтожлар?

Ҳайвонларни фойдали ва зарарли деб гуруҳларга бўлиш тўғрими?

Сиз табиатни асраш бўйича нима ишлар қиляпсиз?

## КАШФИЕТ ҚУВОНЧИ

(Катталар учун)

Баҳор билан ёзни вужудга келтиришда Замин узоқ вақт сарфлади. У бундайин ёндирувчи бахтдан толиққанда оғушига ўзининг сокин, сассиз қўшиқлари билан куз кириб келди. Куз Заминнинг сўнги рангларини совуқ иқлимларнинг жунжиктирувчи нағмалари ила сийлаганига қарамай улар бир неча ҳафта ёрқин оловланиб турдилар. Ҳар йили куз фаслида мовийлиги сўниб бораётган осмонда сокин қанотларини силкитиб турналар арғимчоқ солиб учиб ўтади...

А. С. СЕРЕБРОВСКИЙ.

Болаларни ҳайвонот дунёси билан таништиришни ҳашаротлардан бошлаган эдик. Сутэмизувчилар билан тугаллаймиз. Китобимизда болалар ўқиган китобларида кўрган, эҳтимол табиатда ҳам учратган ҳайвонлар билан учрашади. Тўғри, сутэмизувчиларнинг аксариятини, жумладан қашқир, тулки, оқсувсар, бўрсиқ, буғу кабиларни ҳам кўриш жуда осон эмас. Уларнинг ўрмонда борлигини фақат синчков, зийрак, билимдон одамгина сезиши мумкин. Қиш пайтида сутэмизувчиларнинг борлигини уларнинг изидан, баҳор ва куз пайтида эса дарахтларга илиниб қолган тутам-тутам жун ёки тоғтеракнинг кемирилганидан, ағдарилиб ётишидан билиш мумкин.

Мактабгача ёшдаги болалар, албатта, тулкини ҳам, қашқирни ҳам, типратиканни ҳам, олмахонни ҳам биледи... Бу ҳайвонлар ҳақида эртақлар, ҳикоялар ўқишган, баъзилар эса бу ҳайвонларни кўришган ҳам. Аксари ҳолда у ёки бу ҳайвон билан учрашган болалар қуйидагича саволлар беришади: «У қаерда яшайди?», «Нималарни ейди?», «Болаларни қандай овқатлантиради?». Ана шу саволларга китобимизда жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Тўғри, биз кўпгина ҳайвонлар ҳақида гапирмаганмиз. Ахир, энг муҳими, болада савол туғдириш, атроф-муҳитга диққат билан қарашга ўргатиш, эътиборини у билан ёнма-ён яшаётган «нотаниш-танишлар»га қаратиш лозим. Уларнинг тақдири кўпинча хулқатворимизга, табиатга муносабатимизга боғлиқ бўлади.

«Ҳайвонлар ҳақида» китоб ўқиган ва эҳтимол шу китобни ўқиб чиққан болалар биолог бўлиши шарт эмас.

Улар янги шаҳарлар бунёд этишади, заводлар қуришади, болаларни тарбиялашади. Агар улар ўша ишларни табиатни сеувчи, унинг тақдири ҳар биримизнинг қўлимиздалигини тушунувчи кишидек бажаришса, ўйлайманки, қўлингиздаги ва шунга ўхшаган китобларда қўйилган вазифалар ижобий ҳал этилади...

Ёз ҳам ўтади, совуқ шамол эса бошлайди. Ёмғир бошланса, диққатни ошириб, бутун кунбўйи ёғади. Бундай қарасангиз қайин, арғувон, қайрағоч дарахтида биринчи сарғайган барглар пайдо бўлади... «Куз келди», дейди ҳамма. Ҳазонрезлик пайт табиатнинг гўзал кўриниши. Болаларда бу пайтда қанча саволлар туғилади: «Нега ҳазонрезлик пайт бўлади?», «Нега барглар сарғаяди?»

Бу саволларга жавоб бериш, ҳаммасини тушунтириш лозим: барглар ўсиб чиққан жойида пўкак қатлам пайдо бўлиши, шу туфайли барг енгил узилишини кўрсатиб, кузги баргларнинг ранги нимага боғлиқ эканини сўзлаб бериш лозим.

Ҳар куни кашфиёт содир бўлади. Болалар ўсимликлар ҳаракатланиши, саёҳат қилиши мукминлигини билдиб олади. Шамол кўтарган момақаймоқ оқ парашютдек учади. Маймунжон янги ерларга судралиб боради: қипқизил меваси эгилиб тушган тупдан турли томонга иллар мўйлов сингари тарқайди. Ана шу мўйловларнинг учидан аввало куртак чиқади, ундан эса тупча пай-

до бўлади. Кейин тупча ерга илдиз отади ва янги жойда янги ниҳол ўсиб чиқади.

Болалар турли хил тошларни, чиғаноқларни, уруғларни йиғишни яхши кўришади. Бундай «эркин» ҳолда йиғишдан минераллар, гербарийлар коллекциясини тузиш мумкин. Бундай биргалашиб қилинган иш болаларнинг билиминигина ошириб қолмай, яна уни батартиб, меҳнатсевар бўлишига, бошланган ишни охирига етказишга ўргатади.

Гербарий яшаш учун бир неча маслаҳат берамиз. Барглар ва ўсимликларни қуритишда китоб ва журналлардан ҳеч қачон фойдаланманг. Ўсимликларни иккита тахта ёки фанер орасида қуритиш ўнғай. Тахтача устига 4—5 қават газета қўйиб, устига баргларни тахлаб чиқилади. Кейин унинг устига яна қоғоз ёпилади ва тахтача қўйиб, оғир юк бостирилади. Тайёр бўлган нусхаларни эҳтиётлик билан қалин қоғозга тикиб чиқилади. Топган уруғингизни энг яхшиси гугурт қутичаси ичида сақланг. Ҳар бир қутичага расм чизинг, у ёзув ўрнини босади.

Куз фасли келаётганини билдирувчи бошқа белгиларни айтиб беришни болалардан илтимос қилинг. Кўпинча улар қушлар учиб кетганини, кун қисқа, тун эса узайганини айтишади. (Нега шундай бўлганини болаларга, албатта, тушунтириб беринг). Бу, табиийки, энг муҳим белгилар бўлиб, уларни мактабгача ёшда бўлган деярли барча болалар билади. Аммо яна бошқа белгилари ҳам борки, уларни топиш, сезиш, эслаб қолиш зарур. Кузги ўрмон овози, унинг ҳиди, ўсимликларнинг меваси ва уруғи қандайлигига, улар ҳар хил эканликлари, ҳаракат қилишларида турли хил ва «айёрона» мослашувга эга эканликларига болалар эътиборини тортиш керак.

«У роса кузатувчан бўлиб қолибди, ёз пайтида жуда кўп нарса ўрганибди, бўйи ҳам ўсиб, офтобда чиниқибди...» — деб ўйлайсиз болаларингизга қараб. Ишонинг, унинг бундай бўлишида сизнинг хизматингиз бор, қизиқишингиз, дўстона иштирокингиз ва қизиқувчанлигингиз ёрдам берди!

Кузда болалар боғчага ёки мактабга боришади. Ташвиш, югур-югур кўпаяди. Аммо ўрмон сизга ҳали таниш бўлмаган ўз ҳаёти билан яшайди, деразангиз ортида қушлар совуқ қотиб дон ахтаради, шуни унутманг...

## ЭНДИ БУНДАЙ ҚИЛМАЙМАН

Ҳаво айниди. Ёмғир томчилай бошлади. Урмон усти-ни оқ булут қоплади. Яхши кунлар ўтиб кетди, ўйла-дим ўзимча, куз ҳам келди. Шаҳарга жўнаш пайти яқин-лашди. Аммо ҳеч кетгим йўқ! Ромашкаларнинг ҳам эҳ-тимол, кетгилари йўқдир. Айтганча, улар биринчи мар-та мактабга боришади-ку!

— Ромашкаларни кўриб келгани бормаймизми-а, Боцман? — дедим.

Боцман ҳатто ўгирилиб ҳам қарамади, чунки пишил-лаб ухларди. У ёмғир ёққанини ёқтирмасди. Печка ёни-га биқиниб, кунбўйи ухларди.

— Боцман! — чақирдим итни. — Етар ухлаганинг! Буёққа кел! — Боцман керишиб, эснади: «Нега уйда ўтиргингиз келмайди?» — деган таънани уқдим унинг қарашидан.

— Юр, юр. Ёмон ҳаво бўлмайди... — плаш билан эти-гимни киярканман дедим бўш келмай. — Бу ердан узоқ эмас.

Тезда Ромашкаларнинг уйига етиб келдик.

— Кирсак майлими?

— Киринг, киринг! — деди хурсанд бўлиб Матрена Тимофеевна. — Рома, Маша, қаранглар, уйимизга ким келди!

— Қўзиқоринли пирог пиширганмиз. Еб кўринг!

— Раҳмат. Йўқ демайман.

— Боцман, мана сенга қанд! Егин! — Рома итга ши-ринлик узатди.

— У қанд емайди. Сабзи бўлса жон деб ейди.

— Боцман, сабзи ейсанми?

У таниш сўзни эшитган заҳоти думини ликиллатди: қизиқ, шунга ҳам сўрайдими? Аммо тўсатдан Боцман-нинг юнглари хурпайиб, бўғиқ ириллади. «Қимга бун-дай қиляпти экан?» — деб ўйладим. Шу пайт ғалати жониворни кўриб қолдим, мушукчага ўхшарди. Боц-ман қараб турди-турди-да, каравот остига кириб олди.

— Бу қанақа маҳлуқ? — ҳайрон бўлдим.

— Бу маҳлуқ эмас. Бу қизим Катя-ку, — деди кулиб Маша. — Унинг мўйлови ва думи бор, холос.

— Гап буёқда де! Демак у Мушками? Сени нима қилиб қўйишибди? Бечора Мушка!

Мушукчани қўлимга олдим-да, унга боғлаб қўйил-

ган барча латта-лутта ва лентани ечиб ташладим, бир-икки силаб эркалатгач, қўйиб юбордим.

— Мана энди ҳақиқий мушукчага ўхшадинг. Нега уни қийнайсан, Маша? Агар шундай қилишларингни билганимда, уни ҳеч қачон сенга совға қилмаган бўлардим!

— Энди бундай қилмайман! Кечир, мушукчам! — деди Маша ва мушукчани бағрига босди.

— Уни нима билан боқяпсизлар?

— Бувижон, мушукни нима билан боқамиз? — сўради Маша.

— Сут беряпмиз, қаймоқ. Кеча Кузьма бува қизилкўз балиқдан олиб келди. Мушукча аввалига балиқчани бирпас ўйнади, кейин еб қўйди. Ғалати мушукча, ёқимли!

— Энди, Матрена Тимофеевна, қишда зерикмайсиз.

— Уни биз уйга олиб кетамиз, — деди Маша овози титраб, кўзига ёш оларкан.

— Олиб кетасан, олиб кетасан, неварагинам. Агар ойнинг кўнса мушукча сеники, — деди бувиси Машани аяб.

— Мушкага уйларингда ким қарайди? Ойнинг ишда, сизлар ўқишда бўласизлар...

— Ўзимиз қараймиз, чин сўзимиз...

— Чин сўзингиз бўлса, унда майли...

— Мен Мушканинг расмини чиздим. Ёмғир ёғаверди, ёғаверди, шунда мен Мушканинг портретини чиздим, — деди Ромка. — Кўрсатайми?

— Албатта кўрсат! — қувониб дедим. — Шу мушукчами?! — ҳайрон бўлдим. — Сал Боцманга ўхшаб кетади. Мушукчалар бундай ўтирмайди. Мушкага диққат билан қара — иккала олдинги оёғига бошини қўйиб жуда қулай ётибди.

Мушуклар қандай ётиши, сув ичиши, ўзини-ўзи ялаб тозалаши, ўйнашига эътибор берганмисан. Уларнинг ҳаракатлари жуда чиройли, нозик бўлади. Рассом Ватагин катта мушуклар — силовсинларнинг расмини чизишни жуда севарди.

— Мен унинг янги портретини бундан яхшироқ қилиб чизаман.

— Ҳаракат қилиб кўр, илтимос! — дедим.

Уйларингизда биронта ҳайвон борми?  
Сиз унга қарайсизми? Қайси озуқани у  
хуш кўради? Оилангизда кимга у кўпроқ  
ўрганган? Шуни кузатинг.

## ТУНГИ МЕҲМОН

Тун. Қишлоқ уйқуда. Катталар ҳам, болалар ҳам уйқуда. Тўсатдан тун сокинлигини итнинг қаттиқ вовуллагани бузди. Овозидан танидим, бу Боцманнинг ашаддий душмани — қўшнимизнинг ити Полкан эди. У вовуллагани вовуллаган. Ҳатто овози ҳам бўғилиб қолди. Қишлоқ итларининг ингичка-йўғон овозлари унга жўр бўлди.

— Оббо, ҳозир ҳаммани уйғотиб юборади-ку! Нима гап экан, бориб кўрай-чи,— деб ўйладим-да, фонарни олиб, камзулимни елкамга ташлаганча пешайвонга чиқдим.

— Полкан, Полкан! — деб чақирдим итни, Полкан овозимни таниб, бир дақиқа жим бўлди, кейин ундан ҳам қаттиқроқ вовуллай бошлади.

— Жойингга бор, Полкан!

Фонарни ёқиб қарасам, у ниманидир тишламоқчи, аммо эплай олмаяпти, шунга алам қилиб қаттиқроқ вовуллаётган экан. Энгашиб қарадим...

— Э-ҳа, гап буёқда экан-ку! Типратикан!

«Полканни ҳайдаб, Ромашкалар кўрсин» — деган фикрда тиканли коптокни камзулимга ўраб уйга олиб келдим. Уйга келгач катта яшикни топиб типратиканни солиб қўйдим, идишга сут тўлдириб олдиға қўйдим-да, ухлагани кириб кетдим. Эртасига Ромашкаларни кутавериб тоқатим тоқ бўлди ва ниҳоят...

— Салом! Бугун биз мушукчани боқдик, у бўлса...

— Мен сизлар учун кутилмаган бир янгилик топиб қўйдим,— дедим ҳатто мушукча нима қилганини охирига эшитмай...

— Янгилик? Қани у? Кўрса бўладими?

— Ҳозир, ҳозир, фақат яшикни олиб келай... Қараларинг...— тунги меҳмон ўтирган яшикни болалар олдиға суриб қўйдим.

— Типратикан! — қувончдан қичқириб юборишди Ромашкалар.

— Маша бармоғини унга тегиздию шу заҳотиёқ тор-

тиб олди. Типратикан дум-думалоқ бўлиб олди. Тиканларини шитирлатди ва пишқириб қўйди.— Вой, тиканини!

— Уни қаердан олдингиз? Нега яшиқнинг ичида ўтирибди? — деб саволга кўмиб ташлашди Ромашкалар.

Уларга бор гапни айтиб бердим. Кейин типратиканнинг ҳашаротхўр сутэмизувчи эканини ҳам қўшиб қўйдим.

— Қанақасига у ҳашаротхўр, бунинг устига сутэмизувчи бўлади? — тушунишмади Ромашкалар.

— Сенларни қара-ю! Ҳаммасини эсларингдан чиқарибсизларда! Ҳашаротхўрлар — қўнғизларни, капалакқуртларни, моллюскаларни ейди, сичқон учраб қолса уни ҳам қўймайди.

— Заҳарли илонни ҳамми? — хурсанд бўлиб деди Ромка.

— Ҳа, заҳарли илонни ҳам. Нимадан қўрқарди у! Ана у ҳатто Полкандан ҳам қўрқмаяпти! Дум-думалоқ бўлиб олгач, қани унга тегиб кўр-чи! Сутэмизувчилар — бу, болаларини сут билан боқадиган ҳайвонлардир,— эслатдим Ромашкаларга.

— Узимнинг ҳам эсимга тушди. Айтган эдингиз.

— Жуда соз! Қани энди типратиканни қўйиб юборайлик-чи. Уйига, ўрмонга кетадиган вақти бўлди!

— Узимизга олиб қолсак-чи! Бизникида яшайверсин! Унга қараб турамиз...— айёрлик қилмоқчи бўлди Маша.

— Иўқ, Маша, типратиканни қолдирмаймиз. Ҳайвонлар табиат қўйнида яшаши керакми, демак ўша ерда яшасин. Уларни ўрмонда кузатиш мароқли. Бунинг устига яқинда ёз тугаб, совуқ тушади. Ҳашаротлар яшириниб олишади, типратикан ҳам ўз уясида, яъни барглари уюми ёки шох-шаббалар орасига кириб уйқуга кетиши керак. Қани, яшиқни олиб юринглар-чи!

Типратикан пишқириб қўйди.

— Аччиқланма, аччиқланма, ҳозир сени қўйиб юборамиз! Бир оз чида.

Ўрмонга яқин жойда тўхтадик, яшиқни ерга қўйиб, қопқоғини очдик ва ўзимиз узоқроққа кетдик. Узоқ кутмадик. Аввалига кичик кўзли, ўткир бурунли чўзиқ тумшукчасини чиқариб атрофга қаради, бир оз кутди, кейин қутичадан чиқиб, уйига — ўрмонга шошмай пилдираб кетди.

— Хайр, типратиканча! Эҳтиёт бўл!

Нима сабабдан типратиканни ҳашарот-хўр сутэмизувчи деймиз? Сиз тирик типратиканни кўрганмисиз? Айтиб беринг-чи, қаерда, қачон кўрган эдингиз?

Типратиканлар ҳақида яна нималарни биласиз?

Сўзлаб беринг.

Расмини чизган типратиканни ўрмонга қўйиб юборишни унутманг.

## ЕР КОВЛОВЧИЛАР

— Тарас, биз билан ўрмонга юр! — деб чақиришди Ромашкалар.

— Мен ҳам сизлар билан борай, олиб кетинглар! — деб илтимос қилди жажжи Павлик.

— Хоҳлаган одамни олиб кетамиз, — дедим ва дарахтга чиқиб олиб бизга бепарво қараб турган Мишка Кришкинга мурожаат қилдим. — Сен ҳам биз билан борасанми?

— У ерда нима қиламан? — менсимай деди бола.

— Менимча кўпгина қизиқ нарсаларни кўрмагансан.

— Ҳаммасини кўрганман, — деди Мишка гердайиб, ammo ўзи дарахтдан тушиб, девор олдида ҳардам хаёл туриб қолди.

— Юр, юр, кейин афсусланмайсан, — дедим болани чақириб.

Болалар олдинга чошиб кетишди, биз эса Мишка ва Павлик билан шошмай борардик.

— Яхшиси, дарё бўйига бориш керак, чўмилиш мумкин, балиқ тутса ҳам бўлади, — бидирлади Мишка.

— Дарё бўйига борган албатта яхши, — уни қувватладим, — завқли!

— Ўрмонда нима бор? Турли хил қўнғиз-у, ўргимчаклар. Яна бақалар сакрашади... — бизни мазах қилиб кулди Мишка.

— Бекор шундай деяпсан! Айт-чи, ўқишни биласанми?

— Тўртинчи синфга ўтдим! — хафа бўлди Мишка.

— Кичкиналигингда сенга китобларни ким ўқиб берарди?

— Ойим. Баъзида дадам.

— Демак, ҳарфларни ўрганмасдан, саводинг чиқмасдан, ўзинг китоб ўқий олмагансан, шундайми?



— Ҳа, шундай! — Мишка гапни қаёққа бураётганимни пайқамасди.

— Ҷрмон ҳам Мишка, китоб, уни ўқиш, унинг тилини тушинишга ўрганиш керак. Шундагина ҳайвонлар ва ўсимликлар сенга ўз сирларини очишади.

Шу пайт Павлик ғингший бошлади.

— Уйга кетгим келяпти! Чарчадим!

— Озгина сабр қил. Ҳозир анави эман дарахтига етиб борамизда, ўша ерда дам оламиз.

Ромка билан Тарас аллақачон дарахтга чиқиб олишган эди. Қулай шохни топиб ўтирганча, оёқларини ликиллатишарди.

— Қаранглар, ҳаммаёқда уюм-уюм тупроқ! Мана бу ерда ҳам, анаву ерда ҳам! Буёққа келинглари! — чақирди Маша.

Болалар шу заҳотиёқ дарахтдан сакраб тушишди.

— Миша, бу нима, биласанми?

Мишка ўзини қизиқмаётганга солди.

— Эҳтимол кимдир ер ости йўли кавлаб, тупроқни тепага ирғитаётгандир,— деган фикрни айтдим болаларга.

— Мен биламан. Айтсам майлими? — шошилиб қолди Тарас.

— Тўхта-чи, Ромашкалар ўйлаб кўришсин, балки топишар...— илтимос қилдим боладан.

— Ер ости йўли? Бу... бу... чувалчанг! — тахмин қилди Ромка.

— Ахир чувалчанг шундай ишни бажара оладими? Буни фақат оёқлари кучли бўлган, бурни ерни парракка ўхшаб пармалайдиган ҳайвонгина кавлаши мумкин. Ана энди фаҳмладингларми, ким у?

Ромашкалар жим туришарди.

— Кўрсичқон! Кўрсичқон! — ниҳоят эслади Маша.— Нега у ерни қазийди?

— Нега қазимасин? Кўрсичқон ахир ер ости ҳайвони-ку. Унинг уйи ўша ер остида бўлиб, унга юмшоқ барглари, сомон тўшайди. У қурт-қумурсқа еб яшайди...

— Демак у ҳашаротхўр...— деди Ромка.

— Ҳа, жуда тўғри. У чувалчангларни ҳам, шиллиқ-қуртларни ҳам ейди. У жуда очкўз ҳайвон, кўрсичқон очликка ҳеч чидай олмайди. Шунингучунтинмай ишлайди, ер қазийди, овчи тизмаларидан овқат излайди, унинг уясидан турли томонга йўл кетади. Кўрсичқоннинг ов

Йўли турли хил бўлади — ерга яқинини устки йўл дейилади. Чуқурроғидаги йўл ҳам бор. Худди мана шу чуқурроқдаги йўлни қазиётганда ҳар икки-уч метр масофада тупроқ уюмини қолдириб кетади. Шу тупроқ уюмидан кўрсичқон йўлини кузатиш мумкин.

— Ҳозир кузатамиз,— деди Ромка ва бир тупроқ уюмидан иккинчисига эмаклаб бора бошлади.— Буёққа, кейин уёққа, кейин яна буёққа,— ниҳоят адашиб кетди у.

— Кўрсичқон қандай кўринишдалигини биласизми? — сўрадим болалардан.

— Унинг чиройли бахмал пўстини бор,— деди Маша.— У ер остида яшайди.

— Тўғри. У ер ости ҳайвоними, демак унинг кўзи хира кўради. Аммо эшитиш ва ҳид билиш қобилияти зўр бўлади.

— Типратикан ҳам ёмон кўради, аммо эшитиш ва ҳид билиш қобилияти яхши. Типратикан қишда ухлайди. Кўрсичқон-чи? — сўради Ромка.

— Кўрсичқон бошқа ҳашаротхўрлар сингари қишки уйқуга ётмайди,— деб тушунтирдим.

— Типратикан ўз болаларини сут билан боқади. Кўрсичқон-чи?

— Кўрсичқонлар ҳам сутэмизувчилар. Она кўрсичқон ўз боласига жуда ғамхўр бўлади. Мен бўлсам сизларни ўйламайман. Тушлик пайти бўлса ҳам гапирганим гапирган...

Болалар кулиб юборишди ва уйга қараб чопишди.

\* \* \*

Кўрсичқонни танаси, панжаси, мўйнаси қанақалигини таърифлаб беринг. Айтинг-чи, типратикан нима ейди, кўрсичқон-чи?

## СЕВИМЛИ МАШҒУЛОТ

— Ромашкалар, айтинг-чи, дунёда энг яхши кўрган нарсангиз нима? — деб сўрадим бир куни.

— Кузьмич буванинг отларини боқишни яхши кўрамиз,— дейишди иккалалари баравар.

— Нега? — қизиқсиндим.

— Руслан қўлингиздан олиб еганда, меҳр билан сизга қараб, бошини ликиллатади. Уни силаб эркалатиш, бўйнидан қучиш ҳам мумкин,— деди Маша.

— Яна морожнийни яхши кўраман, расм чизиш ва пичан устида ўмбалоқ ошиш ёқади. Маза, чунки пичан юмшоқ ва хушбўй бўлади.

— Кеча Кузьмич бува пичанни ағдарганини кўрдим. Юр, ўмбалоқ ошамиз! — деди Маша.

Улар югурганча кетишди, ҳатто мендан рухсат сўраб ҳам ўтиришмади. «Нима қилишаётган экан, бориб кўрай-чи, тагин бутун ғарамни сочиб ташлашмасин!» — деб ўйладим.

Ўйлаганимча бўлибди! Ромашкалар пичан ғарамига хужум бошлашган экан. Кулги-ю, бақир-чақирни айтмаймизми!

«Уларни қандай бўлмасин тўхтатиш керак, — деб ўйлай бошладим. — Аммо қандай қилиб?» Тўсатдан болаларнинг ўзлари ўргатган бир ўйин эсимга тушди.

— Қотиб қолинглар! — деб бақирдим. Шу пайт мўъжиза содир бўлди. Ромашкалар турган жойларида қотиб қолишди. Мен енгил нафас олдим.

— Майли, тирилинглар, — дедим уларга раҳмим келиб. Ромашкалар ҳеч нима бўлмагандек ғарамдан тушишди-да, ёнимга келиб ўтиришди.

— Жуда соз! Бир оз жимгина ўтирайлик-чи, балки ниманидир кўриб қолармиз.

— Ҳидини қара! Роса зўр-а, Ромка? — сўради Маша.

— Ҳа! — жавоб қилди Рома.

— Ромка, ҳув анови дарахтларга қара, барглари сарғайибди. Мен биринчи бўлиб кўрдим!

— Ҳа!

Шундан кейин Маша ердан майса узиб олиб, укасини қитиқлай бошлади. Ромка бўлса қўл силтар ва аксирарди.

— Бу қанақа ўтлигини биласанми? — дедим Машанинг диққатини ўзимга тортиш учун.

— Бу қитиқлайдиган ўт, — деди бамайлихотир қизалоқ.

— Асло. Бу яхши ҳид таратадиган бошоқ. Пичаннинг хушбўй ҳиди ҳам шу бошоқдан. Тўғри, қашқарбеда, тилқиёр, шувоқлар ҳам ҳидли ўсимлик. Аммо энг хушбўйи шу бошоқ. Шуниси қизиқки, ўсиб турган жойида у бундай ҳид бермайди, узиб, бир-икки кунгина қуёшда қолдирсангиз бас, ажойиб муаттар ҳид пайдо бўлади.

Ромашкалар ҳидлаб кўришди-ю, тагин жим бўлиб қолишди... Шунда тўсатдан пичан шитирлади. Биз бир-биримизга қараганча қотиб қолдик. Шитирлаш тўхтади.

Кейин нимадир яна шитирлата бошлади ва ниҳоят маржон кўзли, мўйловли тумшуқ кўринди. Кейин калта дум, сарғиш тана кўринди. Ромашкалар жим ўтиришга ўрганиб қолишган. Аммо уларнинг кўзларидан ниманидир сўрамоқчи эканликларини сезиб турибман. Аммо ҳайвон кетмасди, демак бир оз сабр қилиш керак. У бамисоли атайлаб пичанни шитирлатмоқчидек уёқдан-буёққа югура бошлади. Кейин тўсатдан йўқ бўлиб қолди... кейин яна пайдо бўлди. Бу ҳолат бир неча бор такрорланди.

— Сичқон! — бошқа чидай олмади Маша.

— Сичқонлар малла бўлмайди,— эътироз билдирди Рома ва менга қаради.

— Бу малларанг дала сичқони. Кемирувчи. Мамлакатимиз территориясида яшовчи кўпгина кемирувчиларнинг бири. Уй сичқонини ўрмонда, ўрмон сичқонини эса далада учратиш мумкин бўлганидек, дала сичқонини ҳам ўрмонда кўриш мумкин.

— Демак, дала сичқони — бу сичқон эмас? — яна бир бор ўзича аниқлик киритди Маша.

— Дала сичқони ҳам, сичқон ҳам — кемирувчилар. Аммо турли хил. Сичқонларнинг думи тук билан қопланган ва узун танаси эса бир оз олдинга чўзилган, тумшуқлари чўзиқ бўлади. Уй сичқони — кулранг бўлади. Дала сичқонининг эса тумшуғи чўзиқ бўлмайди, танаси бунчалик узун ҳам эмас, думи бўлса калта бўлади. Ранги қанақалигини ўзингиз биласиз.

— Бувимиз уйда сичқонни кўрганлари заҳотиёқ, Васькани излаб қоладилар.

— Бувингиз тўғри қиладилар. Сичқонлар кемирган нонни ейиш ёки уй сичқони теккан ёрмадан овқат тайёрлаш мумкин эмас. Умуман кемирувчилар одамларга анча ташвиш орттиришади. Ҳатто зиён ҳам келтиришади — донни еб қўйишади, ниҳол дарахтларнинг пўстлогини кемириб, кўчатларни поймол қилишади. Биттагина дала сичқони ёки сичқон албатта катта зиён келтиролмайди. Аммо кемирувчилар тез кўпаяди. Бир йилда битта она сичқон ўттиз ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ бола туғиши мумкин.

— Қойил-эй! Бунча сичқонни ҳатто Васька ҳам йўқотолмаса керак,— Ромка ростдан хавотирда эди.

— Хавотир олма! Ёрдамчиларимиз ва дўстларимиз бор. Сен уларни яхши биласан.

— Биламан албатта! Уларни ҳозир эслайман,

Сиз энди пичанга шундай хушбўй ҳидни нима беришини биласиз. Пичаннинг ҳиди эсингиздами? Кемирувчиларга қарши курашда одамларга ким ёрдам беради?

## ТАСҚАРА МАХЛУҚ

Ҳар куни кечқурун, Ромашкалар ухлашидан аввал, уйимиз олдидаги ўтлоқчада учрашамиз.

— Қани, Ромашкалар, эртага об-ҳаво қандай бўлади, айтинг-чи? — сўрадим бир куни.

— Радиомиз ишламаяпти. Эшитмадик,— деди Ромка ростини айтиб.

— Э-э, биродар, буни билиш қийин эмас-ку.

— Қанақасига? — ҳайрон бўлишди болалар.

— Табиатда кўпгина аломатлар бор, уларга қараб об-ҳавони айтиб бериш мумкин. Кўп одамлар бу аломатларни яхши билишади.

— Сиз эртага об-ҳаво қандай бўлишини биласизми?

— Менимча, эртага об-ҳаво бузилади.

— Нега шундай ўйлаяпсиз? — сўрашди Ромашкалар.

— Бугун қалдирғочлар ер бағирлаб учишди... Сезмадингизми?

— Сезмадик.

— Гуллар ҳам ҳар сафаргидан кучлироқ ҳид таратишди.

— Балки об-ҳаво айнамас? — умид билан сўради Маша.

— Эрта бўлсин, кўрармиз. Энди уй-уйига. Аллақачон кеч кириб салқин тушди. Ухлайдиган вақт бўлди! Аммо, икки қадам ҳам босмаган эдим, бирдан...

— Вой-вой! Қушча, қандайдир қушча,— деган овозни эшитдим. Угирилиб қарасам... Кўршапалак.

— Бу кўршапалак! Қушлар бундай учмайди.

— Қани у? Кўрмаяпман?

— Кўршапалаклар жуда тез чарчашади. Шунинг учун у бирорта дарахтнинг шохига бошини пастга қилиб осилганича дам олаётгандир.

— Саньканинг айтишича кўршапалак ғоят қўрқинчли эмиш: жағи очиқ, қулоқлари ва қанотлари каттакон экан.

— Эссиз, кўпгина одамларнинг ҳайвонларга муносабати уларнинг ташқи кўринишига қараб белгиланади. Қулоқлари катта, демак кўрқинчли, қанотлари улкан, демак, хунук...— ранжиб жавоб бердим Ромкага.

— Бу гапни биз айтмадик...— ўзларини оқламоқчи бўлишди Ромашкалар.

— Қайтаряпсизлар-у, ўйламаяпсизлар.

— Бари бир кўрқинчли! — ўжарлик билан деди Ма-ша.

— Сен кўрқмасанг бўлади. Улар сенга тегмайди. Кўршапалаклар тунги капалаклар ва қўнғизлар билан овқатланишади.

— Уларни биз нега авваллари ҳеч кўрмаганмиз?

— Чунки, кундузи кўршапалаклар ухлашади, қоронғи тушиши билан овга чиқишади.

— Кечаси қандай қилиб кўришади? Ҳашаротларни қандай топишади? — ўйлаб қолди Рома.

— Бу савол фақат сени ўйлантриб қўйгани йўқ. Кўпгина олимлар узоқ вақт кўршапалакларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганишди, улар қоронғида яхши йўл топиб юриш сабабларини тушунишга уринишган. Кўршапалакларнинг бемалол учиб юришларига товуш ёрдам беришини аниқлашди. Буни сизларга тушунтиришим анча қийин, лекин ҳаракат қилиб кўраман.

Товуш— бу ҳавонинг тебраниши. Гапирган пайтимизда товуш пардалари титрай бошлайди, шунда худди сувдагидек ҳавода товуш тўлқинлари тарқалади. Аммо уни кўрмаймиз, фақат уларни эшитамиз, холос. Одам барча товушни қабул қила олмайди. Жумладан, кўршапалак тарқатадиган товушни биз эшитмаймиз. Кўршапалаклар фақатгина товуш тарқатибгина қолмай, товушни қабул қила олади ҳам. Кўршапалакларнинг бўшлиққа юборган товуши йўлда тўсиққа учраса у орқага қайтади. Худди шу нарса кўршапалакларнинг қоронғида йўл топишига ва бехато ов қилишига ёрдам беради... Ҳаммасини тушундингларми? — деб сўрадим Ромашкалардан.— Ухлаб қолмадингларми?

— Тушундик! Фақат эртага яна бир марта айтиб берасиз? Майлими?

— Албатта! Энди ётиб ухланглар.

Катталардан сўраб кўринг-чи, улар яна об-ҳаво қандай бўлишини олдиндан айтдиган бирон-бир белгини билишадими. Ана шу аломатларни текшириб кўринг.

Кўршапалаклар қандай ҳаёт кечиришади, гапириб беринг. Кўршапалаклар қоронғида қандай йўл топишини тушуниб олдингизми? Кўршапалакнинг расмига қаранг, балки, у сизга кўрқинчли бўлиб кўринмас.

## ҚУРУВЧИЛАР ВА КЎПГИНА БОШҚА НАРСАЛАР ҲАҚИДА

Ромашкаларнинг овози эшитилмаяптими, демак улар дарё бўйига кетишган. Ҳозир чўмилиб, қуёшда қорайиб бўлмайди. Дарё бўйида қурувчиларга ҳам, табиатшунослар, саёҳатчилар, хаёлпарастларга ҳам доим иш топилади. Бу ерда ўзингни бамисоли жасур денгиз сайёҳидек ҳис қиласан: Робинзон Крузо сингари одам яшамайдиган оролда қолиб ўзинг учун тураржой қураётган, овқат излаб топаётган, ёввойи ҳайвонларни ўргатаётган... бўласан.

Ромашкалар узоқ саёҳатдан қайтиб, менга ўз саргузаштларини сўзлаб берганларида, уларнинг шамолда ёрилган, офтоб қорайтирган юзларига қараб завқланаман, афсуски бундай саёҳатларга фақат болаликдагина бориш мумкин.

— Боцман, Ромашкаларимиз қани? Улар кема ҳалокатига учрашган бўлса-я? Уларга балки ёрдам зарурдир? Биз эса чой ичиб ўтирибмиз. Қани, юр, Боцман!— Уни кўндириш қийин бўлмади. Боцман деган ном унга бежиз берилмаган.

— Қутқозиш экспедицияси етиб келди! — дедим бақариб. Шу билан бирга ўз бурчимни бажарганимни пеш қилдим. Лекин негадир ҳеч ким «ура» деб бақирмади ва ҳатто бизга эътибор ҳам қилмади. Болалар завқ билан қум қазишарди. Боцман бўлса, чиқариб ташланган қум уюмини жиддий ҳидлаб кўрди ва у ҳам чуқур қазишга тушди.

— Боцман, халақит берма! Биз буни қачондан бери қуряпмиз!— Норози овозлар эшитилди.

— Боцман, ундай қилма! Қоч! Нима қуряпсизлар, шоввозлар?

— Бизми? Қаср, рицарлар қасри.— Ромканинг овозини танидим.— Мана бу бош рицарнинг минораси.

— Мана буниси, маликанинг минорасими? — деб таҳмин қилдим.

— Ҳа, малика энг тор ва айланма нарвондан энг баланд минорага чиқиб, рицарим от чоптириб келмаяптими, деб узоқларга назар ташлайди,— деди Маша тасаввур қилиб.

— Мана бу ер ости йўллари, йўлаклар, ўтиш жойлари,— деди Ромка ўз қурилмасини бизга тезроқ кўрсатишга ҳаракат қилиб.

— Ҳа! Зўр-у! Ҳақиқий лабиринт. Бўрсиқ ҳам бундай қилиб қура олмайди.

— Лабиринт? Бўрсиқ? Лабиринт дегани нима? Нега бўрсиқ ҳам? — деган саволларга кўмилиб кетдим.

— Демак, биринчи савол: лабиринт дегани нима? Қадим-қадим замонларда Юнонистон ва Мисрда биноларни жуда мураккаб йўлаклар билан қуришганки, ундан чиқиб кетиш амримаҳол бўлган. Худди ана шуларни улар лабиринт деб аташган.

Иккинчи савол: нега бўрсиқни эсладик? Чунки бўрсиқ моҳир қурувчи. У аввалига оддий уй қуради: битта йўлак ва унинг охирида уй бўлади. Аммо йилдан-йилга бўрсиқ уйига бориш йўлини мураккаблаштиради — янги йўллар, йўлаклар қуради ва улар баъзида 20 метргача чуқурликка кириб кетади. Уйини бирор-бир тепаликнинг қуёш тушадиган томонига қуришни маъқул кўради. Шуниси қизиқки, бўрсиқ уйининг ҳавоси янгилиниб туришини кўзлаб махсус туйнук ҳам қуради. Унинг уйи доим тартибли ва озода бўлади. Бўрсиқ жуда покиза йиртқич!

Аммо баъзида бўрсиқ яхши жойлашиб олган тураржойини ташлаб кетишга мажбур бўлади. Тулкилар бўрсиқ тайёрлаган индан фойдаланади ва ҳаммаёқда суяклар, овқат қолдиқлари, қийларини қолдириб кетади. Бундай бетартиблик ва ифлосликка бўрсиқ чидай олмайди ва бу индан воз кечади...

— Бўрсиқни ҳеч қачон кўрмаганмиз. У қандай ҳайвон?

— Бўрсиқ анча катта, Боцмандек келадиган боши узун, қулоқлари ва кўзлари кичик, юнги қаттиқ йиртқич... Яхшиси, уни ўзларинг кўрганларинг маъқул... Аммо бу жуда мушкул иш. Бўрсиқ эҳтиёткор йиртқич. Ҳа-ҳа, бўрсиқ йиртқич,— дедим саволларига жавоб бе-



рарканман, Ромашкаларни огоҳлантириб.— У сичқонлар ва қурбақаларни ҳам, ҳашаротлару чувалчангларни ҳам ейди, қуш тухумлари ва қуш болаларини ейишни яхши кўради. Бўрсиқ кузда қиш учун уруғлар, мевалар, ёнғоқлар ғамлайди. Ҳаммаси керак бўлади. Қишга келиб бўрсиқ семириб кетади.

— Уни қаерда кўриш мумкин?

— Қаерда дейсизми? Биринчидан, ҳайвонот боғида, ундан ташқари, бўрсиқнинг сурати ва расмини кўпгина китобларда кўриш мумкин. Агар қўлингизга Брем тушиб қолса...

— Брем?

— Қисқа қилиб шундай дейилади. Агар тўла қилиб айтганда — Альфред Брем — немис олими, у бундан юз йил аввал яшаган. Унинг айниқса «Ҳайвонот дунёси» китоби бутун дунёга машҳур.

Бу китобда Брем ҳайвонлар ҳақида, уларнинг қилиқлари, қаерларда яшашлари тўғрисида ҳикоя қилади. У бутун ҳаётини ҳайвонот дунёсини ўрганишга бағишлади. Брем табиатни жуда қаттиқ севган, у қаерларда бўлмаган дейсиз. Африкага саёҳат қилган, Қозоғистон чўлларида ҳам бўлган. Коллекция йиққан, ҳайвонларни кузатган, барчасини ёзиб, ҳатто расмини чизиб олган...

— Уша китобни ҳозир бир кўрсак эди!

— Майли, унда уйга киринглар! Кўрсатишим мумкин.

\* \* \*

Бўрсиқ билан кўрсичқоннинг ташқи кўриниши ва ҳаёт тарзини таққослаб кўринг. Яна қайси моҳир қурувчи ҳайвонларни биласиз?

## ҚУРҚОҚ ҚУЕНЧА

— Сизга хат келди,— Ромашкаларнинг овозини эшитдим у эшик олдида чиқдим.

— Мана у! — дейишди Ромашкалар азбаройи тез югурганларидан ҳаллослаб.— Бувимиз сизга беришни айтдилар.

— Раҳмат сизга, хат ташувчиларим! Нима ёзишган экан. Ҳозир биламиз! Маркаси қандай чиройли-я! — дедим унга маҳлиё бўлиб.

— Қанақа экан? Бизнинг ҳам кўргимиз келяпти!

Болаларга конвертни узатдим.

— Куёнча-ку! Бирам яхшики! — деди Маша.

— Сизлар марка йиғасизларми? Йиғсанглар бераман, — дедим сахийлигим тутиб.

— Мен ҳамма нарса йиғаман. Маркаларни ҳам.

— Сени қандай маркалар қизиқтиради? — Мен Ромканинг бу ишга муносабатини билмоқчи бўлдим.

— Ҳар қанақасини йиғавераман.

— Қўй-э! — Ҳайрон бўлдим маркани узатарканман.— Бу ишинг жиддий эмас. Бир танишим ҳайвонларнинг расми бўлган маркаларнигина йиғади. Қандайлари йўқ дейсан унда? Масалан, сен иссиқ мамлакатларда яшайдиган қушларни кўрмоқчимисан, марҳамат. У токчадан альбомни эҳтиётлик билан олади-да, ундан сенга керакли маркани шу заҳотиёқ топиб беради — хоҳлаганингча томоша қилавер. У ҳайвонлар тўғрисида нималарни билмайди дегин. Танишимнинг марка йиғишига қизиқиши болалик пайтида отаси унга жуда чиройли капалак суратли маркани совға қилган кундан бошланган экан. Ушандан бери у ашаддий марка йиғувчи, табиатга ўта қизиқувчи, севувчи одам.

— Мен ҳам ҳайвонлар расми бўлган марка йиғаман. Мен ҳам қизиқарли одам бўлишни хоҳлайман.

— Ундай бўлса, ол, марка сеники. Эҳтиёт қил. Бу бўлажак коллекциянинг биринчи маркаси. Вақтлар ўтиб, бу марка сенга бизнинг ўрмонга саёҳатимизни, суҳбатларимизни эслатиб туради. Энди ўқигин-чи, унда нима деб ёзилган экан, — илтимос қилдим Ромкадан.

— Куён! Куён,— деб ёзилган.

— Ҳаммасини ўқимадинг, бошидан ўқи!

— Оқ куён... Нега оқ куён? Нима, бошқача рангли куёнлар ҳам борми?

— Кўрдингми! — хурсанд бўлиб дедим.— Марка сени ўйлашга ва ҳатто савол беришга ундади. Бу жуда соз!

Энди куёнлар ҳақида эшит... Оқ куёнлар ҳам, кулранг куёнлар ҳам бўлади. Оқ куёнлар қишда оппоқ рангга киради, кулранг куёнлар эса ёзин-қишин ўз рангида қолади. Оқ куёнлар билан кулранг куёнлар ёзда ўхшаш бўлишади, аммо тажрибали одам уни рангидан ҳам, катталигига қараб ҳам ажрата олади, қишда эса изига қараб ажратиш мумкин. Оқ куённинг панжаси кенг, чунки қалин юнг билан қопланган бўлади. Бу унга қорда яхши югуриш имконини беради... Қани энди,

«Ёзда кулранг, қишда оппоқ» топишмоғи қайси ҳайвон ҳақида айтилган, ким топади?

— Оқ қуён ҳақида! — дейишди бараварига Рома билан Маша.

— Тўғри. Ўзингиз ҳам менга қуёнлар ҳақида бир нима айтиб берасизларми? Масалан, улар қаерда яша-шади?

— Ўрмонда, албатта, — қатъий қилиб деди Ромка.

— Ўрмонда оқ қуён яшайди, — дедим аниқлик кири-тиб. — Кулранг қуён — чўл ҳайвони, у очиқ кенгликни, далаларни, ўрмон сўқмоқларини ёқтиради.

— Улар нима билан овқатланишади? Маша, энди се-нинг навбатинг!

— Майсалар, барглар, — Маша тутилиб қолди.

— Тоғтеракнинг ёш новдаларини ҳам ейди, — деб қўшимча қилдим. — Оқ қуён, ҳатто боғ ва томорқаларга бориб, мевали дарахтлар пўстлогини кемириши, карам ўзагини мазза қилиб ейиши мумкин.

— Ҳамма қуёнлар қўрқоқ! — нафратланиб деди Ром-ка.

— Ҳеч ҳам улар қўрқоқ эмас. Фақат уларнинг душ-манлари жуда кўп. Уларни ҳимоя қиладиган ягона во-сита кучли ва тезкор оёқларидир. Шу туфайли улар тулки ёки бўрилардан қочиб кетибгина қолмай, ҳатто ўз изларини чалкаштириб ҳам кетишади: аввалига бир томонга, кейин бошқа томонга сакрашади — қарабсиз-ки, қуён йўқ, у қочиб кетиб бўлди. Ёзда уни кулранг те-риси қутқаради. Ерга ёпишиб олдим, бас, уни тупроқ-дан фарқлаш мушкул бўлади. Қишда бўлса оқлиги ёр-дам беради. Тўғри, баъзида шундай бўладики, қуён қишга мослашади, аммо қор ёғмай қолади. Ушанда қу-ёнчага ёмон бўлади! Ҳеч қаёққа яширина олмайди, ахир у ўзига на ин, на уя қуради. Қишин-ёзин у саёз чуқурда дам олади.

— Агар бир куни келиб йиртқич ҳайвонлар ва қуш-лар барча қуёнларни еб тугатса нима бўлади? Шундай бўлиши мумкинми? — хаёл қилди Ромка.

— Табиатда бундай бўлмайди. Ахир қуёнларни фа-қат уларнинг тезкор оёқларигина эмас, балки серпушт-лиги ҳам қутқаради. Она қуён баҳордан кузгача уч марта ва ҳар сафар 3—6 тадан болалайди. Қани, ҳисоб-ла-чи, битта она қуённинг боласи нечта бўларкин.

— Бундай мисолларни ҳали еча олмаймиз, — деди уя-либ Рома.

— Йигирмага яқин, мана қанча бўлади! — дедим болаларга.

— Ҳашаротлар ҳам кўп тухум қўйишади. Эсимда. Улар ҳам йўқ бўлиб кетмаслик учун шундай қилишади-ми? — деди фаҳм-фаросатли Маша. — Қуёнчалар душманлардан қандай жон сақлашади? Улар ахир тез югуриша олмайди-ку, — деди ўйлаб Маша. — Она қуён ҳам жуда ботир эмас.

— Ботир бўлмаса ҳам, болалари тирик қолиши учун нима қилиш кераклигини яхши билади. Болалар туғилиши билан она қуён уларни ўз сути билан тўйғазадида, ўзи қочиб кетади. Қуён болалари ўт ичида яшириниб 3-4 кун ўтиришади. Улар на кўринишади ва на овозлари эшитилади — ахир улар из қолдиришмайди-ку. Овқат ҳақида ҳам безовталанмаса бўлади — она қуённинг сути жуда тўйимли. Бунинг устига ўз онаси бўлмаса — бошқа она қуён келиб уларни эмизиб қетиши ҳам мумкин. Шу ҳол такрорланаверади. Унғача қуёнчаларнинг тиши чиқади. Энди улар ўзларига овқат топадиган бўлишади.

\* \* \*

Оқ қуённинг кулранг қуёндан фарқи нимада? Қуёнлар душманларидан қандай сақланишади. Қуёнлар ҳақида қандай топшмоқлар биласиз? Сиз қандай маркалар йиғасиз? Агар ҳайвонларнинг расми туширилган маркалар бўлса, уларнинг қаерда яшаши, нималар билан овқатланишини айтиб беринг!?

## ҚҶЗИҚОРИН МАВСУМИ

Бир неча кун узлуксиз ёмғир ёғди. Ҳаво совуқ, нам. Аммо кутилмаганда қуёш чиқиб, ерни элитди, ўтлоқларни қуритди. Яна ўрмон ўзига торта бошлади. Эндигина уйдан чиқувдим ҳамки Ромашкалар ҳозир у нозир бўлишди.

— Биз билан қўзиқорин тергани боринг! Илтимос? — деб ялинди Ромка.

— Қани, юринглар бўлмаса. Ҳозир аини қўзиқорин йиғадиган пайт.

Сўқмоқ йўлдан боряпмиз. Қайинзорга етиб келдик. Ромка бутунлай ўзгарди-қолди: диққатини бир жойга йиққан, сергак, ҳеч ким билан гаплашмайди. Гоҳ уёққа,

гоҳ буёққа қарайди, гоҳ ўтларни авайлаб икки томонга очади, энгашиб бир нималарни излайди. Қўзиқорин деса ўзини томдан ташлаши шундоқ кўриниб турибди! Маша қаерда экан? Ана, аста-аста қадам ташлаб, ўзича бир нимани хиргойи қилиб келяпти, тўхтаб бир нимани ўйлайди, кейин яна юради...

— Орқада қолиб кетма, Маша! — қичқираман унга. Учаламиз ўрмон ичкарисига кириб боряпмиз.

— Маша! — бақирди Рома. — Тез буёққа кел! Мен қўзиқорин майдонини топдим. Қара! — Рома опасига қизил, оқ қўзиқорин солинган саватни кўрсатди. — Сен қанча тердинг? — Машанинг саватида эса фақат қизил занг япроғи ётарди.

— Чиройли-а? Мен бу ҳақда эртақ ҳам тўқидим. Айтиб берайми?

— Ундан кўра қўзиқорин терсанг-чи! — Маша энгашиб, қўзиқоринни узиб олиш учун қўлини чўзди...

— Нима қиляпсан? Бундай қилиш яхшимас! — Романинг жаҳли чиқиб кетди. Қизалоқ ҳеч нарсага тушунмай, менга қаради.

— Қўзиқоринни, Маша, тортиб олиш мумкин эмас. Унда илдизига зиён етиши мумкин.

— Илдизига? Бу нима деганингиз?

— Қани, бўлмаса бир кўрайлик-чи.

Мен чўнқайиб ўтириб, эҳтиётлик билан қўзиқорин атрофидаги баргларни четга сура бошладим. Ингичка оқ иплар кўринди.

— Қаранглар, ипларни. Илдиз ҳам шунақа узун бўладими? — ҳайрон бўлди Ромка.



— Бу ип эмас, қўзиқорин. Сен саватга териб солаётганинг эса унинг меваси, яъни танаси.

— Илдизи, мевали тана.— Ромка ҳайрон бўлди.— Мевали тана қандай пайдо бўлади?

— Мана, қара. Илдизнинг мана бундай кичик тугунчаклари бор, улар аста-секин чўзилиб ердан ташқарига чиқишади ва қўзиқоринга айланишади. Қўзиқоринни шунинг учун узиб, тўғрироғи кесиб оламиз, шунда илдиз ерда қолади ва кўп йиллар ҳосил бераверади.

— Ҳа, шунинг учун Рома мендан аччиғланган эканда,— деди Маша.— Уни эҳтиётлаб кесиб олишларини энди тушундим.

— Фақат шунинг учунгина эмас. Қўзиқоринсиз ўрмон яшай олмайди, чунки унинг илдизлари мустақил ўсолмайди, улар дарахтлар, ўтлар, гулларнинг илдизи билан биргаликда ўсади. Қўзиқоринлар бор бўлгани учун дарахтлар тез-тез сув ичади ва минерал тузларини эритиб юборади. Шунинг учун биз қўзиқорин илдизига шикаст етказсак, демак бутун ўрмонга зиён келтирган бўламиз. Энди тушунарлими?

— Демак, ҳар қанақа қўзиқорин ўрмон учун жуда зарур? Қурбақа салласи ҳам, заҳарли замбуруғлар ҳам керак-а?

— Албатта. Шунинг учун кераксиз қўзиқоринларни нобуд қилмаслигингиз керак.

— Биз ҳеч қачон ундай қилмаймиз,— дейишди Ромашкалар.

— Оқ холи бор қизил замбуруғлар бирам чиройлики, улар менга жуда ёқади,— деди Маша.— Афсуски у заҳарли...

— У одамлар учун заҳарли, буғулар уни маза қилиб ейишади ва ҳатто, даволанишади.

Мен Ромашкаларга қўзиқоринлар ҳақида яна баъзи нарсаларни гапириб бермоқчи эдим, аммо бирдан рўпарамиздаги дарахт шохида олмахонни кўриб қолдик. У янги узилган қўзиқоринни тишлаб турарди. Уёқ-буёққа аланглаганича, дарахтдан чопиб ерга тушди-да, югуриб кетди ва бута шохига сакраб, қўзиқоринни шохга қўндириб, орқа оёқларида турди. Кейин ғойиб бўлди.

— Режали олмахон экан! — деди Ромка,— қўзиқоринни қишга қуритяпти. Уларни қаерда сақлайди?

— Олмахон дарахт кавакларидан омбор сифатида фойдаланади. У ерда ҳамма нарса: қўзиқоринлар ва ёнғоқлар, турли хил дарахтларнинг уруғларигача бор.

Ахир олмахоннинг энг қўрқадигани сувсар ҳам, тулки ҳам эмас, очлик. Очлик баъзида олмахонни овқат ахтариб узоқ-узоқларга кетишга мажбур қилади... Ҳосилдор йил бўлганда эса ҳар бир олмахон энг яхши уруғ ва ёноғодан 15 килограммгача йиғиб қўяди.... Ана шунда олмахонга на очлик, на совуқ қўрқинчли — у уясининг ҳамма тирқишларини бекитиб олади ва кунлар илигунча уйқуга кетади.

— Бизнинг шаҳардаги истироҳат боғида ҳам олмахон бор. Уларга ёнғоқ, қуритилган мева берамиз. Ёнғоқни дарахтга уриб таққилатсак, олмахон югуриб келади,— деб эслашди Ромашкалар.

\* \* \*

Илдизига шикаст етказмай кўзиқорин теришни биласизми? Агар билмасангиз, юқоридаги ҳикояни диққат билан ўқиб чиқинг.

Нима сабабдан заҳарли ва қари кўзиқоринларни йўқ қилиш керак эмас?

Тирик олмахонни кўрганмисиз? Олмахон қишда қандай рангда бўлади. Ёзда-чи? Олмахон ва бошқа жониворлар ҳақида қандай китоблар ўқигансиз?

## ҚУЧИШ ДАВРИ

Бир куни уйдан чиқишим биланоқ Машанинг йиғлаётганини эшитиб қолдим.

— Тинчликми? Нима бўлди? — деб суриштирдим.

— Ромканинг иши бу! Қаранг! — деди Маша камзулини кўрсатиб.— Мана, нима қилди!

— Ана холос! Сен типратикон бўлиб қолибсан-ку! Рома, қани, буёққа кел-чи! Машанинг кийимини тозалаб қўяйлик.

— Ма, энди ўзинг тозала! — деди Маша лабларини чўччайтириб, скамейкага ўтираркан.

— Вой-бў, ҳеч чиқмаяпти-ку бу, — нолиб деди Ромка.— Мен ҳазиллашувдим, холос.

— Эндиги сафар ўйлашиб ҳазиллашасан. Ҳатто Боцман ҳам қариқизни ёқтирмайди. Ўрмонда юриб-юриб, кейин акиллаб-акиллаб ўзини қариқиздан тозалайди. Жуда бўлмағур нарса. Нима ҳам қилардик. Қариқизнинг ҳаракат усули ана шундай.

— Қанақа ҳаракат усули? — Ромашкалар аразлашганларини ҳам эсларидан чиқаришди.

— Билмайсизларми?

— Й-йўқ, билмаймиз.

— Ўсимликлар қандай кўчиб юришини билмасангиз, унда эшитинг. Ёзнинг охири ва кузнинг бошида мевалар ва ўсимликларнинг уруғи пишади ва уларнинг ҳаракат пайти бошланади. Эҳтимол, қайин дарахтларига осилиб турган узун-узун нарсани кўргандирсиз. Уларда кўплаб митти уруғлар жамланган бўлади. Ҳар бир уруғчанинг бири чапга, бири ўнг томонга қараган иккита кичик рангсиз қанотчалари бор.

— Қапалакникига ўхшаганми?

— Бир оз ўхшаш. Шамол ана шу уруғни учуриб олиб кетади. Ерга тушган ана шу қайин уруғи вақт ўтиши билан қайин бўлиб ўсиб чиқади.

— Ҳавода «бурунча»лар учганини кўрганман,— деди Ромка.

— «Бурунча!» — бу заранг меваси — қаноти уруғ. У парракка ўхшаган бўлади. Тўғрими, Рома?

— Тўғри, — тасдиқлади бола.

— Зарангнинг қанотли уруғи дарахтдан тушаётганда айланади. Шунинг учун у тез уча олмайди ва натижада шамол уни узоқроққа олиб кетиши ҳам мумкин. Аргу-вон мевасида эса битта қанот бўлади. У учаётганда қанотга ўхшаб айланади, худди самолёт парраги дейсан. Қайрағочнинг меваси жуда ғалати. Уруғи меванинг ўртасида бўлиб, думалоқ-қанот шаклида бўлади. Шунақасини кўрганмисиз?

— Йўқ, ҳали.

Шу пайт Ромашкаларга ўрмондан турли хил дарахтларнинг баргларини йиғиб келишни топширганим эсимга тушди.

— Бундай қиламиз! — дедим Ромашкаларга мурожаат қилиб.— Ўрмондан ўсимликларнинг қанотли мевасини ва уруғини топиб келинглар. Уларни йиғиб асрасангиз, бундай коллекция мактабда сизга жуда керак бўлади. Момақаймоқ ҳақида менга ўзингиз айтиб бера-сиз. Майлими?

— Момақаймоқ аввалига сариқ бўлади, кейин оқ тусга кириб момиқ бўлади. Уни пуфласанг парашютчалар ҳаммаёққа учиб кетишади,— деди Маша.

— Сен ўша парашютчаларни диққат қилиб кузатганмисан?

— Йўқ, ҳали улгурганим йўқ...

— Албатта кузат, жуда қизиқ. Ҳар бир парашютча-



нинг ўзаги тагида уруғ, ўзак, устида эса киприк тола-часи бўлиб, унинг учишига, парашютчанинг йиқилиб тушмаслигига ёрдам беради. Қизилбарг, қушқўнмас, бўзтикан каби кўплаб ўтсимон ўсимликларнинг меваси худди шу усулда янги жойларга кўчиб ўтади.

— Тикан ҳақида бизга ҳали гапириб бермадингиз,— эслатди Маша.

— Шошма. Тиканингга ҳам етиб келамиз. Ўсимликларнинг кўчишига фақат шамол ёрдам бермайди. Шунинг учун баъзи ўсимликлар уруғи, жумладан, қариқиз, қушқўнмас, қўйтиканлар махсус мосламага, яъни тиканакка эга бўлади. Бундай уруғлар ҳайвонлар терисига ёки одамларнинг кийимига ёпишиб кетаверади, натижада бирон ерда ерга тушиб қолади. Кўчиб юришининг бошқа усуллари ҳам бор. Балки уларни биларсизлар?

Ромашкалар ўйланиб қолишди.

— Дадамиз қарағай қарға ҳақида ҳикоя ўқиб берган эди. У ҳақда гапириб берсам майлими?

— Айт, эшитамиз.

— Бир сафар тайгада ёнғин бўлибди. Бутун ўрмон ёниб кетиб, фақат куйган тўнкалар қолибди. Аммо кўп йиллар ўтиб эски ўрмон ўрнида янгиси пайдо бўлибди. Ҳатто ёнғоқ ҳосили берадиган дарахтлар ҳам ўсиб унибди. Бу қандоқ бўлди, деб ўйлашиб қолишибди одамлар. Кейин тушуниб қолишибди. Кедр ёнғоқларини бу ерларга қарағай қарға яшириб қўйган экан. Худди шу ёнғоқлар ўсган ва ҳосилга кирган!

— Балли, Рома! Ажойиб ҳикояни эсладинг. Қушлар ҳам кўпгина ўсимликларнинг кўчиб юришига ёрдам беришади. Мана, масалан, қорамайналар. Улар ўттиздан ортиқ ўсимликларни уруғ ва мевасини истеъмол қилишади. Қорамайна учраган мевани маза қилиб еб, унинг қолдиғини отиб юборади, меванинг уруғини эса шу ерда қолдириб кетади. Ўрмон сойқаси эса бужурни жуда яхши кўради. У ёнғоқни эман дарахтидан узоқроққа ташиб боради ва ўша ерда чўқилаб ейди. Биров қушни чўчитиб юборса у бужурни ташлаб учиб кетади. Кейин бу ердан чиройли азим эман дарахти ўсиб чиқади,— дедим ва нафасимни ростлаш учун жимиб қолдим.— Ҳаммаси ҳақида гапириб тугатиш қийин. Яхшиси, ўзларингиз кузатинг, таққосланг, нимага тушунмасангиз сўранг, тушунтириб бераман.

— Агар мен бўлмаганимда,— деди қовоғини солиб Рома Машкага,— сен бунга билмаган бўлардинг.

## БИЗНИНГ ОХИРГИ САЙРИМИЗ

— Ойим билан дадам шанба куни келишаркан,— дейишди Ромашкалар, мени кўришлари билан.

— Нега бўлмаса қовоқларинг солиқ? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Ҳеч кетгимиз йўқ. Мушкага ҳам ачиняпмиз... Балки ойимиз уни олиб кетишга рухсат бермаслар? — Маша йиғлаб юборай дерди.

— Эй, қизиқ бўлди-ку... Олдиндан кўзёши қилиш яхшимас. Мактабга боришга ҳамма нарсани тайёрлаб қўйганмисизлар? — қизиқсиндим.

— Аллақачон. Папкамизни ойимлар баҳордаёқ сотиб олиб берганлар.

— Папканинг ўзи билан иш битмайди ҳали,— дедим Ромашкаларнинг ҳафсаласини пир қилиб.— Коллекцияларингизни тайёрлаб қўйдингизми?

— Қайси коллекцияни?

— Ҳалитдан эсингиздан чиқдими? Узингиз йиққан дарахт пўстлогининг бўлаги. Йўсин, барглар, дарахтларнинг мевалари ва бошқа ўсимликлар қани, ўрмонда топиб олган сувга чўкадиган дарахт бўлаги-чи...

— Йўқ, улар эсимиздан чиқмади. Ҳозир ҳаммасини қиламиз,— дейишди Ромашкалар югуришга шайланиб.

— Шошманг, шошманг,— дедим болаларни тўхта-тиб,— яқинда сизлар билан хайрлашамиз. Хайрлашишдан олдин сизларни қадрон дўстим, ўрмончи Фёдор Иванович билан таништириб қўймоқчиман. Келинг, эртагаёқ унинг олдига борамиз. Йўл узоқ, шунинг учун эрталаб роппа-роса соат 8 да учрашайлик...

Эртасига эрталаб соат етти яримдаёқ Ромашкалар эшик олдида ўтиришарди.

— Намунча эрта келдиларинг?

— Кеч қоламиз, деб кўрқдик...

— Жуда соз, қанча эрта бўлса, шунча яхши. Ёмғир ёғмасдан бориб келамиз.

— Кеча қуёш булутлар ичига ботди, демак об-ҳаво ўзгаради. Бувимиз шундай дедилар.

— Бувиларинг айтган бўлса, демак тўғри. Қани, энди йўлга!

— Нега менга бунчалик тикилиб қолдиларинг? — деб сўрадим Ромашкаларнинг менга қараб ҳайрон бўлаётганларини сезиб.

— Бунингиз нима? — деб сўради Ромка қўли билан дала сумкасини ушлаб кўраркан,

— Бу менинг ҳарбий дала сумкам. Уни бутун уруш даврида кўтариб юрганман.

— Ҳозир у сизга нимага керак?

— Унинг ичига блокнот, қалам солиб юраман.

— Блокнот, қалам нимага керак? Биз ўрмонга кет-  
япмиз-ку.

— Агар аввал кўрмаган қизиқроқ нарсани кўриб қол-  
сак, дарров блокнотимга ёзиб қўяман. Баъзида мияга  
бирон-бир ажойиб фикр келиб қолади. Ушанда ёзиб қў-  
йишнинг иложи бўлмаса, биласизми қандай алам қила-  
ди! Сизлар ҳам ўрмонга бораётганингизда ён дафтарин-  
гизни олволишингизни маслаҳат қиламан. Нимани кўр-  
ган, нимани эшитган бўлсангиз — барчасини ёзиб қўя-  
веринг.

Шундай суҳбатлашиб ўрмон ичкарасига кириб бо-  
рардик. Бир соат ўтди, икки соат... Ромашкалар ўрмонда  
хотиржам боришарди — кузатишни, таққослашни, эслаб  
қолишни анча ўрганиб олишибди.

Шу ёз ичида улар улғайиб, анча бўйлари чўзилди.

— Қани, болалар, айтинглар-чи, чарчадингларми,  
қорниларилинг ҳам очгандир? — деб сўрадим улардан. Ро-  
машкалар бўлса бошларини сарак-сарак қилиб қўйиш-  
ди, холос.

— Булоққача борайлик, ўша ерда тамадди қилиб  
оламиз.

Мана, булоққа ҳам етдик. Бир ғамхўр одам қайин  
пўстлогидан чўмич ясаб, уни шохга илиб кетибди. Бола-  
лар ўша чўмичда сув ичишиб, раҳмат дейишди. Тамад-  
ди қилишди, нон увоқларини ўрмон қушларига қолди-  
ришди.

— Буёғи яқин қолди. Тезда етамиз!

— Анави ерда нима? — сўради Ромка узоқдан кўри-  
ниб турган каттакон лавҳани кўрсатиб.

— Яқинроқ бориб кўринглар,— деб маслаҳат бердим.

— У ерда: «Ўрмонни асранг!», «Ўрмон бизнинг...»  
кейин нима, ўқий олмадим, катта сўз экан...

— «Ўрмон — бизнинг бойлигимиз»,— ёрдамлашдим  
Ромкага.— Биласанми нимага уни асраш керак ва нима  
учун у бизнинг бойлигимиз?

— У ерда қўзиқоринлар, мевалар, турли дарахтлар  
бор.

— Тўппа-тўғри. Ўрмон инсонни боқади, кийинтиради,  
даволайди, ёғоч беради, ёғочсиз эса ҳеч бир иш битмай-  
ди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Бу энг муҳими ҳам эмас.

Урмон, ўсимликлар бўлмаганда инсонлар ва ер юзидаги барча тирик жонзот яшамаган бўларди, чунки биз ва бутун жонли олам нафас оладиган кислородни ўсимликлар ишлаб чиқаради. Ўсимликлар яна ҳавони ифлосликдан, чангдан, қурумдан тозалайди. Урмонсиз дарё ва ороллар ўлик ҳолга келарди, ўрмон далаларни шамолдан асрайди...

Мана етиб ҳам келдик. Бизни итлар ҳуриб қаршилашди, пешайвонда уй эгаси Фёдор Иванович кўринди.

— Дўстларимни бирга олиб келдим. Қарши эмасмисиз? — дедим сўрашиб бўлгач Фёдор Ивановичга.

— Танишганимдан жуда хурсандман. Тортинманглар, қани, уйга киришгилар,— деди Фёдор Иванович Ромашкаларга мурожаат қилиб,— сизларни Катерина Ивановна ҳозир янги соғилган сут билан меҳмон қилади.

— Ҳозир, ҳозир,— деди Катерина Ивановна куймашиб.— Мана ўғилчамни қорнини тўйгазай, кейин бирга ўтириб овқатланамиз. — Степа, Степа! — деб чақирди ва катта таёқни олиб дарахтни тақиллата бошлади.— Овқатингни еб ол!

Шу пайт ўрмон ичидан нима чиқди денг?..

— Бузоқ? — ҳайрон бўлишди Ромашкалар.

— Йўқ, бузоқ эмас! Қулоқларини қаранг, оёқларичи! — завқланишди болалар.

Буғу боласи пақир ёнига келди ва ундаги овқатни ея бошлади.

— Жуда соз! Еб бўлдингми энди, бор, югуриб ўйна,— деди аёл ва Степани силаб эркалатиб қўйди.

— Уни қаердан олгансизлар? — бир-бирини бўлиб сўрашди болалар.

— Браконьерлар она буғуни ўлдириб қўйишди, биз унинг боласини боқяпмиз,— деди уй бекаси ғамгин қиёфада.

— Сизларга ёқдимиз? — сўради Фёдор Иванович.

— Жуда. Фақат одам унга ачинади. Сиз ўрмончимисиз? Нима иш қиласиз? — Ромашкалар савол ёғдириб ташлашди.

— Урмонни томоша қилиб юраман, — ҳазиллашди Фёдор Иванович. Аммо қараса, болалар астойдил сўрашяпти. Демак буни билишлари зарур. У ҳикоя қила бошлади.

— Хўжалик жуда катта. Иш кўп. Менинг асосий ишим — ўрмонни асраш, уни ёнғиндан сақлаш, зарар-

кунанда ҳашаротлардан, баъзида эса одамлардан ҳам ўрмонни ҳимоя қилишим керак. Оҳ, менга ёрдамчилар қанчалик зарурлигини билсанглар эди! — деди Фёдор Иванович ва Ромкага қараб қўйди.

— Мен сизга ёрдамчи бўламан! — чин юракдан деди Ромка.— Майлими?

— Нима ҳам дердим, жуда соз!

— Ўрмонингизда айиқлар ҳам яшайдими?

— Йўқ, айиқлар яшамайди,— деди болаларнинг ҳафсаласини пир қилиб Фёдор Иванович.— Мана, масалан, бўрилар, тулкилар, буғулар, чўчқалар яшайди. Кечагина, тулки сичқонларни ов қилаётганини кўриб қолдим.— тушунтирди у.

— Мен тулкилар фақат товуқларни олиб қочади, қуёнларни ов қилади, деб ўйлабман. У сичқонларни ҳам тутиб еярган-да,— ҳайрон бўлди Ромка.— Мен буни билмас эканман!

— Сен ҳали кўп нарсани билмайсан,— кулиб қўйди Фёдор Иванович.— Мен ҳам, тўғриси айтсам, неча йилдан бери ўрмонда яшасам-да, унинг ҳамма сирларини била олганим йўқ, унинг гўзаллигига тўймайман. Унинг меҳри ва сахийлигидан қувончим ичимга сиғмайди!..

## СОВҒАЛАР

Кетадиган кун ҳам етиб келди.

— Ҳайрлашгани кирдик,— дейишди Ромашкалар уйга киришаркан.— Бу сизга! — Улар менга тугунча узатишди. Тугунчани очдим, қарасам, иккита расм. Биттаси менга жуда таниш. Бу ўша Ромашкалар ёз бўйи чизган сурат. Энди унда нималарнинг тасвири йўқ: дарахтлар ва буталар, ўтлар ва гуллар, қўзиқоринлар, капалаклар, бақалар, читтаклар, олмахонлар бор... ва ҳатто Ромашкаларнинг ўзлари ҳам чизилган!

— Нима ҳам дердим! Жуда чиройли чиқибди. Энг муҳими — тўғри чизилибди! Мана бу ҳақиқий ўрмон. Раҳмат! — миннатдорчилик билдирдим дўстларимга.

— Энди мана бунисини кўринг! — Ромка иккинчи суратни менга кўрсатишга шошарди.

— Бу менинг плакатим! — деди у фахрланиб. Суратни қўлимга олдим ва ундаги ёзувни ўқидим: «Ўрмонни асранг!» «Нима қилибди, ҳарфлар текис эмас, турли томонга қараб қийшайиб турибди, ўзимча ўйладим.— Энг

муҳими, Рома бунӣ нима мақсадда, нима сабабдан ёзганини тушунса бўлди».

— Ажойиб плакат! — мақтаб қўйдим болани.

— Мен мактаб учун ҳам шундай расм чизаман,— деди у.

— Мен ҳам сизларга совға тайёрлаб қўйганман,— дедим уларни тезроқ хурсанд қилиш мақсадида.— Мана, олинглар! — Ромашкаларга катта пакет узатдим.

— Фотосуратлар?! Қара, Маша, қишки ўрмон. Бирам чиройлики! Мана, айиқча. Қара, қара, бўри! Мана бу ерда қандайдир чизиқлар, қорда излар...

— Бу чизиқлар эмас. Бу излар. Мана бу қуёнчанинг изи. Мана бу ерда қарға ўтирган. Қишда қор бутун ерни қоплаб олади. Ундан ким юриб ўтса ҳам, югуриб ўтса ҳам изи қолади. Бу фотосурат сизга қиш ўрмонининг «оқ китобини» ўқишингизга ёрдам беради. Энди дўстларингизни чақиринг, эсдалик учун ҳаммангизни расмга тушираман.

Беш минут вақт ўтмасданоқ барча болалар тўпланишди.

— Диққат! Суратга оляпман! Тайёр! Жўнаш вақти бўлди! Қани, машинага чиқинглар! — кетувчиларни шошира бошладим.

...Мана ўз яланглигимиздан ўтиб кетдик, эман дарахти ҳам орқада қолди...

— Тўхтаганг, тўхтаганг! — тўсатдан бақириб илтимос қилишди Ромашкалар.— Ана, Кузьмич бобо, Митя ва Руслан. Улар билан ҳали хайрлашмадик-ку.

Тўхташга мажбур бўлдик. Маша машинадан сакраб тушиб, ўт юлди ва Русланни боқа бошлади. Кузьмич бобо бизга оқ йўл тилади. Митя билан Кузьмич бобонинг невараси машина ёнига келишди, унга қўл тегишиб кўришди, силашди, Митя ишбилармонлардек машина ичига қаради — у техникага жуда ўч бўлиб, доим ёнимга келар, машинани бирга ювишар, унинг тузилишини, ишлашини суриштирарди.

— Қани, Митя, кел, алмашамиз,— дедим ҳазиллашиб.— Сен менга Русланни берасан, мен сенга машинани.

Митя бир дақиқа доврираб қолди, кейин Русланга, машинага қаради ва бошини сарак-сарак қилди.

— Йўқ, у тирикмас-ку!

— Бўлмаса ўтир, маза қилиб келасан,— дедим боланинг бошини силаб,

## МУНДАРИЖА

Бу китоб қандай ўқилиши керак . . . . .	5
Сўз боши . . . . .	6
Кашфиёт қувончи . . . . .	8
Танишув . . . . .	10
Ҳаммаси нимадан бошланади . . . . .	11
Ажойиб жонзот . . . . .	13
Сув қўнғизи нега чўқди . . . . .	16
Сайёранинг энг баднафс йиртқичи . . . . .	19
Ниначининг нечта кўзи бор . . . . .	21
Тангақанотлилар . . . . .	23
Сирли ўзгаришлар . . . . .	26
Катталар ва кичиклар . . . . .	28
Энг сезгир бурун кимники . . . . .	30
Агарда . . . . .	31
Ромашкалар ўрмоннинг расмини қандай чизишди? . . . . .	33
Кашфиёт қувончи (катталар учун) . . . . .	36
Сакраб-сакраб . . . . .	39
Бақалар концерти . . . . .	41
Хунук дўстим . . . . .	42
Бутунлай бўлакча . . . . .	45
Чаққон калтакесак . . . . .	46
Сал бўлмаса чақиб оларди . . . . .	48
Қўрқинчли воқеалар . . . . .	51
Томоша қиламан . . . . .	53
Бир дона мевасидан оламан . . . . .	56
Ромашкалар уйларига қайтиш учун йўл қидирганлари . . . . .	58
Ту-ту-ту . . . . .	60
Ромашкалар қандай қилиб қушларнинг расмини чизгани . . . . .	62
Қутқазिश командаси . . . . .	65
Кичкина деманг бизни . . . . .	68
Мишканинг гапига қараганда . . . . .	70
Усталар . . . . .	71
Кўнгилсиз воқеа . . . . .	73
Қушлар календари . . . . .	76
Гул соат . . . . .	77
«Қизил китоб» . . . . .	80
Кашфиёт қувончи . . . . .	81
Энди бундай қилмайман . . . . .	84
Тунги меҳмон . . . . .	86
Ер кавловчилар . . . . .	88
Севимли машғулот . . . . .	90
Тасқара махлуқ . . . . .	93
Қурувчилар ва кўпгина бошқа нарсалар ҳақида . . . . .	95
Қўрқоқ қуёнча . . . . .	97
Кўзиқорин мавсуми . . . . .	100
Кўчиш даври . . . . .	103
Бизнинг охири сайримиз . . . . .	106
Совғалар . . . . .	109

Для детей младшего школьного возраста

На узбекском языке

**Юрий Дмитриевич Дмитриев**

**РАССКАЗЫ О ЖИВОТНЫХ**

Ташкент, издательство «Ёш гвардия», 1988

Редактор **С. Сайдалиева**

Рассом **Т. Шумская**

Расмлар редактори **Р. Зуфаров**

Техн. редактор **В. Демченко**

Корректор **С. Сайдолимов**

ИБ № 2365

Теришга берилди 23.12.87. Босишга рухсат этилди 1.04.88. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. 2-босма қоғозга «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма листи 3,5+0,25 вкл. Шартли босма листи 5,88+0,42. вкл. Шартли кр. отт. 8,41. Нашр листи 5,89+0,92 вкл. Тиражи 40000. Буюртма 2595. Баҳоси 30 т. Шартнома 106—87.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент 700113, Чилонзор массиви, 8-квартал, «Правда» газетаси кўчаси, 60.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси Тошкент, Ленин кўчаси, 41.